

417


Ўттиниз олтинчи йил чиқиши
Шаввол 1442ҳ – май 2021м



Кенг кўламли,
фикрий, сақофий журнал

Ал-Ваъй

Ал-Ваъй сўзи



**УММАТНИНГ ВОҚЕЛИГИ ЎЗГАРТИРИШГА УНДОВЧИ
ОМИЛЛАР БИЛАН МУВАФФАҚИЯТ АСОСЛАРИ ЎРТАСИДА**

Ғарбнинг исломий
юртларни мустам-
лака қилиш бўйича
доимий режаси

Ислоннинг ғариблиги,
унинг янгиланиши ва
Ҳизб ут-Тахрир (3)

Ислонни етказишда
саҳобаларнинг одил-
лиги



417

Ўттиз олтинчи
йил чиқиши
Шаввол 1442ҳ
Май 2021м

Ливан 1000 лира

Яман 30 риёл

Туркия 1 доллар

Покистон 1 доллар

Австралия 2,5 доллар

Америка 2,5 доллар

Канада 2,5 доллар

Германия 2,5 евро

Швеция 15 крон


Бельгия 1 евро

Швейцария 2 франк

Австрия 1 евро

Дания 15 крон

Урибду сонда

- **Ал-Ваъй сўзи:** Умматнинг воқелиги ўзгартиришга ундовчи омиллар билан муваффақият асослари ўртасида 3
- Ғарбнинг исломий юртларни мустамлака қилиш бўйича доимий режаси 10
- Ислоннинг ғариблиги, унинг янгиланиши ва Ҳизб ут-Таҳрир (3) 21
- Капиталистик ҳазорат ҳамда унинг дарвинизм асосидаги кўз-қарашининг яроқсизлиги (4)..... 33
- Ислонни етказишда саҳобаларнинг одиллиги 45
- **Олам муслмонлари хабарлари 52**
- **Қуръони Карим суҳбатида 58**
- **Жаннат боғлари:** Холислик ибодат рукнларидан бири бўлиб, Аллоҳ усиз ҳеч бир амални қабул қилмайди 65
- Биринчи рошид Халифа Абу Бакр Сиддиқ нинг фазилатларидан 73
- **Сўнги сўз:** Сарой уламоларининг фикрларини оламлар Парвардигорига содиқлик эмас, балки режимларга содиқлик бирлаштирди 79
- Муҳаммад ибн Салмон ўзининг динни янгилаш ҳақидаги кўз-қарашида суннатга риоя қилинишига тўсқинлик қилмоқда 80



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

УММАТНИНГ ВОҚЕЛИГИ ЎЗГАРТИРИШГА УНДОВЧИ ОМИЛЛАР БИЛАН МУВАФФАҚИЯТ АСОСЛАРИ ЎРТАСИДА

Муҳаммад Шариф – Ироқ вилояти

Ўзгартириш ҳақида фикрлаш ва унга ҳаракат қилишдан олдин инсонни воқеликни ўзгартиришга ундовчи омиллар бўлиши лозим. Муваффақият асосларини ўрганмай туриб, фикрлаш ва ҳаракат қилиш самарали бўлмайди. Чунки ҳақиқий ва етарли асосларсиз ўзгартириш ҳақида гапириш хаёлнинг бир тури ҳамда вақт ва кучни беҳуда сарфлашдир. Агар Ислом Уммати воқелигига назар солсак, унинг ушбу икки ишга эгалигини кўрамиз. Булар: ўзгартиришга ундовчи омиллар ва муваффақият асосларидир.

Ўзгартиришга ундовчи омиллар уч турли бўлади:

- 1 – Фикрий;
- 2 – Иқтисодий;
- 3 – Ижтимоий.

Фикрий омил

Фикрий омил энг муҳими бўлиб, саёз илмоний фикрларни Исломнинг фикр ва муолажаларига алмаштириш заруратида гавдаланади. Бу – мусулмонлар қабул қилган ақидадан келиб чиқади. Мусулмонлар қабул қилган ақиданинг асоси қуйидагича: Коинот, инсон ва ҳаёт яратувчи томонидан яратилган ва яратувчи ўз махлуқоти ишларини тадбир қилиб, бошқариб туради. Яратувчининг бошқарувчилиги унинг буйруқларига бўйсуншни ва пайғамбарига нозил қилган рисолатига эргашишни тақозо этади. Бу рисолат башарият ҳаётидаги турли муаммоларнинг қатъий раббоний ечимларини ўз ичига олади ва бу ечимлар ўзига хос турмуш тарзни келтириб чиқаришга кафилдир. Бу нарса асрлар давомида мусулмонлар ҳам, бошқалар ҳам аниқ ҳис қилган воқеликдир. Ушбу раббоний ечимлар одамларнинг интизомли ва тинч жамиятда яшашларига олиб келади. Бу ечимлар замон ва макондан қатъий назар, барчаси учун мос келадиган ва муаммоларни ҳал қилишга қодир бўлган фикрий манбадан балқиб чиқади. Шунингдек, фикрий ва турмуш тарзга оид чалкашликлардан йироқдир.

Кимдир шундай деб айтиши мумкин: Ислом Умматини қийнаб келаётган иқтисодий ва ижтимоий инқирозлар пайтида ушбу масала кучли омил бўлиб қоладими? Бундан ташқари, биз ҳозирги авлоднинг, асосан кўпчилигининг фикрлаши юзакиликка гувоҳ бўлмоқдамиз. Чунки ҳозирги авлод ўзининг фикрлаши ва турмуш тарзида, ҳатто ташқи кўринишида илмонийликнинг бадбўй фикрларидан таъсирланган.

Биз айтамикки, бизни қийнаб келаётган инқирозлар тўғридан тўғри Аллоҳнинг шариатидан юз ўгиришга ва ҳаёт воқелигидан шариатнинг узоқлашишдан келиб чиққан. Айни шу ҳақиқатни ҳис қилиш мабдаий асосдаги туб ўзгаришни пайдо қилишга қаратилган ҳар қандай даъват лойиҳаси муваффақиятининг тамал тошидир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿فَمَنِ اتَّبَعَ هُدَايَ فَلَا يَضِلُّ وَلَا يَشْقَى ﴿۱۲۳﴾ وَمَنْ أَعْرَضَ عَن ذِكْرِي فَإِنَّ لَهُ مَعِيشَةً ضَنْكًا وَنَحْشُرُهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ أَعْمَى﴾

«Ким Менинг ҳидоятимга эргашса, йўлдан озмас ва бахтсиз бўлмас. Ким Менинг эслатмамдан юз ўгирса, бас, албатта унинг учун танг-бахтсиз ҳаёт бўлур ва Биз уни қиёмат кунида кўр ҳолда тирилтирумиз» [Тоҳа 123-124]

Ушбу ояти каримадан Аллоҳнинг ҳидоятига эргашиб бахт-саодатнинг шартли эканини, ундан юз ўгириш эса, танг-бахтсиз ҳаётни ва охиратда зиён кўришни келтириб чиқаришини тушунамиз. Шариат қонунлари жамият талабига ёки жамоатчилик фикрига айланиши учун ушбу фикрни мусулмон жамиятларда кўтариб чиқиш сиёсий уюшма фаолиятининг асосий таянчи бўлмоғи лозим. Ана шунда кўзланган мақсадга эришиш осон бўлади.

Иқтисодий омил

Исломий юртларда турмуш тарзини қийинлаштираётган иқтисодий омил ўзгартириш омилларининг иккинчисидир. Зеро, исломий юртлар аҳолисининг 38 фоизи қашшоқликнинг энг қуйи даражасида кун кечиради. Улар дунё аҳолисининг тўртдан бирини ташкил этадилар. Айни пайтда исломий юртларнинг аксарияти катта бойликларга ҳамда иқтисодий ривожланишнинг улкан имкониятларига эга. Ушбу қашшоқлик нисбати ўша қашшоқлар унга мансуб бўлган юртнинг бойлиги ёки камбағаллигини акс эттирмайди. Чунки бойликка эга бўлган юртда қашшоқлик даражаси юксак бўлиши ҳам мумкин. Африкани мисол қилиб оладиган бўлсак, у дунёдаги олмоснинг 95 фоизини ишлаб чиқаради. Шу билан бирга ушбу юртлар аҳолисининг ярмидан кўпи қашшоқликнинг энг қуйи даражасида яшайди. Суданга ўхшаган

қишлоқ хўжалиги учун яроқли ерга эга бўлган юртнинг, масалан, нон кризисидан азият чекиши ақлга сиғадими?! Бу нарса ушбу юртларни бошқараётган ҳукмрон капиталистик режимлар муваффақиятсизлигини акс эттиради ва капиталистик низом ҳақиқатини очиб беради. Чунки капиталистик низом бойликнинг оз сонли одамлар қўлида тўпланиб қолишига олиб келади. Британиянинг Оксфам нодавлат ташкилоти ҳисоботига кўра, дунё аҳолисидан 10 фоизининг бойлиги бутун дунё аҳолисининг бойлигига тенг келади.

Қашшоқлик ва ишсизлик даражаси ўртасида ўзаро боғлиқлик борлиги шубҳасиз. Халқаро Меҳнат ташкилотининг араб давлатларига тегишли регионал бюроси нашр қилган маълумотларга кўра, араб давлатларидаги ёшлар ўртасидаги ишсизлик нисбати 30 фоизга етган. Бундай муаммо ҳатто саноатлашган ривожланган давлатларда, гарчи пастроқ даражада бўлса ҳам мавжуд. Бу эса, капиталистик низомнинг бутун халқлар учун, шу жумладан ўз халқлари учун ҳам ёмон низом эканлигига далолат қилади.

Озиқ-овқат масаласига келсак, расмий статистик маълумотларга кўра, дунёда 821 миллион оч одам бор ва бутун дунёда 150 миллион бола тўйиб овқатланмагани учун ўсишдан тўхтаб қолган. Озиқ-овқат хавфсизлигига¹ келсак, 2019 йилдаги расмий ҳисоботларга кўра, бутун дунёда икки миллиарддан ортиқ одам озиқ-овқат хавфсизлиги йўқлигидан азият чекади. Шубҳасизки, озиқ-овқат хавфсизлиги ва муносиб гигиеник уй жойнинг йўқлиги асосан эскирган соғлиқни сақлаш тизимидан азият чекиб келаётган жамиятларда турли саломатликка оид муаммоларни пайдо қилишга қафилдир.

Қашшоқликнинг энг қуёи даражасида кун кечириш одамлар ҳаётига бевосита таъсир кўрсатади. Бундай ҳолатда озиқ-овқат, кийим-кечак, ва бошпана каби асосий эҳтиёжлар ҳавога учади. буларнинг барчаси ўзгартириш ҳақида изланиш олиб боришга ундовчи омил бўлмайdimи?!

Ижтимоий омил

Ижтимоий муаммолар ва инқирозларга келсак, ўзгартиришга ундовчи омил сифатида уларнинг аҳамияти олдин айтиб ўтилган омилларнинг аҳамиятидан кам эмас. Улар асосан юқорида айтиб ўтилган фикрий ва иқтисодий инқирозларнинг маҳсулидир. Биз

⁽¹⁾ Озиқ-овқат хавфсизлиги бу, фаол ва соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш учун ҳар доим ва ҳамма учун озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжларига жавоб берадиган тарзда, шунингдек, овқатланиш дидларига мос равишда етарли, хавфсиз ва тўйимли озиқ-овқат билан таъминлашдир.

жамиятларда энг аҳамиятли ва таъсирли бўлган ижтимоий муаммоларга мисоллар келтирамиз. Масалан, гиёҳвандлик муаммоси глобал муаммога айланиб, дунё давлатларининг аксар жамиятлари ундан азият чекиб келади. Гиёҳвандлик бўйича 2017 йилда берилган халқаро ҳисоботда кўрсатилишича, бутун дунёда 271 миллион гиёҳванд бор. Бу эса дунё аҳолисининг 5,5 фоизини ташкил этади. Улардан 30 миллиони руҳий касалликларга чалинган.

Зўрлаш жиноятларига келсак, профилактик чора-тадбирлар қўлланмайдиган бўлса, бундай жиноятлар сонининг ортиши кутилади. Зўрлаш жиноятининг энг юқори кўрсаткичи қайд этилган давлатлар орасида Швециянинг тўртинчи, Қўшма Штатларнинг ўн биринчи ўринда бўлиши ғалатидир. Ҳолбуки, агар Ислон татбиқ қилинадиган бўлса мусулмонлар орасида бундай муаммонинг бўлиши эҳтимолдан йироқдир. Бироқ шундай бўлсада, бундай муаммо исломий юртларни ҳам четлаб ўтмади. Ушбу статистик маълумотларда кишини ажаблантирадиган нарса шуки, бу давлатлар ўзларини исломий юртларни бошқараётган режимлар каби одамлар устидан хоҳлаганича ҳукмронлик қиладиган капиталистик оилавий жамиятлар эмас, балки мустаҳкам демократик режим эканликларини даъво қилишади.

Ажрашиш ҳолатларининг муттасил кўпайиб бориши ҳамда ёшларнинг турмуш қуришни истамаслиги мусулмон жамиятларни қийнаётган навбатдаги ижтимоий муаммолардан биридир. Ироқ олий суд кенгаши томонидан 2020 йилда чиқарилган статистик маълумотларга кўра, турмушдан ажрашиш ҳолати 23 фоизни ташкил этган. Мисрга келсак, Марказий сафарбарлик ва статистика агентлиги 2019 йилда ажрашиш ҳолатлари 237,7тага етган. Агентликка кўра, ҳар икки дақиқада битта ажрашиш ҳолати қайд этилган. Кўрфаз Ҳамкорлик Кенгаши давлатларидаги статистик маълумотлар ҳам бундан унчалик фарқ қилмайди. Сир эмаски, бу муаммо жамият учун зарарли бўлган ишларни келтириб чиқаради. Масалан, бола уни ҳимоя қилувчи соғлом оилани йўқотади ва бу ҳолат унинг, хусусан ажрашган аёлларнинг психологиясига ёмон таъсир қиладди, шунингдек, жамиятни инқирозларнинг ёпиқ доирасига олиб кириб қўяди.

Бу – жамият муаммолари денгизидан бир томчи холос. Бу ерда яна бошқа бир қатор муаммолар ҳам борки, уларнинг ҳаммасини бу ўринда айтиб ўтиш имконсиздир. Шунинг учун, ота-онага оқ бўлиш, саводсизлик, қариндошлик алоқаларини узиш, оилавий зўравонлик, ахлоқсизлик ва булардан бошқа бир қанча муаммоларга ишора қилиб ўтиш билангина кифояланамиз. Булар жамият муаммоларининг барчасига эмас, балки маълум

қисмигагина келтирилган мисоллардир. Зеро, Аллоҳ Таолонинг низомини башарият ўйлаб топган низомларга алмаштириш оқибати муқаррар бахтсизликдир.

Ушбу аламли воқеликни ўзгартиришга бел боғлаган ҳар қандай уюшма ўзгартиришни келтириб чиқаришга кафил бўлган омилларни объектив ва онгли равишда ўрганиши лозим. Қайсидир бир жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий муаммоларига ечим топишдан олдин фикрий омилга эга бўлиши керак. Зеро, бу фикрий омил башарият яшаётган ҳаёт ҳақидаги чуқур, кенг-қамровли ҳамда ёрқин фикрда, яъни борлиқ яратувчи томонидан бошқариб турилади, деган пойдевор устига бино бўлган Исломи ақидасида ўз аксини топади. Бу – ер юзидаги бир миллиард саккиз юз миллиондан ортиқ мусулмон эътиқод қиладиган куллий (умумий) фикрдир. Бу фикр «ўз махлуқотини билгувчи ва бандалар ишларини тадбир қилиб бошқарувчи бўлган башарият Роббиси ҳузурда ушбу барча муаммоларнинг ечими бор», деган қоидани мустаҳкамлашга кафилдир. Бундан ташқари, ўзгартиришни амалга оширишда ушбу фикр муваффақиятининг сири, унинг ақлни қаноатлантириб, фитратга мос келувчи ақида эканлигидир. Бу ақида ўртача ечимга асосланмаган, аксинча, у ушбу фикрга бўлган мустаҳкам қаноатни келтириб чиқарган фикрлаш жараёнининг маҳсулидир. Шунингдек, ушбу фикр муваффақиятининг сири уни ҳаёт воқелигида пайдо қилиш устида ишлашга ундовчи эканлиги ҳамдир.

Бироқ, ушбу ечим ёки фикрни ҳаёт воқелигида пайдо қилиш шахсий эмас, балки уюшма асосидаги жамоий ҳаракатга муҳтож. Ўз аҳлини алдамайдиган етакчи бўлган Ҳизб ут-Таҳрир ўтган асрнинг эллигинчи йилларидан ушбу вазифага киришган пайтида бу уринишларнинг илк белгилари кўринди. Ҳизб ут-Таҳрир ўз фаолиятининг шиори сифатида рошид Халифаликни барпо этиш орқали исломий ҳаётни қайта бошлаш ғоясини кўтариб чиқди.

Фикрий омил учун жамиятда таъсир кучига эга бўлган муфаккир жамоатда гавдаланадиган башарий омил керак. Бу жамоат биринчи етакчилик атрофида тўпланиб, унинг лойиҳасини қабул қилади ҳамда у билан бирга ҳукмларни татбиқ қилиш лойиҳаси ва механизминини белгилаш устида ишлайди. Қиёдатга эргашган бошқа синф эса, унинг ичида Исломи алангаси ёнади, уни татбиқ этишга ошиқади, бунинг йўлида энг қадрли нарсаларини сарфлайди ва фикратни татбиқ ўрнига қўйишни ўз зиммасига олади. Ушбу синф фаолият давомийлигининг асоси, шунингдек, ҳужум пайтида қўлга киритилган ютуқларни ҳимоя қилувчи мудофаа чизигидир.

Иқтисодий инқирозларни ҳал қилишга келсак, уларни ҳал қилиш моддий омилларга муҳтож. Айни шу моддий омиллар фикрларни

татбиқ этилишга яроқли ва бир пайтнинг ўзида самарали қилади. Исломий юртлар нефт, газ ва турли фойдали қазилмалар каби душманлар сўлагини оқизадиган мўл-кўл бойликларга эга. Бу бойликлардан баъзилари кашф этилган бўлса, баъзилари кашф этиш босқичидадир. Ушбу бойликлар исломий давлатни муҳим ресурсларга эга бўлган бой давлатга, шунингдек, бошқа давлатлар у билан савдо алоқаларини ўрнатишдан қочиб қутула олмайдиган давлатлардан бирига айлантиради. Бу эса, унинг даромадини оширади ва уни дунё сиёсий саҳнасига таъсир қилувчи иқтисодий қувватга айлантиради. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги учун яроқли ер майдонлари ҳамда суғориш ишлари учун керакли бўлган чучук сув каби омиллар одамларни озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни осонлаштиради.

Биз айтиб ўтган табиий бойликлар, яъни жамоат мулки сирасига кирадиган фойдали қазилмалар, қишлоқ хўжалиги ерлари, бундан ташқари закот аҳкомларининг татбиқ этилиши қашшоқлик муаммосини тугатишга кафилдир ва бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ. Шунингдек, давлатнинг экспортдан ва маҳсулот ишлаб чиқаришдан келган даромадлари барқарор ривожланиш ҳамда технологик ривожланиш учун керакли пул маблағларини таъминлашга етарлидир. Ҳизб ут-Таҳрир капиталистик иқтисод низомларига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган, шунингдек, иқтисодга алоқадор шаръий аҳкомларни татбиқ қилишга фикрий манба бўлган «Исломда иқтисод низоми» ҳамда «Олий намунавий иқтисод» номли китобларни табанний қилди.

Ижтимоий инқирозларга келсак, Ислом шариатида бу соҳада айтиб ўтилган муаммолар учун етарли муолажалар бор. Бу хусусда Ҳизб ут-Таҳрир чиқарган «Исломда ижтимо низоми» китобида турли ижтимоий муаммолар ҳақидаги Ислом аҳкомлари бутун тафсилоти билан келган. Ушбу раббоний аҳкомлар хотиржамликни ҳамда ифбатга ва покликка асосланган оилавий барқарорликни пайдо қилади. Ушбу низом деворлари қулаб тушган капиталистик низомга қарама-қарши томонда туради.

Юқорида айтилганлар Раббоний ахлоқий фикрий асосни, стратегик башарий омилни ҳамда исломий юртлардаги иқтисодий хусусиятларни ўз ичига олган ўзгариш лойиҳасининг муваффақиятли омилларидир. Буларнинг барчаси бузуқ капиталистик тизимда яшаётган ҳамда у пайдо қилган сунъий давлатларни тан оладиган мусулмонларга қаратилган. Аммо бугун мусулмонлар ушбу мустаҳкам омиллардан ҳамда ўзларининг шонли тарихларидан умумий турда хабардор бўлиб қолдилар. Улар Исломий давлат мавжуд бўлган пайтда мусулмонларнинг ҳаёти нақадар чиройли бўлганини ҳамда Исломий давлат асрлар

давомида дунёдаги биринчи давлат бўлиб турганини ҳам яхши тушунишмоқда. Улар буни ўтган рошид халифалар ҳамда улардан кейингиларнинг қаҳрамонлиги ҳақидаги ривоятлар орқали тушуниб етишди. Зеро, рошид халифалар ҳамда улардан кейингилар Исломни адолат, куч ва донолик билан татбиқ қилганлари учун уларга ҳатто Фарб ҳукмдорларининг ўзлари ихтиёрий равишда бўйсунганлар.

Ислом тарихи асосан жиҳод ва бошқарувдаги Ислом таълимотларининг ва мусулмонларнинг бутун ҳаёти Исломга асосланганининг таржимасидир. Бу – мусулмонларнинг ўз ҳаётларини динлари асосида барпо этиш сари интилишларини кучайтирувчи омилдир... Исломий давлат Исломнинг бир жузидир. Фарб ушбу фикрни ўзгартиришга ҳар қанча уринмасин ва унга қарши уруш қилмасин, у муваффақиятсизликка учради ва унинг муваффақиятсизлиги яна давом этади. Саййидимиз Муҳаммад ﷺ

«ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَىٰ مِنْهَا جِ النَّبُوءَةِ»

«Сўнг пайғамбарлик минҳожиди асосидаги Халифалик бўлади», дея башорат қилган рошид Халифалик албатта барпо бўлади.

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَقُلْ أَعْمَلُوا فَسَيَرَى اللَّهُ عَمَلَكُمْ وَرَسُولُهُ وَالْمُؤْمِنُونَ وَسَتُرَدُّونَ إِلَىٰ عِلْمِ الْغَيْبِ وَالشَّهَادَةِ فَيُنَبِّئُكُم بِمَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ﴾

«Айтинг: «(Хоҳлаган) амални қилинглар. Бас, Аллоҳ, Унинг пайғамбари ва мўминлар қилган амалларингизни кўриб турар ва яқинда ғайбу шаҳодатни (яъни, яширин ва ошкор нарсаларнинг барчасини) билгувчи зотга қайтарилурсизлар. Бас, У зот сизларга қилиб ўтган амалларингизнинг хабарини берур»»

[Тавба 105] □

ҒАРБНИНГ ИСЛОМИЙ ЮРТЛАРНИ МУСТАМЛАКА ҚИЛИШ БЎЙИЧА ДОИМИЙ РЕЖАСИ

Набил Абдулкарим

Халифаликнинг бекор қилиниши ҳамда охириги Усманий Халифалик 1924 йилда қулаши сабабли ер юзида исломий бошқарув тугатилганининг эълон қилиниши бир лаҳзада, яъни фақат қулатиш операциясининг ўзида рўй бергани йўқ. Аксинча, бундан олдин, ҳарбий, дипломатик, талабалик ва миссионерлик ҳужумлари орқали Европанинг ҳазорий тушунчалари Усманий Халифалик суякларини емириб бўлган эди. Бу ҳужумлар европаликлар, айниқса, Британая томонидан пухта режалаштирилган эдики, бунинг оқибатида Халифаликнинг ағдалириши мантиқий натижага айланиб қолганди. Одамлар қабул қилишадими ёки йўқми, бундан қатъий назар, бу нарса уларнинг кўз ўнгида содир бўлди. Европанинг саноат ва ҳарбий ривожланиши билан тарози тоши улар томонга оға бошлади. Натижада, оламга ҳайбат солган ва номи айтилганда бошқаларни ҳуркитадиган Усманий давлатнинг чеккасидаги катта ҳудудлар бўлиб олиниб, устидан Ғарб назорати ўрнатилди. Масалан, 1835 йилда Жазоир биринчилардан бўлиб, Усманий Халифаликдан ажралиб чиқиб, Франция назоратига ўтди. Бунинг ортидан 1882 йилда Миср Британия қўлига ўтди. 1912 йилдаги Болқон иттифоқи (Болгария, Сербия, Греция, Черногория)га қарши қилинган уруш ортидан, Усманий давлат Европа қитъасидаги аксарият ерларини йўқотди.

Биз бу ерда давлатнинг касалланиши ва ортидан қулашига олиб келган айрим сабаблар ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз, улар қўйидагилардир:

Ислом дини ва унинг таълимотини маҳкам тутмаслик, шунингдек, Усманий давлатнинг қитъалари ўртасида ҳақиқий ришта йўқлиги туфайли секин аста мабдаий риштанинг парчаланиши. Бу эса, давлатларнинг суякларини некроз ҳолатига олиб келди. Бунга яна араб тилига бўлган эътиборнинг сусайиши ва унинг ўрнига бошқа тилларнинг ишлатилиши қўшимча бўлди. Натижада Исломий тушунча ва таълимот янада заифлашди.

Миллий ва ватанпарварлик низоларининг сизиб киришига сабаб бўлган сақофий ва миссионерлик ҳужуми. Бу ҳужум нафақат Европа томонидан олиб борилди, балки унда Америка, Россия ва бошқа кофир давлатлар ҳам иштирок этди. Бунга Ғарбнинг баъзи конституциявий қоидалари киритилиши ёрдам берди. Зеро бу ерда шаръий аҳкомларни Ғарб қонунларига

алмаштириш борасида кўплаган ҳаракатлар бўлган эди. Ёш Халифа Абулҳамид биринчи ва Митҳат пошоларнинг ҳаракати бунга мисол бўлади. Лекин Халифа Абдулҳамид иккинчи Митҳат пошога қаттиқ қаршилиқ қилди. Шундай бўлса-да, вақт ўтиб, Шайхул Ислом (Муфтий Диёр)нинг қарори билан айрим Ғарб қонунлари киритилди. Шайхул Ислом ушбу қонунларга фақат уч нуқтадан қаради: (Исломга зид бўлмаган нарсани олиш жоиз), (мубоҳ ишда ҳеч қандай тақиқ йўқ, тақиқланмаган ишни қилиш мубоҳ) ва (демократия Исломдан, чунки у маслаҳат, одиллик ва тенгликка асосланган). Шу фикрлар асосида Ғарбнинг демократик конституциясидан қонун олишга фатволар берилди, давлат Халифалик низоми бўйича қолган бўлса-да, бузилиш ва тойилишлар янада кучайди.

Халифалик давлати ва мусулмонларга қарши душманчилик ҳиссини қалбига туккан ва адашган диний фирқаларнинг ёйилиши. Ҳатто айни фирқаларга мансуб бўлган айрим шахсларнинг давлат мансабига ўтириши.

Султон Ўрхан ғозий томонидан ташкил қилинган Яничарлар қўшини кўп ютуқларга эришган бўлса-да, улар мамлакат бошқарувини қўлга киритгач, қарор соҳибига айланиб қолишди, султон уларнинг қўлидаги бир қўғирчоқ бўлиб қолди. Шу пайтдан бошлаб, улар муаммо ярата бошладилар. Давлатни заифлаштириб, уни кераксиз урушларга тиқишди.

Европа давлатларининг Ислом давлатига қарши тил бириктириши. Улар бунинг учун турли йўллардан юришди. Масалан миллий, ватанпарварлик ва мустақиллик низоларини қўзғашди, юрт фуқароларини Ислом давлатига қарши гижгижлаб, уларни пул ва қурол билан таъминлашди. Британия ўз ҳаракатини араб ва турклар масаласига қаратди. У арабларга араб Халифалигини тиклаб бериш ҳақида ваъда берган эди. Ҳусайн-Макмаҳон ёзишмаларида бу ҳақда айтилган. Зеро, Британия араб давлатларининг мустақиллиги ва араб Халифалигини эътироф этишини таъкидлаган.

Ғарб Усманий давлатни ўз манфаатларига ҳамда мабда сифатида бутун дунё устидан ҳукмронлик қилишига, қонунларини татбиқ қилишига ҳалақит берадиган энг катта тўсиқ деб билар эди. Шунинг учун 1905 йилда Кэмпбелл-Баннерман конференцияси ўтказилди. Конференция сессиялари 1907 йил 14 майгача давом этди. Конференцияни Британиянинг консерватив партияси махфий равишда чақирган эди. Унда Британия, Франция, Голландия, Белгия, Испания ва Италия давлатлари иштирок этди. Конференцияни Британиянинг бош вазири Гэнри Кэмпбелл-Баннерман очар экан, узоқ давом этган нутқида иштирокчиларга

шундай деди: «Албатта империялар пайдо бўлади, кенгаяди, кучаяди ва қайсидир даражада барқарорлашади. Сўнгра секин аста заифлашиб охири йўқ бўлади. Тарихда бунга мисоллар жуда кўп. Бу нарса ҳар қандай тараққиёт ва халққа нисбатан ўзгармасдир. Мана масалан, Рим, Ҳинд, Хитой ва бошқа империялар ўтган. Шундай экан, Европа мустамлакачилигининг қулаши, тугаши ва тақдирини кечиктириш мумкин бўлган сабаб ва воситалар борми?».

Улар Ислом Умматини вайрон қилиш, унинг оёққа туришига йўл қўймаслик ва ундаги барқарорликни йўқотиш учун ўтказилган ушбу конференция сўнггида Ўрта ер денгизи мустамлакачиликнинг муҳим артерияси экани, Ғарб ва Шарқни боғлаб турувчи кўприк ҳамда Осиё ва Африка қитъаларига табиий йўлак ва дунёнинг чорраҳаси эканини айтишди. Эҳтимол конференцияда айтилган энг кўзга кўринган тавсиялар ушбу икки нуқта бўлган бўлса керак:

- Ушбу минтақа халқларини тарқоқ, билимсиз ва қоқоқ ҳолда қолдириш. Шунинг учун ҳам, айна шу нарсани бугунги кунгача бизга татбиқ қилиб келишмоқда. Улар илм фан, билим ва янги технологиялар бизга етиб келиши ҳамда биз уларни ўзлаштиришимизга қаршилик қилишди. Биз қачон шу нарсаларга ҳаракат қилсак, уларнинг соқчилари кучлари етганича бизни қайтаришди.

- Иложи борича бирлаштирмасликка ҳаракат қилиш. Шунинг учун улар Фаластин заминидан у ерга ёд бўлган вужудни пайдо қилишга чақирди, чунки у жой Осиё ва Африка минтақасини бирлаштирувчи минтақадир. Уларнинг мақсади минтақани бир-биридан ажратиш ва беқарор ҳолда ушлаб туриш эди. Сионистик вужуд уларнинг талабларини амалга оширди ва улар кутганидан ҳам кўра ортиқ даражада рўёбга чиқарди. Бизнинг бугунги аҳволимизнинг ўзи бизга қанчалик даражада макр қилинганини кўрсатиб турибди.

Усманий давлатдан қолган меросни тақсимлаш биринчи жаҳон уруши бошидаёқ, яъни 1914 йилда бошланган эди. Ўшанда Британия ва Франция ўртасида ҳосилдор ҳилол¹ минтақасини тақсимлаш учун махфий учрашувлар бўлди ва бундан Россия ҳам хабар топди. Улар урушда ғалаба қилишларига ишонишар, чунки Усманий давлат ичида хоин ва мунофиқларни етиштиришган эди. Барча бандлар Россия империясининг розилиги билан тарафлар ўртасида келишиб олинди. Бу келишув Сайкс-Пико иттифоқи деб номланди. (1916 йил 16 сентябрь). Лекин 1917 йил Россияда коммунистлар ҳукуматни эгаллагач, ушбу иттифоқ фош бўлди.

(1) Фаластин минтақаси ярим ойни эслатувчи ва ҳосилдор жой бўлгани учун шу ном билан аталади.

Шундай бўлса-да, унинг амалга оширилишига деярли ҳеч қандай тўсқинлик бўлмади. Тарафлар ўз улушига рози бўлиб, тақсимот тугагач, кураш ўзгача тус олди. Чунки улар бир-бирининг улушига кўз олайтира бошлашди ва бевосита мустамлака қилиш даври бошланди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин халқаро майдонда янги куч, яъни АҚШ пайдо бўлди. Бу давлат Усманий давлат меросидан бирор улушга эга бўлмаган эди. Шунинг учун у халқаро майдонда бўй кўрсатиб, халқларнинг озодлик ҳуқуқи шиорини кўтарди. Сўнгра босқинчи кучларга қарши араб қўзғолонларини қўллаб-қувватлай бошлади. Бу унинг олийжаноблиги туфайли эмас, балки бу унинг очкўзлиги ва улушларни ўз фойдасига олиши учун бўлган эди.

Халқларнинг мустақилликка бўлган кучли истаги, босқинчини рад этиши ва шу мақсадда шаҳидларни тақдим этиши сабабли ҳамда барча инқилоблар миллий характерга бурилиб кетишига қарамасдан, мустамлакачи қўзғолонларни бошқа томонга буриб юбориш учун янги давр, яъни билвосита мустамлака қилиш даврига ўтишга мажбур бўлди. Мустамлакачилар ўзларининг бошқарадиган ҳамда уларнинг манфаат ва ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган малайларни тайёрлаб бўлганидан кейин исломий юртлардан чиқиб кетишди. Улар бу малайларни ҳуқуқ ва манфаатлар билан таъминлаб келишди. Токи, холис кишиларни йўқ қилиш, Исломга қарши курашиш, қўзғолоннинг ҳақиқий рамзларини назорат қилиш, қўзғолончилардан қутилиш, юрт бойликларини талон-торож қилиш, юртни қолоқ ҳолда ва барча соҳалардаги уйғонишдан ожиз ҳолда ушлаб туриш, ушбу юрт халқини тирикчилик билан машғул қилиш ва барча соҳаларда коррупцияни ривожлантириш осон бўлсин.

Таъкидлаш лозимки, Ғарб «мустақиллик»ка эришган деярли ҳар бир давлатда мана шундай режаларни ишлаб чиқди. У Уматнинг бирлашишини ва Исломнинг ҳокимиятга қайтишини олдини олиш учун мана шу режаларга таянди. Шу боис, Ғарб давлатлари ўртасида малайларни алмаштириш кураши давом этмоқда. Уларнинг бу курашлари бизнинг юртларимизда бўлиб, уруш қурбонлари бизнинг халқларимиз бўлмоқда. Улар ўз мустамлакачиликларини мустаҳкамлаш учун бир қанча пойдеворларни ўрнатиб қўйганлари боис, бу курашда Ислом Уматининг уйғонишидан кўрқмайдилар. Қуйида ўша пойдеворларнинг айримлари ҳақида айтиб ўтамиз:

Мамлакатни бошқариш учун тоғут тайинлаш:

Тоғут қонунларни чиқарадиган ва ўз сўзини Аллоҳнинг сўзидан устун кўрадиган кишидир. У халқ ёки депутатлар ёки бош вазир

чиқарган қонунларни одамларга ижро қилишга ҳуқуқим бор деб билади... Буларнинг барчаси салоҳият эгаси яъни тоғутга тегишлидир. У давлатнинг ҳукмдори бўладими ёки уни тайинлашда ишлаган шахс бўладими фарқи йўқ. Ғарб Аллоҳ нозил қилмаган аҳкомлар билан ҳукм юритадиган тоғутларни тайинлар экан, уларни дахлсизликка эга қизил чизиққа айлантирди. Шунинг учун Умматнинг уларга тегмаслигини хоҳлайди. Уммат ўзгартириш учун қўзғолон қилган пайт, Ғарб ҳам тезда ҳаракатга киришиб, қўзғолонни жиловлаб олишга, Умматни қизил чизиқдан узоқлаштиришга муваффақ бўлди. У фақатгина бир тоғутни ундан кўра чиройлироқ кўринадиган бошқа бир тоғутга алмаштиришгагина рухсат берди. Кўриб турганимиздек, Ғарб демократик қонунларга асосланган конституцияни сақлаб қолишга ва қонун чиқаришни вакиллар кенгашлари орқали халққа қолдиришга зўр бериб ҳаракат қиляпти.

Қонунларни қабул қилиш:

Ғарб Халифалик борлигида қонунларни ўзгартиришга ҳаракат қилди, бироқ бунга қодир бўлмади. Сўнгра айрим қонунларни киритиб, судларни бўлди. Натижада шахсий ҳолатларга оид суд бошқа, граждандлик суди бошқа бўлиб қолди. Бу динни ҳаётдан ажратиш бўлган Ғарб дунё қарашини киритишга тайёргарлик бўлди. Давлат қулагач, шахсий ҳолатларга оид судлар Ислом аҳкомларига мувофиқ ҳолатда қолди. Аммо Исломий шариатни бутунлай ҳаётдан узоқлаштириш орқали барча фуқаролик қонунлари ўзгартирилди. Сўнгра ўз қонунларини мустанлака қилган юртларда ҳам татбиқ қилган мустанлакачи давлатлардан қонунлар импорт қилина бошлади. Мустанқиллик номли алдов орқали маҳаллий кенгаш ва ҳайъатлар ташкил этилди, одамлар гўё конституцияни ўзимиз ишлаб чиқмоқдамиз деб ўйлашди. Улар (қонунчиликнинг манбаи Исломий фикҳ ҳисобланади) деган шиорни кўтаришди. Лекин бу шиор фақат конституцияда ёзилган бўлиб, ҳаётда қонуний таъсирга эга эмас эди. Бундан ташқари, ушбу банд аксар замонавий конституцияларда бекор қилинди.

Инсонлар ўйлаб топган конституция Аллоҳ томонидан бўлмагани учун мусулмонлар учун жуда хавфлидир. Умматни шариатдан узоқлашганини кўрсатадиган энг ёрқин далил ҳам мана шудир. Зеро, бу нарса Ғарбнинг ютуғи бўлиб, биз учун конституция белгилаб беришлари уларга энг катта ютуқни олиб келади. Чунки ўшанда биз сиёсий Исломдан, бирликдан ва Аллоҳ рози бўладиган исломий ҳаётдан узоқлашган бўламиз.

Яна шу нарса маълумки, конституция давлатдаги ҳаёт қиёфасини тасвирлайдиган, ҳаракати ва қарашини белгилайдиган ҳамда келажagini чизиб берадиган муҳим воситадир. Айёр Ғарб

мусулмонларнинг юртларини тақсимлаб, ўзи ишлаб чиққан конституцияларни уларга мажбур юклади. Сўнгра минтақа аҳолисининг манфаати ва мақсадига эмас, балки ўзининг режалари, манфаатига хизмат қилиши учун бу конституцияларга ўзгартириш киритишни осонлаштирди. Масалан, охириги ўзгартиришларда, айниқса Умнатда Исломий ҳаётга қайтиш ҳақида истак ва куч пайдо бўлганини кўрганидан кейин Исломий шариат қонунчилик манбаи бўлмаслиги учун қаттиқ турди. Ғарб ушбу конституцияларга миллатпарастлик, мазҳабпарастлик ва ирқчиликни қўзғайдиган қонунларни киргизди. Токи, ўзи хоҳлаган вақтда ички низо ва келишмовчиликларни қўзғаш орқали ҳамда мамлакатда қонлар оқизиб, юртни парчаланишга гирифтор қилиш орқали исломий юртлар ишларига аралаштириш осон бўлсин.

Хавфсизлик ричаги:

Бевосита мустамлака қилиш ўрнига миллатчиликка асосланган давлатларни пайдо қилганидан ҳамда уларнинг тепасига тоғутларни ўрнатиб, қонунлар тузиб берганидан сўнг, мустаҳкам хавфсизлик ричагига эҳтиёж туғилди. Бу ричагнинг фаолияти тоғутларни мудофаа қилишдан ҳамда Умнатни ўзгартириш ишларидан ва асосий масалалардан узоқлаштиришдан иборат бўлди. Барча ҳукуматлар диктатор ҳукумат бўлганлиги эътиборидан, разведка хизмати ҳам керак бўлди. Бу хизмат ҳокимиятни мустаҳкамлашга, тоғутларга қарши Умнат томонидан келиши мумкин ҳар қандай кутилмаган хавфни олдини олишга ёрдам беради. У шунингдек, кўчанинг томирини ушлаб, одамларнинг нафас олишини доимий текшириб туради ҳамда тоғутларни ҳокимиятда барқарор ушлаб туришнинг ягона йўли сифатида репрессия ва таҳдид сиёсатини қўллайди. Мусулмон юртларидаги хавфсизлик ричаги мана шулар. Биз шунга гувоҳ бўлмоқдамизки, бу ричагнинг муҳимлиги сабабли айна разведкалар раҳбарияти нафақат бевосита давлат раҳбарига, балки шу билан бирга, ушбу давлат тобе бўлган хорижий давлат разведкаларига ҳам боғланишган.

Ушбу хавфсизлик ричаги ҳокимнинг хавфсизлиги ва холис кишилардан халос бўлишни таъминлагани учун бу идорадаги масъуллар ҳоким ўзгариши билан ўзгаради. Чунки улар ҳокимга ёпишган жисмдир, ҳар бир ҳокимнинг ўзига хос хавфсизлик идораси бўлиб, у ҳокимнинг ва ўша ҳоким малай бўлган давлатнинг хавфсизлик клапани бўлади. Бу идоранинг асосий вазифаси одамларни Ғарб чизиб берган қизил чизиққа яқинлаштирмасликдан иборат. Тоғут режимлар алмашса ҳам хавфсизлик ричаги Ғарбнинг энг керакли қуроли бўлиб қолаверади. Хусусан, ҳомийлик қилувчи халқаро разведкалар

билан бўлган бевосита мулоқоти ва қўшма ҳамкорлиги уларнинг муҳим ишларидан бири бўлиб қолаверади.

Ҳарбий муассаса:

Ҳарбий муассаса ҳокимнинг назорати остида бўлади, у жуда эҳтиёткорлик билан ва доимий равишда назорат қилинади. У аслида мамлакат ичида назорат ўрнатган бўлади. Агар бошқа мамлакатлар ишига аралашадиган бўлса, бу ишни айна муассасани назорат қилаётган Ғарб давлатининг манфаати йўлида амалга ошираётган бўлади. Ҳарбий иерархия давлат раҳбарига бўйсунадиган ҳамда ташқи ҳомий давлатнинг тавсиялари асосида ҳаракат олиб борадиган қилиб тузилади. Унинг асосий вазифаси ҳукумат ва ҳукмдорни ҳимоя қилиш ҳамда Ғарб давлатларининг режаларини ижро қилишдан иборат. Бугун халқ ҳаракатлари давом этаётган бир пайтда, ҳарбий муассаса ҳокимиятни бир қўлдан бошқа бир қўлга ўтказиш ва мустамлакачи давлатнинг нуфуз доирасидан чиқиб кетмаслигини таъминлашда хавфсизлик клапани вазифасини бажармоқда. Чунки у қўзғолонларни жиловлашда муҳим карта ҳисобланади. Ғарб ўзининг малай ҳукмдорини сақлаб қолишда разведка хавфсизлиги ричагига қўшимча, мана шу ҳарбий муассасага ишонади. Бу нарса Ғарбни ҳарбий муассаса ичидаги холис ҳарбийлар қўли билан бўладиган ҳар қандай давлат тўнтаришини олдини олиш учун конституцияларга янги моддаларни киритишга ундади. Ушбу янги моддалардан бири қўшин орқали ҳарбий инқилоб қилиш қонунан ва халқаро жиҳатдан эътироф этилмайди, деган моддадир.

Диний муассаса ва фатво идораси:

Ғарб Исломни ҳукмрон сиёсий режимнинг васийлиги-назорати остига киритиб, режимга хизмат қилиши учун диний ишлар вазирлиги ва фатво марказларини ташкил қилди. Сўнгра режимга хизмат қиладиган «диндорлар» етиштириб чиқарилди. Ушбу «диндорлар»ни етиштириб чиқарувчи таълим дастури жорий қилинди. Мамлакат раҳбари динга тескари иш қилса ҳам, ўз сўзини Аллоҳнинг сўзидан устун қўйса ҳам бу «диндорлар» уларга итоат қилишга чақиринди. Шунингдек, тоғутлар ҳамда уларнинг кофир хўжайинлари сиёсатини қўллаб-қувватлаш учун шариат нусусларини таъвил қилишдан ҳам таптортишмади. Шаръий таълимга асосланган институт ва университетлар ҳукмдорнинг фикрлари билан суғорилган «диндорлар»ни етиштириб чиқаради. Бунда «диндорлар»нинг манфаати ҳам эътиборга олинади. Улар динга эмас, балки давлатга холис бўлишлари учун тайёрланади. Ҳукмдорлар мана шу йўл билан одамларни Исломдан узоқлаштиришга ва динга даъват қилувчиларга қарши курашишга ҳаракат қилади. Шунингдек, Ислом дини насроний ва яҳудий

динлари каби ибодатга хос диндир, деган тушунчани сингдиришга ҳаракат қилади. Булар ҳақиқатда Ғарб уларни қандай бўлишини хоҳлаган бўлса, ўшандай «диндор»ларга айланишди. Шунингдек, ҳукмдорларга ва Ғарбга хизмат қиладиган фатволарни чиқариб берувчи режимнинг қуроллари бўлишди. Уларнинг асосий ва ҳақиқий вазифаси Умнатни тўғри уйғотиш бўлишига қарамай, аммо улар Умнатни парчалайдиган қуролга айланишди. Шунинг учун улар Ғарб чизган қизил чизиқларнинг хавфсизлигини сақлаб туриш учун керак. Агар уларнинг бирортаси чегарадан чиқса, хавфсизлик ричаги ҳозир у нозирдир.

Давлатни ҳолдан тойдирувчи сохта душман яшаш:

Ғарб исломий юртларни назорат қилишда давом этиш учун мусулмонлар қаршисида ҳар доим бир душманни яратиб туришни режалаштирган. Мақсади, Умнатнинг саъй-ҳаракатлари ва имкониятларини тугатиб битириш, бойликларини талон-торож қилиш ва Умнат орасида қўрқувни ёйишдир. Бу душман икки турли бўлди: ички ва ташқи душман.

Ташқи душман ҳақида айтадиган бўлсак, бу сионист вужуд бўлиб, Умнатнинг кўксига санчилган ханжардир. Сохта тоғут режимлар мунофиқона ва ёлғондан унга қарши курашишни даъво қилиб, Умнатнинг имконият ва кучини кўкка совур. Сионист вужудга барҳам бериш учун қуролланиш ва унга қарши муқаддас урушга тайёрланиш лозим деган баҳона билан Умнат бойликлари йўқ қилинади. Фаластин ва Ақсони озод қилиш муаммосини одамларни чалғитиш учун ишлатди. Бу режимлар (матонат ва қаршилиқ) ва (асосий қаршилиқ кўрсатувчи кучлар) каби ёлғон шиорлар билан зийнатланган иттифоқлар орқали бошқа давлатлар билан дўстлик ва душманлик алоқаларини ўрнатди. Лекин бу ишлар Фаластин ерларидан бирор қаричини ҳам озод қилмади, балки ушбу босқинчи вужуд учун ҳимоя деворини яратиб берди. Зеро, бу вужуд билан ўша давлатлар ўртасидаги чегаралар уни қўриқлайдиган ва хавфсизлигини таъминлайдиган қўрғон бўлиб қолди... Ғарблик хўжайинларнинг сиёсати (Исроилга) душманчиликдан Эронга ўзгаргач, бу (буюк душман Исроил) тезда режимларнинг энг яқин дўстига айланди. Натижада хавфсизлик ва сиёсий соҳалардаги парда ортида бўлаётган (катта ҳамкорлик) фош бўлиб қолди. Энди бу алдамчи адоват баъзан миллий баҳоналар, баъзан сохта диний баҳоналар билан қанча куч ва имкониятни кўкка совурганини тасаввур қилиб кўринг...

Аммо ички душманга келсак, улар дин номидан, режимнинг ички кун тартиби ёки кофир давлатларнинг ташқи кун тартиби доирасида бузғунчилик ҳаракатларини амалга оширадиган диний жамоаларни пайдо қилишди. Бундан мусулмонларни ўз тақдирий

масалаларини динлари асосида ҳал қилишдан узоқлаштириш, Ислом дини ҳаёт лойиҳасидир, унда шариат ва бошқарув низоми мавжуд деган тушунчадан йироқлаштириш ҳамда Исломни бошқарувга қайтариш учун ҳаракат қилаётган ҳаракат, жамоа ва ҳизблар билан Уммат ўртасини ажратиш кўзланган. Зеро, бундай жамоаларнинг дин номи билан қилган бузғунчилик амалиётлари эвазига янги қонунлар ишлаб чиқишади. Ғарб ва уларга малай режимлар ўша қонунлар асосида уларга зарба бериб, ҳужум қилади. Натижада Ғарб террорга қарши кураш баҳонаси остида ишга аралашади. Буларнинг барчаси сиёсий Ислом ёки Исломдаги бошқарув низомини нишонга олган террорга қарши кураш доирасида олиб борилади.

Ғарб фойдаланаётган бу таянчлар деярли барча мусулмон мамлакатда бир хил бўлиб, улардаги малайлик турли-туман бўлишининг фарқи йўқ. Ғарб ушбу таянчларни сохта мустақилликка эга миллий давлатларни пайдо қилган пайтда ўз мустамлакаси ва уларнинг устидан бўлган назорати давомий бўлиши учун ўрнатган эди. Сўнгра уларни кесиб ўтиш тақиқланган қизил чизиқ қилиб қўйди.

Шунинг учун халқ зулм ва репрессияга қарши Араб баҳори номли кўзғолонга чиққан пайт Ғарб ва унинг малай ҳукмдорлари зудлик билан ҳаракатга тушди ва (қарши кўзғолон) каби ҳаракатларни бошлаб юборди. Шунингдек, ушбу кўзғолонлар тарафдоримиз дея даъво қилган араб режимларини ишга солишди. Ғарб уларга ифлос сиёсий пулларни бериб, медиа ва инсонпарварлик жиҳатидан қўллаб-қувватлади. Ғарб шу йўл билан кўзғолонга чиққан халқларни алдади. Бундай жиноят ва алдовларни амалга оширган ва ифлос ролларни бажарган давлатлар ичида энг кўзга кўрингани Қатар, Саудия ва Туркия давлатлари бўлди. Буларнинг барчаси Ғарб режаси асосида амалга оширилди. Бунда Ғарб – қассоб, хоин режимлар – пичоқ, Уммат эса, қурбон бўлди.

Албатта Уммат режимларга қарши оёққа турар экан, Ғарбдан тортиб малай тоғут ҳукмдорлар ва Аллоҳ юбормаган нарса билан ҳукм юритадиган конституцион режимларгача қарши оёққа турди. Кимки Уммат муваффақиятсизликка учради ёки ушбу чуқур халқаро фитна натижасида таслим бўлиш арафасида деб ўйласа хато қилади. Чунки кўзғолон сабаблари ҳали ҳам мавжуд ва яна ҳам аниқдир. Бу эса, Америка бошчилигидаги Ғарбнинг Исломий бошқарувга қарши шафқатсиз халқаро кураш олиб бораётганини, бугунги кунда мусулмонларнинг фожиалари бутун дунёга ёйилаётганини одамларга намоён қилмоқда. Шунингдек, ушбу жиноятчилар Уммат чоҳ эгаларининг шиорини баланд кўтарганлари

учун улардан ўч олаётганини кўрсатмоқда. Аллоҳ Таоло дундай дейди:

﴿وَمَا نَقَمُوا مِنْهُمْ إِلَّا أَنْ يُؤْمِنُوا بِاللَّهِ الْعَزِيزِ الْحَمِيدِ﴾

«Улар (мўминлардан) фақат у (мўмин)лар қудрат ва мақтов эгаси бўлган Аллоҳга имон келтирганлари учунгина ўч олдилар»

[Буруж 8]

Биз кўриб турган шунча жинойтлардан кейин ҳеч нарса яхшилик томонга ўзгармади. Шу боис, Уммат таслим бўлмади ва Аллоҳ рози бўладиган ўзгартириш сари ҳаракат қилишда давом этади. Тўғри, аҳвол янада ёмонлашди. Лекин бу қўзғолон туфайли эмас, балки Ғарб ва унинг малайлари ушбу қўзғолонларга нисбатан куйдирилган ер сиёсати (урушда чекинаётган томон ортидан барча жойларни ёқиб, вайрон қилиб ва портлатиб кетиши сиёсати)ни қўллашгани туфайли бўлмоқда. Бу – Сурия, Яман, Ироқ ёки Мисрда бўлсин фарқи йўқ... Ушбу режимлар ва уларнинг ортидагилар амалга ошираётган қотиллик, қувғин ва оч қўйиш каби ишлар муслмонлар учун сир эмас. Ёлланма ахборот воситалари бу фактларни лойқалатиш ва жабрланувчини жаллод сифатида тасвирлашга қанчалик ҳаракат қилмасин, Уммат буни англаб турибди ва яқинда барчани, айниқса, Ғарбни саросимага солиб қўяди. Шунингдек, Уммат кучсиз бўлса-да, Ғарбнинг фитналари ва жинойтларини кўрмайдиган кўр эмас, аксинча, Аллоҳ хоҳласа Ислом тонги яқинда отажагини кўриб туриши билан барчани саросимага солади.

Ғарчи Ғарб қўзғолонларни қандайдир даражада жиловлай олган бўлса-да, Уммат яқинда уни қўзғолонлардан узоқлаштириб, ўз ҳаққини ундан тортиб олади. Бу – Умматга асло узоқ эмас, балки жуда яқиндир. Зеро, у ўз дини орқали нажот топади. Бунинг учун Уммат фақат нусрат аҳлига муҳтож бўлиб турибди. Нусрат аҳлининг вазиятни душманга қарши тубдан ўзгартириши, шунингдек, Уммат етакчилигини Аллоҳнинг Китоби ва Росулининг Суннاتини маҳкам тутган ва Халифаликни барпо этишни кўз олдига келтириб, уни барпо этадиган холис гуруҳ қўлига топшириши қолди, холос. Ана шунда Халифалик давлати Аллоҳга бўлган имон билан барча давлатларга қарши туришга қодир бўлади. У Ғарбнинг қизил чизиқларни бутунлай бузиб ташлаб, бизнинг ижтимоий ва диний ишларимизга аралашишига йўл қўймади. Бу ҳақиқатдан амалга ошиши мумкинми? Албатта мумкин. Мумкин бўлибгина қолмай, балки таклиф доирасидаги фарздир. У ягона ечим бўлиб, биргина чиқар йўлимиздир. Шубҳасиз, бу Аллоҳнинг мадади ила, кўз очиб юмгунча содир бўлади. Фақат унинг калити Аллоҳ Таоло қудрат аҳлини Халифаликни барпо этишга чақираётган ва ҳаракат

қилаётган сара гуруҳ билан бирга ҳаракат қилишга ҳидоятлаб қўйишидир. Ушанда улар худди Росулulloҳ ﷺнинг замонидаги биринчи Ислom давлатини барпо этишда муҳожирлар билан бирга бўлган ансорлардек бирга бўлишади. Ана шунда иккинчи Ислom давлати барпо бўлади ва Росулulloҳ ﷺнинг:

«**تُمْ تَكُونُ خِلَافَةً رَاشِدَةً**»

«Кейин Пайғамбарлик минҳожии асосидаги Халифалик бўлади», деган башорати рўёбга чиқади. Аллоҳ Таоло муҳожир ва ансорлар ҳақида бундай деган:

﴿وَالسَّابِقُونَ الْأُولُونَ مِنَ الْمُهَاجِرِينَ وَالْأَنْصَارِ وَالَّذِينَ اتَّبَعُوهُمْ بِإِحْسَانٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ وَرَضُوا عَنْهُ وَأَعَدَّ لَهُمْ جَنَّاتٍ تَجْرِي تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا أَبَدًا ذَلِكَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ﴾

«Муҳожир ва ансорларнинг биринчи пешқадамлари ва уларга чиройли амаллар билан эргашган зотлар – Аллоҳ улардан рози бўлди ва улар ҳам Ундан рози бўлдилар. Яна улар учун остидан дарёлар оқиб турадиган, улар абадий қоладиган жаннатларни тайёрлаб қўйди. Мана шу буюк бахтдир»

[Тавба 100] □

ИСЛОМНИНГ ҒАРИБЛИГИ, УНИНГ ЯНГИЛАНИШИ ВА ҲИЗБ УТ-ТАҲРИР (3)

Ҳомид Абдулазиз

Динни янгилаш жараёни бугунги кунда муслмонлар ҳаётидаги энг муҳим мавзулардан биридир. Муслмонларнинг душманлари, хусусан Ғарб уни ўзининг малай ҳукмдорлари орқали таклиф қилмоқда. Ҳукмдорлар эса, сарой уламулари орқали уни қўзғашмоқда. Бундан мақсад, Исломни шахсий тарафга чеклаш ва сиёсий Исломни бошқарувга яқинлаштирмасликдир. Улар буни таъмин этиш учун диний хитобни ўзгартиришни талаб қилишмоқда. Ғарб буни амалга ошириш мақсадида «террорга қарши кураш» шиори остида Исломга қарши глобал уруш олиб бормоқда. Бунга жавобан онгли ва холис муслмонлар уни инкор қилиб, динни Аллоҳ нозил қилгандек пок ва соф ҳолатига қайтаришга ҳаракат қилишмоқда. Бунда улар Росулulloҳ ﷺнинг:

«بَدَأَ الْإِسْلَامُ غَرِيبًا، وَسَيَعُودُ كَمَا بَدَأَ غَرِيبًا، فَطُوبَى لِلْغُرَبَاءِ»

«Ислом ғариб бўлиб бошланди ва яна аввалгидек ғарибликка қайтади. Ғарибларга тубо жаннати бўлсин», деган ҳадисига суянишмоқда. Улар динни янгилаш ва Исломни ҳаётда татбиқ қилишнинг амалий ягона йўли рошид Халифаликни барпо этиш деб билишмоқда... Биз олдинги сонларда бошқарув, иқтисод низоми, ижтимо низоми ва таълим сиёсати соҳасидаги янгиланишга алоқадор нарсалар ҳақида айтиб ўтдик. Ушбу сонда эса, ташқи сиёсат ҳамда шаръий истилоҳ ва таърифларга алоқадор нарсаларни ҳавола этамиз. Бу жуда зарардир. Чунки шулар орқали ақл таърифи, уйғониш таърифи, жамият таърифи, ақида таърифи, дорул Ислом ва дорул куфр таърифи каби тўғри тушунчалар вужудга келади.

5 – Ташқи сиёсат соҳасида:

1. Шариатнинг Халқаро ташкилот ва кенгашлар борасидаги ҳукми:

Ғарб Исломий Халифаликни қулатгач, бутун дунёдаги сиёсий ҳаётни назорат қила бошлади ва ҳаёт ҳақидаги ўз кўз-қарашини зўрлаб тиқиштирди. Сўнг ўзининг вужудига хатар туғдирадиган барча глобал ҳаракатларни назорат қилиш мақсадида бир неча халқаро ташкилот ва кенгашларни пайдо қилди. Улардан бири аввалда Миллатлар Лигаси, деб аталган кейинчалик Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) деб ном олган ташкилотдир. БМТ аслида бирлашган миллатларнинг ташкилоти эмас, фақатгина

Ғарбнинг ташкилоти бўлиб, унга йирик Ғарб давлатлари етакчилик қилади. Шу боис, мустамлакачи давлатлар Ғарб таъсиридан қутулишни хоҳлаган халқлар ва юртларни ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган БМТ қонунлари ва қарорлари орқали назоратда ушлаб туришади. Халифалик қулатилганидан сўнг, унинг ҳудудларида пайдо бўлган барча давлатлар БМТ ва унга алоқадор бошқа ташкилотларга аъзо бўлишди. Бу давлатлар БМТ қарорларини ҳеч қандай қаршиликсиз қабул қилиб, уларни татбиқ қилиш йўлида зўр бериб ҳаракат қилишмоқда. Шунингдек, халқаро қонунларни ҳурмат қилишга ваъда беришмоқда. Ҳолбуки, бу қонунлар уларнинг устидан қолиб бўлган давлатлар томонидан тузилган. Умнатнинг кўплаб фарзандлари буни реал ҳақиқат деб ҳисоблаб, қийинчиликлар ва мусибатларга йўлиққан пайтларида халқаро ташкилотлардан ҳамда йирик Ғарб давлатларидан ёрдам сўрайдиган бўлиб қолишди. Бунга Фаластин, Кашмир, Босния ва Герцеговина каби кўплаб юртларимиз масалалари мисол бўла олади.

Бироқ бундай ғариблик ҳолати ва Исломни халқаро муносабатлардан четлатилиши Ислом давлати қулаганидан кейин рўй берди. Шунда Ҳизб ут-Таҳрир бу халқаро ташкилотларга қарши чиқди ва улар ҳақидаги Исломнинг фикрини очиқ баён қилди. Ислом уларни қатъан ҳаром қилганини, улардан ва қонунларидан ҳукм сўрашга руҳсат бермаганини таъкидлади. Чунки бу ташкилотлар Ислом аҳкомларига зид асосга қурилган бўлиб, йирик давлатларнинг, хусусан Американинг ўз манфаатлари йўлида фойдаланувчи қуролидир. Кофир давлатлар бу ташкилотларнинг ҳар биридан муслмонлар ва уларнинг юртларидаги ўз нуфузини мустаҳкамлашда восита сифатида фойдаланади. Шунинг учун бу шаръан жоиз эмас, чунки ҳаромга олиб борадиган восита ҳам ҳаромдир. Исломнинг халқаро муносабатларга алоқадор ўзига хос аҳкомлари бор.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ҳизб ут-Таҳрир бунга қўшимча яна бир қанча ҳақиқатларни, масалан, халқаро қонунлар Усманий давлатда гавдаланган Ислом давлатига қарши тузилганини аниқ баён қилган. Шунингдек, халқаро оила иттифоқи дастлаб европалик насронийларнинг халқаро оиласи бўлган. Халқаро қонунлар эса, аслида насроний давлатлар ўртасидаги шартномалар ҳамда Европа насроний жамиятларининг урф-одатларидир. Европа насроний давлатларига Халқаро оила номини беришнинг ўзи сохтакорлик ва адаштиришдир. Чунки олам фақат Европа насроний давлатлари оиласидан иборат эмас. Шунингдек, насроний давлатлар шартномаси ва урф-одатларига халқаро қонун номини бериш ҳам ҳақиқий алдовдир. Чунки халқаро қонун бўлишга яроқли фикрлар

фақат Европа насроний давлатларидаги шартнома ва урф-одатлардан иборат эмас. Дунёдаги барча жамиятлардаги урф-одатлар тўплами ҳамда дунёдаги барча халқлар ўртасидаги келишувлар халқаро қонун бўлишга яроқли фикрлардир. Ҳизб, шунингдек, Умнатга барча давлатларнинг Исломга душманлигини, зеро, улар Исломга зид дин ва мабдаларни қабул қилишганини, уларнинг ҳаёт ҳақидаги кўз қараши исломий кўз қарашга зидлигини, йирик давлатлар эса, исломий юртларга ўз истакларини зўрлаб тиқиштираётганини, Умнатни йўқ қилиш учун Ислом давлатини ағдаришганини, Ислом давлатининг ҳаётга қайтишига ва Ислом Умматининг қайта буюк Умнат бўлишига тўсқинлик қилиш учун узоқ муддатли режалар тузишаётганини, Фарб Ислом давлатини бешигидаёқ бўғиб ташлаш учун қаттиқ ҳаракат қилаётганини, эртанги кунда Ислом Уммати ўз давлатни ҳимоя қилиш сари ҳаракатга келмасидан олдин унга қарши ва Ислом давлати барпо этилишига қарши курашишда тўхтамаслигини, буларнинг барчасини баён қилиб берган. Дунёдаги ҳар бир мамлакатнинг ташқи сиёсатини билиш ҳар бир мусулмон сиёсатчи учун зарур экан, буюк давлатларнинг моҳияти, сирлари, режалари, услублари ва воситаларидан хабардор бўлиш бутун мусулмонлар учун ва айниқса, янгиланиб турувчи кундалик ҳодисалар билан яшаётган мусулмон муфаккир сиёсатчи учун жуда муҳимдир. Бундан ташқари, хатарларни англаб етиш ва юрт хавфсизлиги ҳақида, бошқача айтганда, давлат ва Ислом Уммати хавфсизлиги йўлида ғайрат билан фаолият қилиш учун барча катта давлатлар сиёсати остидаги асос ва қоидаларни тўла тасаввур қилиш лозим бўлади.

2. Давлатнинг ташқи сиёсати ва жиҳод:

Ҳеч қайси шаръий ҳукм Умнат душманлари томонидан жиҳод ҳукми каби оғир ҳужумларга учрамаган. Чунки жиҳод Умнат душманларининг хор бўлишига асосий сабабдир. Исломий олам Исломга бўлган даъват орқали Шарқу Фарбга кенгайди. Кофирлар йўлиққан қақшатқич зарбалар уларни жиҳод тушунчасига ҳужум қилишга мажбур қилди. Чунки улар Исломий қўшиннинг кучи ва мусулмонлар ўз душманларига қарши курашда қўллайдиган жанговар ақида кучига қарши чиқа олмасликларини англашган эди. Исломий тарихда жиҳод тушунчаси мусулмонлар қалбида ҳеч қачон, ҳатто давлати қулаб, ортидан жанг қилинадиган ва ҳимояланиладиган ҳомийси йўқ бўлганида ҳам ўз кучини йўқотмаган. Дарҳақиқат, мусулмонлар жиҳод байроғини қўлидан туширмадилар. Лекин бу сафар уни Исломни ёйиш учун эмас, ерлари ва номусларини ҳимоя қилиш учун кўтардилар. Мустамлакачилар бир кун ҳам юртларимизда хотиржам бўлишмади,

буюк мужоҳидлар етишиб чиқиб, қўлларидан келганича кофирларга қаршилик қилишди. Умар Мухтор, Абдулқодир Жазоирӣ, Судандаги Маҳдийлик ҳаракати шулар жумласидандир. Ҳатто кофирлар юртларимизга ўрнашгандан кейин ҳам жиҳод ва қарши кураш тўхтамади. Шунда Ғарб орамиздан ўз охиратларини бошқалар дунёси эвазига сотган уламо ва шайхларни чиқарди. Натижада, улар жиҳод тушунчасига қарши ҳужум қилиш байроғини кўтаришди. Улар жиҳод ўтмишда моддий тўсиқларни олиб ташлаш учун олиб борилган, ҳозир моддий тўсиқ йўқ, шунинг учун жиҳодга ҳожат йўқ дейишди. Ёки жиҳод фақат ҳимояланиш учун олиб борилади, дейишди. Ишлар шу даражада жадаллашиб кетдики, ҳатто ҳимояланиш учун жанг қилиш ҳам терроризм бўлиб қолди.

Ҳизб ўз сақофатида жиҳодни тиниқ, соф ва очиқ тарзда тушунтиришга ҳаракат қилиб, жиҳод Исломни ёйиш учун амалий йўл деб баён қилди. Шунингдек, Ислом давлатининг ташқи сиёсати Исломни оламга, ҳар бир халқ ва миллатга ёйишдан иборат ўзгармайдиган мустаҳкам тушунча асосига қурилишини айтди. Дарҳақиқат, Ислом мусулмонларнинг Ислом давлати ташқарисидаги кофирлар билан бўладиган муносабатларини Исломий рисолатни таблиғ ва жиҳод орқали ёйиш билан боғлиқ аҳкомларга чеклаган. Бу Исломий даъватни бутун оламга рисолат сифатида олиб чиқишнинг йўлидир. Шунинг учун мусулмонлар ҳеч қачон давлатлар алоқаларини тартибга солиб турадиган сиёсий рамкани тан олмаганлар. Шунингдек, бирор кун ҳам қандайдир оламшумул ёки минтақавий сиёсий ташкилотларга аъзо бўлган эмас. Аксинча, улар доим шаръий жиҳодий аҳкомларга асосланган мустақил сиёсат олиб боришган.

3. Сиёсат тушунчасини тиниқлаштириш:

Сиёсат нафақат халифа, волий, омил ва сиёсий доира, балки уламо ва оддий одамларнинг тановул қиладиган таоми ва ичадиган суви каби бўлган эди. Лекин, афсуски охириги ғариблик замонда кўпчилик сиёсат деса Аллоҳдан паноҳ сўрайдиган бўлиб қолди. Баъзилар эса, сиёсат ҳақида гапириш таҳоратни кетказиб, ғуслни вожиб қилади дейдиган бўлди. Чунки сиёсат бу ёлғончилик, алдов ва фитнадан иборат деб тарғиб қилинди. Лекин Ҳизб сиёсатга ўзининг шаръий маъносини бериб айтдики, сиёсат Умматнинг ички ва ташқи ишларини бошқаришдир. Бу эса, давлат ва Уммат тарафидан бўлади. Давлат бу борада бевосита шуғулланса, Уммат давлатнинг қандай бошқараётгани борасида уни ҳисоб-китоб қилиб туради. Давлатнинг Уммат ишларини ичкаридан бошқариши ичкарида мабдани татбиқ қилиш билан амалга ошади ва бу ички сиёсатдир. Аммо давлатнинг Уммат ишларини ташқаридан бошқариши унинг бошқа давлат, халқ ва миллатлар билан

бўладиган алоқаси ва мабдани оламга ёйиш билан бўлади. Бу ташқи сиёсатдир.

Ҳизб сиёсат ҳақида ушбу асрда бутун оламга ҳукмрон бўлиб турган ёлғон ва иккиюзламачиликлардан фарқ қиладиган янги маънони бериш учун (Сиёсий тушунчалар) ва (Сиёсий қарашлар) номли китобларни чоп этди. Сиёсатни ўзининг шаръий маъносида қўллайдиган сиёсий Ҳизбнинг ташкил этилиши Ғарб учун катта муаммо бўлди. Чунки Ҳизб бу билан кофир мустамлакачи Ғарб давлатларининг юртларимиздаги сиёсий ўйинлари ва режаларига қарши кураш ҳамда Ғарбнинг юртларимиздаги малайлари ва уларнинг юрт ва одамларга қилаётган фитналарини фош қилишни кўзлаган эди. Ҳизб бошлаган сиёсий кураш тахминан олтмиш йилдан бери тўхтамай давом этмоқда. Бу соҳада Ҳизбнинг Жамол Абдунносир, Хумайний, қирол Хусайн ва бошқаларнинг малайлигини фош қилиши ҳамда Судан жанубини бўлиш ва Ғарбий Қирғоқни бўлиш каби режаларни очиб ташлаши диққатга сазовор ишлардан бўлди. Шунингдек, Ҳизб олдинроқ коммунистик низомни фош қилганидек, капиталистик низомни фош қилиши эътиборни тортадиган ишлардан бўлди.

6 – Таърифлар соҳасида:

Ҳизб ут-Тахрир таъриф ва истилоҳ (термин)ларни таҳрир қилишда ўзига хос йўл тутди.

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَقُولُوا رَاعِنَا وَقُولُوا نَنْظُرْنَا وَاسْمَعُوا وَلِلْكَافِرِينَ عَذَابٌ أَلِيمٌ﴾

«Эй мўминлар, «Роина» деманг. «Унзурна» денглар. Ва (Аллоҳнинг амр-наҳий-фармон-тақиқларига) қулоқ солинглар! Кофирлар учун аламли азоб бордир» [Бақара 104]

Чунки ҳар бир таъриф ва термин ўз маъносига эга ва ҳимояланган бўлиши лозим. Ҳизб бир қанча термин ва таърифларни шундай таҳрир қилдики, ундан олдин ҳеч ким бу даражада таҳрир қилган эмас. Қуйироқда уларни айтиб ўтамиз. Бундай таҳрир ўта зарурдир. Чунки у Исломий фикрлар ва шаръий аҳкомларга манот бўлади. Умнат бошдан кечираётган ва янгилаш лозим бўлган ушбу оғир кунларда мусулмонлар бундай таҳрирга янада муҳтождир.

1) Ақлнинг таърифи:

Тўғри, мусулмон уламолар ва мусулмон бўлмаган олимлар орасида ўтмишда ҳам, янги даврда ҳам ақлнинг воқесини идрок этишига ҳамда фикрлаш тариқатини тасвираб беришга уринувчилар топилган. Бироқ, улар фикрлаш тариқатининг самараларидан илмий ютуқларга эришган бўлсалар-да, фикрнинг моҳиятини билишда адашдилар ҳамда ушбу илмий ютуқлардан кўзлари қамашган тақлидчиларни ҳам адаштирдилар. Юнонлар даврида улар ва улардан кейингилар фикрлаш нима эканини

билишга интилишди ва бунинг натижасида мантиқ деган нарсага эришишди. Улар айрим фикрларга етишда ютуққа эришган бўлсалар-да, лекин улар маърифатни маърифат сифатида ўрганишни бузиб қўйишди. Натижада мантиқ маърифатга йўл ва унинг тўғрилиги ўлчови бўлиш ўрнига маърифатга бало бўлди.

Ҳизб ақлнинг маъносини билишга олиб борадиган тўғри йўлни босиб ўтди. У айтдики, ақлий жараён бўлиши учун, бошқача айтганда, ақл ёки фикр пайдо бўлиши учун тўртта нарса керак: Воқелик, соғлом мия, сезги органлари ва собиқ маълумот. Ақлий жараён пайдо бўлиши учун, бошқача айтганда ақл, ёки фикр ёки идрок пайдо бўлиши учун ушбу тўрт нарса топилиши шарт. Шунга кўра, ақл ёки фикр ёки идрок воқеликни сезги органлари воситасида мияга узатиш ҳамда ушбу воқеликни изоҳлайдиган собиқ маълумотнинг бўлишидир.

Ҳизб ушбу таърифни ягона тўғри таъриф ва ундан бошқа тўғри таъриф йўқ деб билади. Чунки бу таъриф ақлнинг воқелигига мос таърифдир ва барча замонлардаги одамлар шу таърифни олиши шарт. Чунки у ақлнинг воқесини тўғри ифодаловчи ва унга мос келувчи таърифдир.

Ҳизб ушбу таъриф орқали фикрлаш амалиётига аниқлик киритиб, ақлнинг ролини баён қилди. Ушбу таърифга кўра, ақл ўзидан ташқаридаги ва ҳис қилиб бўлмайдиган нарсалар ҳақида баҳс қила олмайди. Шунинг учун мутакаллимларнинг ғайб нарсалар ҳақидаги хулосаларини ҳеч қандай қиймати йўқ. Улар фойдасиз баҳслар бўлиб, Умматга бало бўлди. Уммат улар туфайли турли гуруҳларга бўлиниб, бир-бирини кофирга чиқаришди. Ҳизб эса, аксинча, ушбу таъриф ва ундаги қоидаларни маҳкам тутиш орқали нусусларга ақлни ҳакам қилишни хоҳлаган гуруҳларга (ҳолбуки ақлнинг роли фақат нусусни тушунишдир) қарши турди. Аммо ақлнинг ақидани исботлашдаги роли катта. Ақлнинг ролини шаръий қоидалар асосида интизомга солиб, чеклаб қўйиш Ҳизб томонидан бир неча соҳаларда қилинган ижтиҳодларнинг соғлом бўлишида муҳим сабаб бўлди. Чунки Ҳизбнинг барча ижтиҳодлари Қуръон, суннат, саҳобаларнинг ижмоси ва шаръий иллатга асосланган қиёсдан истинбот қилинган. Шунинг учун Ҳизб манфаатлар тушунчасини қаттиқ танқид қилди. Чунки манфаатлар тушунчаси ақл деб тасаввур қилинган нафс-ҳаво устига қурилади.

2) Уйғониш таърифи:

Халифалик қулатилгандан кейин Уммат тушиб қолган таназзул энг чуқур нуқтага етди. Бу таназзул тасодифан бўлмади, аксинча, Уммат йўлиққан сақофий ва миссионерлик ҳужуми ҳамда араб тили қудрати Ислом қудратидан ажратилиши сабабли тўпланган уюмлар ортидан юз берди. Ғарб динни давлатдан ажратиш мафқураси

асосидаги уйғонишни ҳамда илмий, техникавий ва ҳарбий тараққиётни рўёбга чиқарганидан кейин, кўпчилик Умнат фарзандлари ундан таъсирланиб қолди. Мусулмонлар орасида Ғарбдан ўрнак олиш керак деган чақириқлар янгради. Ҳатто ғарбликлар калтакесакнинг инига кирсалар ортидан киришга рози бўлишди. Уларнинг етакчиси Тоҳа Ҳусайн ўзининг (Миср сақофати истиқболлари) номли китобида шундай деган эди: «Албатта уйғониш йўли аниқ, тиниқ ва тўғри бўлиб, унда эгрилик йўқ. У шундан иборатки, биз европаликлар ортидан ва уларнинг йўлига юришимиз керак. Шунингдек, улар яхши кўрган нарсани олишимиз, ёмон кўрган нарсадан қочишимиз, улар мақтаганни мақташимиз ва айблаганни айблашимиз керак. Шунда биз уларнинг ҳазорати, унинг яхшилиги, ёмонлиги ҳамда ширинию аччиғига шерик бўламиз».

Баъзилар эса, уйғониш илмий ёки иқтисодий тараққиёт орқали ёки динни умуман эътиборсиз ташлаб қўйиш орқали бўлади деб ўйлашди. Шунда Ҳизб келди-да, Умнатга уйғониш ҳақида тўғри тушунча берди ва уйғониш фикрий юксалиш орқали бўлишини баён қилди. Ҳизб айтдики, ҳар қандай миллатдаги фикрлар – агар у навқирон миллат бўлса – ўша миллатнинг энг катта бойлигидир. Агар у ёрқин фикрга эга бўлган кўҳна миллат бўлса, аждодлардан авлодларга қолган совға бўлади. Аммо моддий бойлик, илмий кашфиётлар, ишлаб чиқаришдаги ихтиролар фикрлар олдида паст ўриндадир. Аксинча уларга етишиш ва маҳрум бўлиш фикрларга боғлиқ. Агар Умнатнинг фикрий бойлиги юксак бўлса, моддий бойлиги парчаланиб кетган тақдирда ҳам тезда уни тиклаб олади. Агар Умнатнинг фикрий бойлиги тубанлашиб, моддий бойлиги сақланиб қолса, бу бойлик тезда тугайди ва Умнат қашшоқ ҳолатга тушиб қолади.

Агар Умнат ўзи кашф қилган илмий ҳақиқатларнинг катта қисмини йўқотса-ю, лекин уларга бўлган фикрлаш тариқатини йўқотмаса, уларни яна тиклай олади. Аммо фикрлаш тариқатини йўқотса, орқага қараб кетади ҳамда кашфиёт ва ихтироларини тезда йўқотади.

Ҳизб уйғониш тушунчасини яхши анлагани учун фикрий системаси бўйича чоп этган биринчи китобининг бошидаёқ шундай иборалар келади: «Инсон ҳаёт, коинот ва инсон ҳақидаги ҳамда буларнинг дунё ҳаётидан илгариги вужудга ва дунё ҳаётидан кейинги ҳаётга алоқадорлиги ҳақидаги фикр билан уйғонади. Шунга кўра, бугунги инсон уйғониши учун унинг фикрини тубдан умумий равишда ўзгартириб, унга бошқа фикрни вужудга келтириб бериш керак. Чунки ушбу фикр нарсалар ҳақидаги тушунчаларни вужудга келтириб, уларни бир нуқтага боғлайди».

Ҳизб кейин мабданинг таърифига ўтиб, мабда бу ўзидан тузум келиб чиқадиган ақлий ақида дейди. Шунингдек, ақлий баҳс орқали, Уммат унинг асосида уйғониши лозим бўлган тўғри мабда Ислом деб тушунтиради. Бундан ташқари, Ислом давлати қулатилганидан тўхтаганидан буён инсоният бошидан кечираётган бахтсизлик, зулм ва одилликсизликдан тўғри йўлга ва уйғонишга етаклайдиган мабда Исломдир дейди.

3) Жамият таърифи:

Индивидуализмга асосланган капиталистик мабданинг глобал ҳукмронлиги натижасида жамият бир тўп одамлардан иборат, бошқача айтганда шахслардан иборат, қачон шахс ислоҳ бўлса жамият ислоҳ бўлади, деган нотўғри таъриф кенг тарқалди. Лекин Ҳизб бу таърифга қаноатланмай, аксинча жамият одамлар, фикр, ҳис туйғулар ва тузумлардан ташкил топади, деб таъриф берди. Бу жамият воқелигини қандай бўлса, шундайлигича ўрганиш орқали берилган умумий таърифдир. Лекин бу ерда бир нарсани эътибордан қочирмаслик лозимки, биз қуришни истаётган жамият бошқа жамиятлардан ўзгачадир. Шунга кўра, бир тўп одамлар жамият бўла олмайди. Жамиятни пайдо қиладиган нарса алоқалардир, жамиятлар мана шу алоқаларга кўра бир-биридан фарқ қилади. Аммо одамлар ҳамма жойда ҳам одамлардир, яъни инсон болаларидир. Бир жамият бошқасидан мана шу алоқалар билан ажралиб туради.

Шунинг учун Ҳизб англадики, давлатлар ўзи асосладиган янги фикрлар асосида бунёд бўлади. Фикрлар ўзгариши билан ҳокимият ҳам ўзгаради. Чунки фикрлар тушунчаларга айланадиган бўлса, инсоннинг яшаш тарзига таъсир қилиб, уни ўз ҳаёт тарзини мана шу тушунчалар асосида шакллантирадиган ҳамда ҳаёт ҳақидаги нуқтаи назари ўзгарадиган қилиб қўяди. Ҳаёт ҳақидаги тушунчалари ўзгарганидан кейин, манфаатларга бўлган кўз-қараши ҳам ўз-ўзидан ўзгаради. Ҳокимият эса, ушбу манфаатларни назорат қилиб, йўналтириб турадиган бир органдир. У жамиятдаги бошқалардан кўра кучли бўлган гуруҳнинг қўлида бўлади. Агар битта минтақадаги одамларнинг манфаат борасидаги кўз қарашлари бир хил бўлса, ўз ишларини бошқарадиган кишини тиклаб олишади. Бошқача айтганда, манфаатларини рўёбга чиқарадиган ҳокимиятни тиклашади. Ёки уларнинг манфаатларини рўёбга чиқариш учун ҳокимиятга келган кишиларга сукут сақлашади. Мана шу ерда бошқарув Уммат томонидан бўлиши кераклиги аниқ тушунилиб турибди. Бунда ҳокимият Умматнинг бевосита танлови билан қоим бўладими ёки сукут сақлаши биланми, фарқи йўқ. Зеро, сукут ҳам ихтиёрнинг бир туридир. Шунга кўра, ҳаёт ҳақидаги муайян фикрлар бўлиши ҳамда ушбу

фикрларни қаноат билан кўтарадиган ва уларни розилик ва ғайрат билан қабул қиладиган кучли гуруҳ бўлиши даркор. Ана ўшалар ҳокимиятни қўлга оладилар.

Жамиятнинг таърифи ва давлатларнинг қандай барпо бўлишини тушуниш динни янгилашда Ҳизб эришган энг муҳим ишлардан бўлди. Зеро, Ҳизб ўзи фаолият олиб бораётган юртларда жамиятдаги фикр ва тушунчаларни ўзгартириш учун ҳаракат қила бошлади. Бунда у бузуқ урф-одатлар ва эски анъаналарга қарши курашиб, Ислом тўғрисида жамоатчилик фикрини пайдо қилишга ҳаракат қилмоқда. Бу нарса қувват ва ҳимоя аҳли ҳокимиятни эгаллаганидан кейин Исломни татбиқ этиши ва тўғри асосда Исломий жамиятни қуришига имконият яратиб беради.

4) Ақиданинг таърифи:

Уйғониш фақат фикрий юксалиш орқали амалга ошар экан, инсон тўғри, собит ва соғлом фикр билан уйғонар экан ҳамда жамиятлар ва давлатлар унга кўра пайдо бўлар экан, демак бу фикр руҳий (ақидавий) асосда пайдо бўлиши лозим. Бу шундай асоски, ундан барча низом ва муолажалар келиб чиқади, ҳаёт ҳақидаги барча тушунчалар унга қиёсланади, у орқали ҳақиқатлар исботланади ва қоидалар ишлаб чиқилади.

Кўриниб турибдики, ушбу ғариблик замонида исломий ақида сиёсий эмас, аксинча руҳий ақидага айланиб қолди. Ушбу ақида шакллантирадиган нуқтаи назар эса, реал ҳаётда мавжуд эмас, мавжуд бўлса ҳам фақат шахсларда мавжуд. Касалликнинг асосий ўчоғи икки ишдадир. Биринчиси, ҳаёт ҳақидаги тушунчалар асосига, яъни сиёсий ақидага етган зарар. Иккинчиси, сиёсий ақида шакллантирадиган нуқтаи назарга етказилган зарардир. Чунки нуқтаи назар ҳалол ва ҳаром бўлиш ўрнига фақат манфаатдан иборат бўлиб қолди.

Муолажани ақидадан бошлаш лозим, яъни уни сиёсий ақида эканини баён қилиш ва ҳаммага маълум бўлиши учун таъсирли шаклда ундаги руҳий жиҳатга боғланиш керак. Шунингдек, Аллоҳга бўлган имонни Қуръонга бўлган имонга боғлаш ҳамда Муҳаммад ﷺнинг рисолати ва Пайғамбарлигига бўлган имонни суннатга боғлаш орқали ақидани ҳаёт ҳақидаги фикрларга ва дунё ишларини назорат қилишга боғлаш керак. Шундан кейин ушбу ақида шакллантирадиган нуқтаи назарга ўтилади, бошқача айтганда ҳаётдаги ўлчов ҳалол ва ҳаромдир ҳамда Ислом ҳаётни манфаат ва тараққиётдан иборат деб эмас, аксинча ҳалол ва ҳаромдан иборат деб тасвирлашини тушунтирилади.

Ҳизб шунинг учун ақидага эътибор қаратиб – Уммат олдин бўлган келишмовчиликларни яна пайдо қилмаслиги ва шу келишмовчиликларга биноан бир-бирини кофирга чиқармаслиги

учун – унга тўғри таъриф берди. Ҳизб ақидага қатъий тасдиқ деб таъриф берди, чунки қатъий бўлмаган тасдиқ ақида эмас. Қатъий тасдиқ ақидада гумон қабул қилинмаслигини тақозо этади. Агар ақидада гумон қабул қилиниши жоиз дейилса, ақида бўлмай қолади. Чунки бу қатъий тасдиқ эмас, фақат тасдиқ бўлиб қолади. Шунинг учун Қуръон Аллоҳнинг каломи, дея эътиқод қилиш фақат Қуръонгина яроқли, чунки у Аллоҳнинг ваҳийсидир, дея қатъий тасдиқлашдир. Қуръон ҳам яроқли, бошқаси ҳам яроқли дейиш қатъий тасдиқ эмас, аксинча фақат тасдиқдир. Агар ҳадис Росулulloҳ ﷺ дан экани собит бўлса, фақат угина яроқли, чунки у Аллоҳнинг ваҳийсидир, дея эътиқод қилиш қатъий тасдиқдир. Лекин ҳадис ҳам яроқли, бошқаси ҳам яроқли дейиш қатъий тасдиқ эмас, аксинча қуруқ тасдиқдир. Демак, ақида қатъий тасдиқни тақозо этади. Агар унда қатъийлик бўлмаса, эътиқод сифатидан чиқиб кетади. Нуқтаи назар ҳам ақидага чамбарчас боғлиқдир. Агар шаръий ҳукм манфаат учун келган, мана бу нарса манфаатдир дейилса, бу ерда нуқтаи назарни ақидага боғлашда камчилик туғилган бўлади. Бу камчилик шаръий ҳукмнинг далили шариатдир, яъни Аллоҳ томонидан юборилган нарсасидир, манфаат асло далил бўла олмайди, деган тўғри тушунча билан тўғриланади. Агар шаръий ҳукм бизнинг замонамизга тўғри келмайди, аксинча, у қадимги замонларга яроқли, бугунги кунга эса манфаат ёки замонавий қонунлар яроқли дейилса, бу ерда ақидада ҳамда нуқтаи назарни ақидага боғлашда камчилик бўлган бўлади. Ушбу камчилик Аллоҳнинг борлиги ва Муҳаммад ﷺ нинг Пайғамбарлигига бўлган эътиқод бунга зид келади, чунки Қуръон ва ҳадисдаги одамларга бўлган хитоб барча замонларни ўз ичига олади, деган тушунча билан тўғриланади. Мана шунга таслим бўлингандан кейин, ақидага боғлаш тузатилади. Агар ҳаётни ҳалол ва ҳаром билан ўлчаш манфаат билан ўлчашга зид эмас дейилса, боғлашда камчилик бор бўлади. Бу камчилик ҳалол ва ҳаромнинг далили манфаат эмас, аксинча, шариатдир, чунки талаб қилинган нарса шариатдир, манфаат эмас, деган тушунча билан тўғриланади. Агар ҳаётни ҳалол ва ҳаром билан ўлчаш замонамизга тўғри келмайди, аксинча манфаат тўғри келади дейилса, бу ерда ақидада ҳамда нуқтаи назарни ақидага боғлашда камчилик бўлган бўлади. Буни тузатиш Аллоҳнинг китоби муайян бир замондаги эмас аксинча, барча замонлардаги инсонларга келган, деган тушунча билан бўлади. Мана шунга таслим бўлингандан кейин, ақидага боғлашни тузатишга ўтилади.

Демак, ақида ҳаётнинг асоси, жамиятнинг асли, тузумнинг манбаи ҳамда аввалги-ю охириларнинг мурожаат қиладиган манбасидир. Ҳизб ут-Таҳрир айнан мана шу нарсага ҳаракат қилиб,

уни тузатди. Ҳатто баъзилар Ҳизб хабари оҳодни гумонли бўлгани учун инкор қилади дейишди. Улар Ҳизб олға сураётган нарсани тушунишмади. Чунки ақида билан шаръий ҳукм орасини ажрата олишмади. Улар шу тариқа Умматни алдамоқчи бўлишди ва Ҳизбдан ҳамда унинг фикрлари ва сақофатидан чалғитишга ҳаракат қилишди.

Ақида қатъий далилдангина олинади, зонний далил билан олиш жоиз эмас, деган гап уни кучайтириб, турли нуқсонлардан тозалайди ва унга бузилиш, қарама-қаршилиқ ва ҳабаталик сизиб киришидан сақлайди. Бу гап ақидада шубҳа уйғотадиган ёки қадрини пасайтирадиган гап эмас, аксинча, уни шаънини кўтарадиган гапдир.

Тушуниш ва равшанлик жиҳатидан ақиданинг воқелигига қарасак ҳамда уни соф ақлия ёки ғайб нарсаларда бўлишига эътибор берсак, у зонний эмас, аксинча, қатъий бўлишини тақозо этади. Чунки у асосдир, асосга эҳтимол аралашиши мумкин эмас. Бу эса, унинг зидди ҳам бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас дегани бўлиб қолади. Ақидада талаб қилинган нарса қатъий тасдиқдир, бошқача айтганда ақиданинг ҳақиқати амалларнинг асоси ва ҳаёт воқеси ҳақидаги тушунчаларнинг асоси бўлса-да, унда амал талаб қилинмайди, аксинча қатъий тасдиқ талаб қилинади. Шунингдек, ақидада ижтиҳод қилиш уни бузиб, турли фикрларни пайдо қилади ҳамда ақидавий мазҳаблар ва фирқаларни кўпайтиради. Бу эса, бўлинишларга ва айниқса ақидада ғолиб гумонга асосланган ижтиҳоддан келиб чиққан хатоларга олиб боради.

5) Дорул Ислом ва дорул куфр таърифи:

Баъзилар дорул Ислом ва дорул куфр тушунчасини шариат аҳкомларидан ажратишга ҳаракат қилишган. Улар бу ишни яхши ният билан ёки аҳкомларни билмаганидан қилган эмас. Аксинча, бу кофир Ғарб хоҳлаган Исломнинг моҳиятини бузиш ва Исломни ўзининг асосларидан бўлган сиёсий аҳкомлардан ажратиш каби ишлардан таъсирланишидан бўлди. Улар айтишдики, бу қадимий тарихий тушунчадир ва у давлатлар ўртасида икки томонлама ҳурмат ва яхши қўшничилик алоқалари давом этаётган ушбу асрга тўғри келмайди. Бугун ҳурмат қилиниши лозим бўлган халқаро қонунлар мавжуд, давлатлар имон ва куфр асосида эмас, аксинча, фуқароликка асосланган.

Ҳизб ут-Тахрир дорул Ислом дегани ҳаётнинг барча ишларига Ислом аҳкомлари татбиқ қилинадиган, аксар аҳолиси ғайримусулмон бўлса-да, хавфсизлик Ислом хавфсизлиги билан бўладиган диёрдир, дорул куфр эса, ҳаёт ишларининг барчасига куфр аҳкомлари татбиқ қилинадиган, барча аҳолиси муслмон бўлса-да, хавфсизлик куфр хавфсизлиги бўлган диёрдир, деб

таъриф берар экан, янги нарсани айтмаган эди. Шунингдек, Ҳизб давлатнинг дорул Ислом ёки дорул куфр бўлишида у ерда татбиқ қилинаётган аҳкомларга эътибор берилади ҳамда унинг хавфсизлиги нима билан бўлаётганига эътибор берилади, аҳолисининг динига эътибор берилмайди деб таъкидлар экан, бу янги гап эмас эди. Аксинча, Умматнинг барча уламолари шуни айтишган ва бирортаси ундан четда қолмаган. Ҳизб одамлар билан Ислом давлати ўртасидаги жарлик чуқурлашиб, уни Уммат душманлари қўлида бузғунчи белкурак ва ўйинчоққа айланган сарой шайхлари янада чуқурлаштирганидан кейин мазкур тушунчага ёпишиб олган ғуборларни кетказди.

Ушбу тушунчани тузатиш жуда муҳим эди. Чунки у воқелик билан қандай ишлашни белгилаб беради. Агар диёр дорул Ислом бўлса, тинглаш ва итоат қилиш вожиб бўлади ҳамда эгри бўкриликларни ислоҳ қилиш керак бўлади. Агар диёр дорул куфр бўлса, ўзгартириш учун ҳаракат қилиш ва Росулulloҳ ﷺнинг Маккадаги тариқатидан истинбот қилинган шаръий тариқат билан уни дорул Исломга айлантириш вожиб бўлади. □

КАПИТАЛИСТИК ҲАЗОРАТ ҲАМДА УНИНГ ДАРВИНИЗМ АСОСИДАГИ КЎЗ-ҚАРАШНИНГ ЯРОҚСИЗЛИГИ (4)

Сорисий Мақдисий – Байтул Мақдис

Демократик бошқарув низомининг яроқсизлиги:

Олдинги шарҳда гувоҳи бўлганимиздек, Европада илоҳий ҳуқуқ назарияси бир четга сурилиб, унинг ўрнини табиий ҳуқуқ назарияси эгаллади. Ушбу назариядан илмоний капиталистик давлат тушунчасининг асоси бўлган ижтимоий шартнома назарияси келиб чиқди. Дарҳақиқат, ўша пайтларда файласуф ва муфаккирлар илоҳий диний ҳуқуқ назариясига қарши курашар эканлар, уларда демократия мафкураси қаттиқ қизиқиш уйғотди. Европаликлар бу демократия мафкурасини ҳамда табиий ҳуқуқ назариясини грек фалсафасидан ўрганишган. Зотан, грек фалсафасида Афина давлатининг демократик бошқарув низомини татбиқ қилишга урингани, бироқ, уни татбиқ этишда муваффақиятсизликка учраб, сўнг ундан воз кечганлиги айтилади.

Ҳизб ут-Таҳрир бундай дейди: «Демократия халқнинг ўзини ўзи бошқаришидир. У – хўжайинлик халқниги ва халқ ҳокимият манбаи, деган икки фикратга асосланади. Демак, демократияга кўра, халқ ҳокимият манбаи бўлиб, у ўз иродасига эга ва бирор киши унга хўжайинлик қилишга ҳаққи йўқ. У ўзи хоҳлаган қонунни чиқаради. Халқ ўзига ўзи хўжайин бўлиши ва ўз иродасини ўзи бошқариши учун умумий эркинликлар асос бўлади. Бу эркинликлар; эътиқод, фикр, мулк ва шахс эркинлигидир».¹

Шунингдек, табиий ҳуқуқ назариясидан келиб чиққан ижтимоий шартнома назариясига кўра, демократия қонун чиқариш ҳуқуқини, яъни хўжайинликни халққа беради. Халқ ўзининг низом ва қонунларини ихтиёрий равишда ва бирон бир диний ҳокимиятнинг аралашувисиз ўзи танлайди. Уларнинг наздида, халқ ўзининг эркин иродаси билан қонун чиқара олиши учун диний ҳокимият дунёвий ҳокимиятдан ажратилиши, яъни дин ҳаётдан ажратилиши керак.

Демократиядаги давлат ва қонунлар вазифасини ўрганиб чиқиб биламизки, бу вазифа шахснинг тўртта эркинлигини кафолатлашдан иборатдир. Капиталистлар – дарвинизмнинг фикрлаш тариқатига кўра – ўз низом ва қонунларини белгилашда табиат қонунларига эргашишга ҳаракат қилишади.

⁽¹⁾ «Демократия куфр низоми», шайх Абдулқодим Заллум – 1990.

Шунинг учун табиат қонунларидан хулоса чиқариб, иқтисодий, ижтимоий ёки сиёсий низомларнинг ҳар бирида уни ўзлари тузган қонунларда акс эттиришга уринишади. Табиатда подани энг кучли бошқаради, бойликдан фойдаланишга ҳам кучли биринчи ҳақдор бўлади. Кимнинг пода сафида бўлишини ёки кимнинг подадан ҳайдаб чиқарилишини ҳам у белгилайди. Демакки, пода ҳуқуқини кучли белгилайди. Капиталистлар бошқарув ва сиёсатда табиатдаги айни шу қонунни татбиқ қилишди. Шунинг учун қонун чиқариш ва бошқариш ҳуқуқи энг кучлиники деб билишди. Уларнинг наздида сармоёга ва иқтисодий бойликларга эга бўлган киши энг кучлидир. Бинобарин, пул бойга пода бошлиғи бўлиш, бошқалардан олдин ресурс ва бойликлардан фойдаланиш ҳамда поданинг ҳуқуқини ва улар риоя қилиши керак бўлган қонунларни белгилаш ҳуқуқини беради.

Демократиянинг воқеси йўқлиги ҳамда татбиқ этиб бўлмаслиги унинг яроқсизлигини кўрсатиб турибди. «Демократия халқнинг ўзини ўзи бошқариши» дея улар берган тарифдан келиб чиқиб қарайдиган бўлсак, қонун чиқариш учун бутун бир халқнинг бир жойга тўпланиши маҳолдир. Халқнинг ўзини ўзи бошқариши учун бир жойга тўпланиши ҳам имконсиздир. Афина давлати бунга қилишга уриниб, унинг яроқсизлигини ва воқеси йўқлигини кўрган. Бир ёки бир неча ой ўтганидан кейин ундан воз кечишган. Модомики битта шаҳарда уни татбиқ этиш имконсиз бўлган экан, минглаб шаҳарлари ва миллионлаб аҳолиси бўлган давлатда уни қандай татбиқ этиш мумкин?!

Демократия ўзининг ҳақиқий маъноси билан татбиқ этишга яроқсиз ҳаёлий мафкурадир. Шунинг учун европаликлар ҳийла-найранг ишлатиб, халқ иродасини таъвил қилишди ҳамда у учун ҳукумат, суд ҳокимияти ва депутатлар кенгаши деган номларни ўйлаб топишди. Депутатлар кенгаши парламентдир ва у қонунчилик кенгаши бўлиб уни халқ сайлайди. Мана шундай ҳийла-найранглар билан халқ қонун чиқариш ҳуқуқидан воз кечиб, уни парламентга бўшатиб берди ва унинг роли фақат депутатларни ёки халқ вакилларини сайлаш бўлиб қолди. Парламентнинг ўзи ҳам қонун чиқармайди ва парламент аъзоларининг ўзлари ҳам қонун чиқаришга қодир эмас. Аксинча, қонунларни парламент томонидан белгиланган қонунчилик ҳайъати ёки юридик қўмита чиқаради. Ушбу қўмитанинг ўзида ҳам ўз манфаати учун қонунларни жорий қилишга уринган бир

неча партия ва гуруҳлар баҳслашади. Сўнг бу қонунларни парламентга ҳавола қилади. Демак, кам сонли озчилик қонун чиқаради. Шунга қарамай, демократияга «халқ бошқаруви» ёки «кўпчилик бошқаруви» дея сохта ва ёлғон таъриф берилган. Демократия озчиликнинг кўпчилик устидан ҳукмронлик қилишидан бошқа нарса эмас. Шундай экан, халқ бошқаруви қаерда қолди?!

Демократиянинг яроқсизлиги қонун чиқарувчи ҳокимият ёки парламентнинг доимий иш юритишидан ҳам кўринади. Бу эса, шароитга ва парламент аъзоларининг истакларига қараб қонунларнинг тўхтовсиз ўзгариб туришини тан олишдир. Бу ўз навбатида демократиядаги хавфли камчиликдир ва у яроқсизлик демократиянинг илдизида мавжудлигини кўрсатади. Чунки улар муаммоларни муолажа қиладиган қонунларнинг тўхтовсиз ўзгариб туришини тан олишмоқда. Агар қонунларнинг муаммоларни муолажа қилишга яроқли деб ҳисоблашганида, уларни доимий ва ўзгармас бўлиши лозим деб белгилашган бўларди. Шунингдек, улар учун қонун чиқарувчи парламентнинг ҳам кераги бўлмай қоларди. Аксинча, парламент конституция ва қонунларни қабул қилиш учун бир марта йиғилар эди-да, сўнг унинг иши якунига етиб, у ўзининг асосий ишига, яъни қонун чиқаришга эмас, балки шўро ва муҳосабага қайтарди. Масалан, Америка конституцияси умуман ўзгартирилиши мумкин эмас. Бироқ фавқулодда ҳолатлардагина ўзгартириш мумкинлиги айтилган. Бу шуни кўрсатадики, қонунчиликдаги ўзгаришлар яроқсизликни тан олишдир.

Демократиянинг яроқсизлиги қонун чиқариш ва бошқарувда капиталистларнинг ўз халқлари устидан хўжайинлик қилишида ҳам кўринади. Чунки ички жабҳада капиталистлар томонидан демократия устида ҳийла-найранг ишлатилади. Яъни бойликларни тақсимлашда мувозанат бузилганлиги учун, бойлик монополист капиталистлар қўлида тўпланиб қолиб, улар давлат ва жамиятда асосий куч-қудрат соҳибларига айланиб қолишган. Натижада, ўз пуллари билан ҳукмдорларга, оммавий ахборот воситаларига ва парламентга эгалик қилишади, шунингдек, давлатнинг ҳақиқий ҳукмдорларига айланишади.

Давлат президентлари ва парламент аъзолари уларни сайлаган халқ иродасини эмас, балки ишбилармонлар ҳамда йирик мулкдорлардан ташкил топган капиталист «элита» иродасини ифода этишади. Шунинг учун давлат президентини ва парламент аъзоларини сайлаш учун ўтказилган сайловлар ва

сайлов ташвиқотлари харажатларини катта капиталистлар тўлайди. Натижада, сайланганларидан кейин сайловчилар вакили эмас, балки элитанинг вакилига айланишади ва ушбу «элита» манфаатларига хизмат қиладиган қонунларни чиқаришади. Бу капитализмдаги қотилликдир ҳамда Америка ва бошқа мамлакатлардаги маълум воқеъликдир. Капиталистлар капиталистик давлатлардаги ҳақиқий ҳукмдорлардир.

Демак, иқтисодий мувозанатнинг бузилиши билан сиёсий мувозанатнинг бузилиши ўртасида узвий боғлиқлик бор. Чунки капиталистик жамиятда бойликни тақсимлашда мувозанатнинг бузилиши халқнинг капиталистларга, камбағал ёки ўртаҳол одамларга бўлинишини келтириб чиқаради. Капиталистлар имтиёзли очкўз элитага айланиб, қолган одамларни давомий эксплуатация қилишни, сўнг дунёдаги бошқа халқларни ҳам эксплуатация қилиш учун янада кучайишни ишташади. Бу – Дарвиннинг «энг кучлиларгина тирик қолади» деган гапига жуда ўхшайди. Унга кўра, бу табиат қонуни бўлиб, жамият уни ҳурмат қилиши керак. Кучли тирик қолишга, бойликлардан фойдаланишга ҳамда ҳаётини давом эттиришга ҳақли. Кучсиз ёки ожизлар эса яшашга ҳақли эмас.

Демак, капиталист демократлар учун ҳукмрон қонун дарвинистик ўрмон қонунидир. Бироқ, улар бунини очик айтишмайди, балки унинг амалда қўлланиши устида бедор бўлишади ва демократия деб номланган зоҳиран чиройли сўз билан уни яширишади. Лекин, бу пода (оддий одамлар) устидан ҳукмронлик қилиш учун катта капиталистлар ўйнаётган ўйиндир. Улар (ҳарбий ва молиявий) қувватни, (ижро қилувчи ва қонун чиқарувчи) ҳокимиятни, таъсир кучи ва оммавий ахборот воситаларини ишга солиш орқали оддий одамларни ўзлари истаган томонга йўналтиришади. Ўз мақсадларига етиш учун улар қўллаётган услуб ва воситалар ғайриахлоқий ёки ғайриинсоний бўлишидан қатъий назар, мақсадга етишга имкон берадиган бундай услуб ва воситаларни қўллаётдилар. Макиавеллининг «ғоя воситани оқлайди» деган қоидаси уларнинг энг олий ғоясидир.

Ушбу қоиданинг амалий татбиқидаги натижаларга назар солинса демократик бошқарувнинг яроқсизлиги очик кўринади. Бошқарувда иккитадан ортиқ партия иштирок этадиган давлатларда бу ҳолат очик кўзга ташланади. Масалан, Италия давлати худди яҳудий вужудига ўхшайди. Чунки унда ҳам сиёсий синфлар тарқоқ бўлиб, парламентда кичик партиялар

жуда кўп... Шу сабабдан катта партиялар ҳукумат ташкил қила олмайди. Фақатгина кичик партияларни бирлаштириш орқали мўрт ҳукумат коалициясини тузиш мумкин. Натижада тез орада қулайдиган жуда ҳам заиф ҳукуматлар ташкил қилинади. Бошқа томондан мафия, деб номланган уюшган жинойй гуруҳлар уларни кемириб боради. Парламент тарқаб кетгани сабабли қисқа вақт ичида парламент сайловларини такрор ўтказишга тўғри келади. Шунинг учун Америкадаги иккита партия сайловларда улар билан аёвсиз рақобатлашадиган бошқа партияларнинг пайдо бўлишига қарши курашади. Бундан мақсад Италиянинг ҳолатига тушиб қолмаслик ҳамда бошқарув «пироги»ни ўртада бўлишиб олишдир. Британияда ҳам ҳолат шундай. Чунки у ердаги сиёсий саҳнада консерватив партия, ундан кейин лейбористлар партияси ҳукмронлик қилади.

Демократик низом яроқсизлигининг яна бир жиҳати шундаки, демократик бошқарувни даъво қиладиган ҳамда ўз мамлакати ичкарисида эркинликлардан фойдаланадиган давлатлар бутун дунёдаги мустабид диктатураларни қўллаб-қувватлашади. Шунингдек, халқлар ва давлатларни мустамлака қилиш қулай бўлиши учун уларнинг эркинликларини мусодара этиб, кадр-қимматини оёқ-ости қилишади. Бу давлатлар мустамлака давлатларнинг бойликларини талон-торож қилиб, жиноятчи капиталистлар манфаатларини рўёбга чиқариш учун уларни қарамга ва ўз маҳсулотлари сотиладиган бозорга айлантиради. Бошқалар билан муомала қилишда демократия ва эркинлик қаерда қолди?! Улар учун мумкин бўлган ишлар бошқа давлатларнинг халқлари учун мумкин эмасми?!

Мана шулардан аён бўлдики, табиий ҳуқуқ назариясига асосланганлиги, дарвинизмнинг ҳаёт ҳақидаги бузуқ кўз-қарашига алоқадорлиги, амалда татбиқ қилиб бўлмадлиги, бошқарув ва қонунчиликда капиталистларнинг жамиятдаги бошқа одамлар устидан зўравонлик қилиши жиҳатидан демократик бошқарув бузуқ-яроқсиздир.

Ижтимоий низомнинг яроқсизлиги

Ижтимоий низом эркак ва аёл ўртасида пайдо бўладиган муносабатни ҳамда ушбу муносабатдан келиб чиқадиган масалаларни муолажа қилади. Эркак ва аёл ўртасидаги муносабат оилани шакллантиришга қаратилади. Оила бир ядро бўлиб, унда башариятнинг кўпайиши ва инсон навининг сақланиб қолиши амалга ошади. Оила авлодларни жисмонан, фикран ва психологик жиҳатдан шаклланишига ҳисса қўшади.

Бир жамиятдаги ижтимоий низом бошқа жамиятдаги ижтимоий низомдан фарқ қилади. Ҳар бир жамият эркак ва аёл ўртасидаги ушбу муносабатни тартибга келтириш кайфияти ҳақида ўз кўз-қарашига эга. Бу кўз-қараш фикр ва туйғулар ҳамда оилавий муносабатларни ёки ижтимоий алоқаларни бошқарадиган низомларнинг ҳар хиллигига қараб бир-биридан фарқ қилади.

Дунё яралганидан бошлаб то ҳозирги асримизга қадар инсоний жамиятларга оила тушунчаси ҳукмронлик қилиб келади. Чунки у табиий фитрат бўлиб, эркак ва аёл оилани ташкил қилиш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш учун турмуш қуради. Улар инсон навини сақлаб қолиш учун талаб қилинган ижтимоий ролларни бажаришда бир-бирини тўлдирадилар. Шу боис, бир-бирини тўлдириш, ўзаро ҳамкорлик ҳамда функционал ролларни бўлишиш масалалари уларга аниқ бўлган.

Лекин капиталистик мабда пайдо бўлиб, унинг табиий ҳуқуқ назарияси ва эркинликларга, хусусан, шахс эркинлигига асосланиши билан файласуфлар ва капиталист муфаккирлар ўртасида ижтимоий низом, оила тушунчаси ҳамда эркак ва аёл ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ тортишувлар, қарама-қаршилиқлар келиб чиқди. Бу муфаккирлар шундай бир янги тушунчаларга таянишдики, улар бу тушунчаларни табиатдаги тирик организмлар бўйсунадиган табиий қонундан олишган эди. Улар ҳайвонлар ўртасида табиатда оила тушунчасининг йўқлигини кўришди. Инсон табиий қонун билан ҳамқадам бўлиши керак деган эътиборда, оиланинг бўлишига ҳожат йўқ деб билишди. Уларнинг фикрига кўра, эркак ва урғочи ўртасида тартибсиз жинсий алоқалар юз бериши билан тирик жонзотларнинг кўпайиши табиий келиб чиқади. Шунинг учун Дарвин назариясига кўра, табиатда аҳоли ўсишини режалаштириш ва жинсий алоқаларни тартиблаштириш деган нарсаси бўлмайди. Аксинча, табиатда ўз-ўзидан тасодифий юз берадиган (жинсий) муносабатларгина бўлиб, бу муносабатлар эркак ва урғочи ўртасидаги табиий майллардан келиб чиқади.

Оила, яъни турмуш қуриш орқали эркак ва аёлнинг қўшилиши ҳақидаги дарвинизм асосидаги ушбу капиталистик кўз-қарашдан, никоҳ, оила ва навнинг сақланиб қолишига нисбатан салбий кўз-қараш келиб чиқади. Чунки бу алоқа – уларнинг фикрига кўра – эркак кишининг аёл устидан ҳукмронлик қилишига ва оила муассасаси номи остида унинг шахсий эркинлигидан маҳрум қилишига олиб келади. Шунингдек, дарвинизм асосидаги ушбу кўз-қарашдан гомосексуализмни

қонуний деб билиш ва гомосексуалистлар ҳуқуқини тан олиш келиб чиқди. Ҳолбуки, гомосексуализм жиноят ҳисобланиб, гомосексуалистлар жазога тортилар эди. Уларнинг фикрига кўра, гомосексуализмнинг табиий жинсий майл эканлиги «илмий» жиҳатдан исботланган.

Шунинг учун аёл ҳуқуқи, гендер тенглик ва дарвинистик феминизм тарафдори бўлган баъзи капиталистларнинг оилани «аёлни қул қилиш, уни эркинлигидан маҳрум этиш ва ҳуқуқини поймол қилиш» деб ҳисоблаб, унга қарши курашаётганини кўрамиз. Айниқса, улар аёл ва эркак ўртасида тўлиқ тенглик бўлишига чақиришади. Уларга кўра, эркак ва аёл ўртасидаги жинсий муносабат эркинликка асосланиши ҳамда ижтимоий, сақофий ёки диний чекловлар билан чекланмаслиги керак. Яъни, улар эркак ва аёл ўртасидаги муносабат, худди табиатда бўлганидек оиланинг мажбурлашисиз севги-муҳаббатга асосланиши кераклигига чақиришади. Уларга кўра, агар бола дунёга келса, худди табиатдагидек уни она тарбиялайди. Кўриб турганингиздек, бундай кўз-қараш дарвинизмнинг инсонга ҳамда эркак ва аёл ўртасидаги муносабатга нисбатан ҳайвоний кўз-қарашидир.

Бундан ташқари, оила ва ижтимоий муносабатлар ҳақидаги дарвинизм кўз-қараши, шунингдек, моддий манфаатни тан олинган ягона қиймат деб ҳисоблаш оила муассасасининг бузилишига ҳамда турмуш қуришни ва фарзанд кўришни истамасликка олиб келди. Чунки – бу кўз-қарашга кўра – булар муваффақиятсиз иқтисодий лойиҳалардир. Шунинг учун уларни фарзанд кўришга ундайдиган инсоний қадрият йўқ. Эркак ва аёлнинг ҳар бири ўзининг табиий туғма ролидан воз кечди. Шунинг учун Ғарбда ижтимоий ва оилавий муносабатлар бузилди. Бу эса ахлоқий таназзулга, очиқ жинсий муносабатларга, оилавий алоқанинг йўқолишига ва ўйнаш тутишга олиб келди. Шундай қилиб, бундай кўз-қарашдан энг кўп азоб чеккан аёллар бўлиб қолди. Чунки у аёл сифатида ўз ролини бўйнига олиш билан бир қаторда, эркакнинг ролини ҳам бажарадиган бўлиб қолди. Шунинг учун у ризқ топиш учун ишлаш билан бир қаторда, бола тарбияси билан ҳам шуғулланадиган бўлди. Ғарбда фарзандига ёлғиз ўзи ғамхўрлик қиладиган ёлғиз аёллар феномени (кам учрайдиган ҳодиса) пайдо бўлди. Ташландиқ болалар сони кўпайди, сифилис, СПИД каби жинсий касалликлар ва булардан бошқа турли касалликлар тарқалди.

Келинг, Ғарб ҳазорати биринчи масала сифатида олға сураётган аёллар масаласини олайлик. Ғарб ҳазоратининг асосий ғоя ва инсоний ҳуқуқ деган эътиборда эркак ва аёл ўртасидаги тенгликка чақираётганини кўрамиз. Аммо бу кўз-қараш катта чалғитувни ўз ичига олади. Чунки тенглик тушунчасига назар соладиган бўлсак, унинг икки қиррали ханжар эканлигини кўрамиз. Бир томондан, агар эркак ва аёлга инсон деган эътиборда қарайдиган бўлсак, бу тушунча тўғридир. Бошқа томондан, Ғарб ҳазорати аёлнинг эркак киши билан нафақада, эркак кишига хос масъулиятларни бўйнига олишида ва жамиятда эркак кишини ролини бажаришида тенг бўлишини талаб қилган пайтида ҳалокатли хатога йўл қўйди. Шунинг учун ушбу жирканч ғояни татбиқ қилаётган мамлакатларда аёлларни ҳаётнинг энг оғир соҳаларида ишлаётганини кўрасиз. Масалан у қурилишда, ошхонада, автомобилларда ишлайди. Бундан ташқари, унинг танаси товар ва хизматларни реклама қилиш воситаси, вақтичоғлик қуроли сифатида қўлланади. Ушбу жирканч ғоя аёлга зулм қилди ва унга бахтсизлик олиб келди. Бу ғоя аёлнинг қадр-қимматини ҳимоя қилишдан бутунлай йироқ бўлиб, бу Ғарбдаги аёллар тўлиқ англаб етадиган манзарадир. Бу кўз-қараш инсон фитратига зид бўлган кўз-қараш ҳамдир. Эркак ва аёлларнинг бир-бирини тўлдиришларини ҳамда улар ўртасидаги ҳамкорликни рўёбга чиқармагани, аксинча, бунинг ўрнига хизмат ролларини бўлишишда адоватга олиб боргани учун бу кўз-қараш адолатли бўлмаган кўз-қарашдир. Демак, бу кўз-қараш ўзаро низолашишга олиб борадиган, ҳамкорликни рўёбга чиқармайдиган кўз-қарашдир. Эркак ва аёл тенг бўлиши керак деган кўз-қараш тўғри эмас, балки улар ўртасида вазифалар адолат билан белгиланиши керак деган кўз-қараш тўғридир. Чунки тенглик эркак ва аёлга зулм қилинишига олиб келади. Адолат эса, ҳар иккисининг туғма хусусиятларини ҳисобга олади ҳамда уларга зулм қилмаган ва тоқатидан ортиқча юкни юкламаган ҳолда ҳар бирининг ролини белгилайди.

Булар ҳаёт, оила ва жамият ҳақидаги дарвинистик кўз-қарашга асосланган ушбу капиталистик ҳазорат тушунчаларининг натижаларидир. Ўз ҳазорати ва низомида табиий ҳуқуққа ҳамда Дарвин назариясига асослаган кишининг мана шундай фожиали натижаларга дучор бўлиши табиий. Бундан ташқари, агар ҳозир бўлмаса ҳам келажакда ижтимоий муваффақиятсизликка ҳамда касалликлар тарқалишига учраши

аниқ. Шундай экан, капиталистлар ўз ҳазоратлари уларни қандай аҳволга солиб қўйгани ҳақида бир ўйлаб кўришсин?!

Жамият ҳақидаги кўз-қарашнинг бузуқлиги

Капиталистик ҳазоратнинг яроқсизлиги жамият ҳақидаги кўз-қарашда ҳам кўринади. Бу ҳазорат жамият шахслардан таркиб топади деб ҳисоблайди ва шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатларга қарамайди. Бу ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолган масала эмас, балки қасддан пайдо қилинган масаладир. Чунки капиталистик кўз-қараш шахслар эркинлиги, хусусан, шахсий эркинлик ғоясига асосланади ва давлат шахслар эркинлигини таъминлаш учунгина аралашади.

Жамият ҳақидаги капиталистик кўз-қарашнинг бузуқлиги шундаки, ҳукуматлар жамиятни этник, диний ва иқтисодий гуруҳларга бўлади. Бу эса одамларнинг парчаланишига ҳамда жамиятнинг қарама-қарши синфларга, масалан, аёл ва эркак, соғлом ва ногирон, масиҳий, яҳудий, мусулмон ва ҳиндусларга бўлинишига олиб келади. Сўнгра ҳар бир гуруҳга ўзига хос ҳуқуқ берилади, нишонланадиган хос кун белгиланади ва улар ўртасида бўлиниш кучайтирилади. Бу ҳолат гуруҳлар ўртасида низони келтириб чиқаради. Натижада, давлат ҳар бир гуруҳнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш баҳонасида, уларни осонликча назорат қилади ва уларнинг орасидаги эҳтиёжмандларини давлат гаровига айлантиради.

Тобе давлатлардаги жамиятларни парчалаш учун айни назарияни татбиқ қилиш йўлларида бири шуки, ҳукуматлар аҳолини рўйхатга олиш чора-тадбирларини амалга оширадилар. Шу орқали ҳукуматлар гўё ўзларини хизмат кўрсатишни самарали режалаштириш имкониятидан фойдаланаётган қилиб кўрсатишди. Бироқ, бу Мальтуснинг янгиланган назариясини қабул қилган капитализмдаги чалғитувдан бошқа нарса эмас. Чунки, ҳукуматлар руҳоний Томас Мальтуснинг «демографик портлаш» назариясига биноан аҳолини рўйхатга олиш ишини бажарадилар. Мальтус назариясига кўра, аҳолининг кўпайиши ер юзидаги инсонга озуқа бўладиган мавжуд бойликлардан анча катта. Ушбу ғаразли назария Форд ва Рокфеллер жамғармаси ҳамда аҳолини рўйхатга олиш кенгаши каби капиталистик ташкилотлар томонидан илгари сурилган аҳолини назорат қилиш сиёсатига ундади. Таъкидлаш жоизки, аҳолини рўйхатга олиш битта давлатда яшаётган аҳоли гуруҳлар ўртасида низо келтириб чиқаради. Чунки ҳар бир гуруҳ ўзига хос ҳуқуқни қўлга киритиш ҳамда ҳукумат вазирликлари ва парламентда

улушга эга бўлиш учун ҳукуматга босим ўтказишга уринади. Бинобарин, аҳолини рўйхатга олиш гуруҳларнинг ўзларига тегишли ҳуқуқларни қўлга киритишлари ҳамда ҳокимиятдаги ёғли мансабни эгаллаш устида давлатдаги бошқа гуруҳларнинг ўзаро курашишлари учун бир қурол бўлиб хизмат қилади.

Табиий ҳуқуқ ва ижтимоий дарвинизм назарияси экстремистик миллатчилик ҳамда ирқчилик фикрларини келтириб чиқарди. Ирқчилик, худди Германияда Гитлер томонидан амалга оширилганидек, дарвинизмга асосланган капиталистик ҳазоратнинг табиий ва оддий натижаси бўлиб қолди. Гитлер арий ирқини башарият ирқларининг энг олийси ва энг ривожлангани деб ҳисоблаган эди. Унга кўра, арий ирқи тирик қолишга ва яхши яшашга ҳақли, шунингдек, қора танли, сомий ва циган каби ривожланишдан орқада қолган барча ирқлар йўқ қилиниши керак. Давлатларни ирқи ва тилига қараб ажратишга қаратилган бундай миллатчилик Европа давлатлари ўртасида, кейинроқ Африкада кескин низоларни келтириб чиқарди. Бу низолар натижасида миллионлаб инсон ўлим топди.

Фарб ва Шарқдаги дарвинча капиталистик кўз-қарашга эга бўлган жамиятларга таҳдид солаётган жиддий ижтимоий хавф пайдо бўлди. Чунки аҳоли сони кўпайишининг сезиларли даражада пасайиб кетиши... ижтимоий қариликнинг ўсиб бораётгани... янги туғилганлар сонининг озайиб кетгани... ширкат ва корхоналарни ишга тушириш учун керакли бўлган ишчи кучининг етишмаслиги... пенсия ва қарилик нафақасини қоплаш учун керакли бўлган маблағларнинг етишмаслиги айрим давлатларни хатар бонгини уришга мажбур қилди. Улар моддий мукофотлар бериб эркак ва аёлларни фарзанд кўришга ва турмуш қуришга тарғиб қилиш учун ижтимоий ва иқтисодий чораларни қўллашди. Бироқ, турмуш қуриш ва оилани шакллантириш олдида фикрий, психологик ва моддий тўсиқлар борлиги учун кўрилган бундай иқтисодий чораларнинг фойда бериши даргумондир. Айни пайтда ношаръий муносабатларни ўрнатиш, оилани парчалаш, фаҳш ишлар ва гомосексуализм олдида кўп қулайликлар мавжуд.

Масалан, Германия ёш ишчи кучи етишмаслиги муаммосини ҳал этиш учун Сурия ва бошқа жойлардан келган қочқинларнинг мамлакатга киришига рухсат берди. Италия яқинда ўзидаги ўлимларнинг сони янги туғилганлар сонидан кўплигини маълум қилиб, хатар бонгини урди. Италия сиёсатчилари туғилиш кўрсаткичи пасайиб кетгани учун экзистенциал (вужудий)

таҳдидга дуч келаётганларини айтишди. Бу ҳолат Европадаги кўплаб капиталистик давлатларга, шунингдек, Япония, Россия ва бошқа мамлакатларга тааллуқлидир. Бу давлатлар аҳоли сонининг ўсиши пастлигидан, ҳатто салбий кўрсаткичга етганлигидан азият чекиб келишади. Яъни бу давлатларда ўсиш йўқ, аксинча, улар муттасил камайиб бормоқда. Агар бу ҳолат узоқ давом этадиган бўлса, бу жамиятлар бир неча ўн йиллардан кейин йўқ бўлиб кетиш хавфига дуч келишади.

Шунга кўра, капиталистик ҳазоратдаги ижтимоий кўз-қарашнинг бузуқлиги деярли яшириш мумкин бўлмаган очиқ бузуқликдир. Капиталистик ҳазоратга эга бўлган давлатлардаги технологик ва саноат тараққиётининг атайлаб оммавий ахборот воситаларида ёритилиши ушбу бузуқликни яшириб туради.

Хотима

Биз бу мавзуда капиталистик ҳазорат ва унинг дарвинизмга асосланган бузуқ кўз қарашининг асли қандай келиб чиққанини батафсил баён қилдик. Шунингдек, тарихда капиталистик ҳазоратнинг қандай пайдо бўлганини маълум даражада англаб етдик, сўнг унинг яроқсизлигининг қирралари ва сирларига гувоҳ бўлдик. Унинг асосини аниқлаш орқали бу ҳазорат инсониятни бахтсизликка гирифтор қилиши аён бўлди. Шунинг учун, Ғарб бу ҳазоратдан воз кечиши ва уни яроқли-тўғри ҳазоратга алмаштириши керак. Чунки яроқли-тўғри ҳазорат бахт-саодатни рўёбга чиқаради, инсонни ер юзидаги ботқоқликдан қутқариб, осмонлар яратувчисига етказди ва барча қийматларни эътироф этиб, уларни мувозанатга келтиради. Яроқли-тўғри ҳазорат – Ислом ҳазоратидир. У ўзининг яроқли турмуш тарзи, деган сифати билан мусулмону ғайримусулмондан иборат бутун инсоният учун лойиқ ҳазоратдир.

Ушбу пухта ўрганиш орқали Капитализм фаолиятининг моҳиятини тушуниб олдик. Буни тушуниш бизга капитализм ҳазоратининг методологияси ва механизмларини англаб етишга, шунингдек, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳит, таълим, қонунчилик ва бошқа жамият тузилмалари устидан бу методология ва механизмларни қандай татбиқ қилинишини тушунишга ёрдам беради. Шу орқали барча тузилмалардаги капитализмнинг яроқсизлигини очиб бера оламиз. Табиий ҳуқуқ, эволюция ва Дарвининг ҳаёт ҳақидаги кўз-қарашига асосланган илманий капиталистик мафқуранинг методология ва механизмларини тушуниш жуда муҳимдир. Чунки капиталистик ҳазоратнинг

моҳиятини тушуниш ушбу ҳазоратнинг турмуш тарзини тушунтиришга ҳамда ушбу турмуш тарзининг яроқсизлиги сабабларини аниқлашга ёрдам беради. Шунингдек, бу нарса капиталистик ҳаёт тарзини олдиндан англаш ҳамда келажакда юзага келиши мумкин бўлган муаммо ва кризисларни башорат қилиш имконини беради. Ана шунда бошдан кечираётган кризисларни тараққиёт, замонавийлик ва бағрикенглик шиорларидан фойдланган ҳолда беркитаётганини ҳамда бу кризисларни келажакка қолдириш ва зарарларини қоплаш учун уларни дунёнинг энг заиф ва энг қашшоқ мамлакатларга экспорт қилаётганини тушуниб етамиз.

Капиталистик ҳазорат унинг ақидасини қабул қилган кўплаб авлодларни бузди. У доим ноҳақлик ва бузғунчилик тарафида турди, кучлилар ва бойларни қўллаб-қувватлади, қолган одамларни эзди. Шунинг учун омма одамларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётини бузди. У само қонунини (илоҳий адолатни) қонун қилиб олиш ўрнига, табиий ҳуқуқ дея номланган ўрмон қонунини қонун қилиб олди. Шунинг учун инсониятни юксак самоларга кўтариш ўрнига, уни ерга қулатди.

Биз капиталистик давлатларни коронавирус инқирозини бошқаришда муваффақиятсизликка учраганини кўрдик. Чунки уларнинг айримлари дарвинизмнинг ҳаёт ҳақидаги яроқсиз кўз-қарашидан келиб чиққан жамоавий иммунитет сиёсатини қабул қилишди. Сўнг ундан тезда воз кечишга мажбур бўлишди. Чунки дарвинизм кўз-қараши ҳаёт муаммоларини ҳал этишда доим муваффақиятсизликка учрайди. Бироқ унинг муваффақиятсизлиги одамларга очиқ кўринмайди. Улар илм-фан ва саноатдаги моддий тараққиётни намоиш қилиш орқали ўзларининг муваффақиятсизлигини яширишади.

Хулоса қилиб айтганда, биз капитализмнинг асоси ва тузумлари жиҳатидан яроқсиз ҳазорат эканини кўрдик. Чунки у инсонни юксалтириб уйғотиш ўрнига, ҳазорат сифатида инсон учун тайёрланган нарсадан уни чиқариб, бузди. Чунки капитализм яроқсиз ҳазорат бўлиб, у қадриятлар ва ахлоқда, шунингдек, инсоний ва маънавий жиҳатларда инсонни тубсиз жарлик ёқасига олиб келиб, бахтсизликка гирифтор қилди. У ўзининг яроқсизлиги билан бутун дунё барқарорлиги учун хавфли бўлиб қолди. Уни яроқли ҳазоратга алмаштириш ҳар бир онгли ва соғлом табиатли кишининг бурчидир. □

ИСЛОМНИ ЕТКАЗИШДА САҲОБАЛАРНИНГ ОДИЛЛИГИ

Ҳамд Тобиб – Байтул Мақдис

Саҳобаларнинг одиллиги ҳамда уларнинг жароҳат¹ ва шубҳадан устун туриши ҳақида гапиришдан олдин айтамизки, Одам ﷺ замонидан то ҳозирги кунгача ер юзидаги ҳеч қандай ҳазорат ва фикр нақл қилиш, сақлаш, асраш ва илм борасида Исломга ета олмаган. Агар Исломдан олдинги (яҳудийлик ва насронийлик) динларига назар ташлайдиган бўлсак, уларда бузилиш, ўзгартириш, чалкашлик ва турли матнлар орасидаги номувофиқлик борлигини кўрамиз. Бундан ташқари, уларда Аллоҳнинг ягоналиги ҳамда у зотнинг сифатлари, пайғамбарларнинг мўътабар сифатлари ва бошқа кўп нарсалар ҳақида шундай тушунчалар мавжудки, улар шариат ва ақл томонидан тан олинган усулий асослардан чиқиб кетган... Бу чалкашлик ва бузилишнинг биринчи сабаби Аллоҳ Таоло ушбу динларни Исломни сақлаганидек сақламади. Иккинчи сабаб нақл қилиш ва девон қилиш тариқати санаддан узилган ва асл ривоятга боғланмаган. Учинчи сабаб матнлар (Масиҳ ﷺ) шогирдларининг шогирдлари замони, бошқача айтганда тахминан тўрт авлод кейин девон қилинган. Тўртинчи сабаб ривоятлар асл манбасидан, яъни пайғамбардан эмас, балки шогирдларидан олинган. Девон қилиш жараёнида ҳам шогирдларнинг ривоятига суянилган.

Ислом эса, пухта ва санадлари бир-бирига боғланган ҳолда етиб келган. Қандай шахсларнинг сўзларидан эмас, балки нусусларнинг ўзаги бўлган ваҳидан нақл қилинган. Шунингдек, Ислом ҳеч қандай шак-шубҳасиз қатъий йўл билан ва лўнда тарзда ҳамда тафсилотларда ҳам ёлғон аралашмаган ҳолда етиб келган. Дарҳақиқат, Қуръони Карим Росулulloҳ ﷺ ҳузурда, у кишининг бевосита назорати остида, одил гувоҳлар, яъни Росулulloҳ ﷺнинг саҳобалари гувоҳлигида девон қилинган. Саҳобалар нақл қилиш, сақлаш ва ёзишдан ташқари уни ёд олишган. Қуръон турли асрлардаги юзлаган, минглаган ва ўн минглаган ҳофизлар томонидан ёд олиниб, авлоддан авлодга ўтиб келган. Қуръонни сақлашда уч ишга эътибор қаратилган ва шу туфайли унга ташқаридан бирор нарса қўшилмаган ҳамда нақл қилиш ҳеч қандай шак-шубҳасиз қатъий тарзда бўлган. Биринчи: Қуръон Росулulloҳ ﷺ ҳузурда ва саҳобалар гувоҳлигида девон қилинган. Иккинчи: Барча асрларда

(1) Ровийнинг одиллиги ва хотирасига путур етгани сабабли ривоятини қабул қилмаслик.

авлоддан авлодга узликсиз қалбларда ёд ҳолда сақланган. Учинчи: Қуръон ўзининг нусусларида ожиз қолдирувчидир.

Бу Қуръони Карим ҳақида эди. Пайғамбаримиз суннатига келсак, у ҳам умумий турда қатъий йўл билан, тафсилий турда ғоят аниқлик билан нақл қилинган. Зеро, у бизга нуқсонсиз, тўла узлуксиз йўл билан етиб келган. Бу ерда бир неча ишлар бор бўлиб, улар ҳадисни аниқ, мунтазам ва соф бўлишини таъминлаган. Қуйида уларни келтириб ўтамиз:

Биринчи: Саҳобаларнинг одиллиги (ишончлилиги): Аксар ҳадис уламолари айтганидек, саҳоба – Росулulloҳ ﷺ билан учрашган, у кишига имон келтирган ва суҳбат (дўстлик) аломатлари кўринган кишидир. Имом Мозарий ўзининг (Усулул Фиқҳ далиллари шарҳи) номли китобида шундай дейди: «Биз одил саҳоба деганда қайсидир бир кунда Росулulloҳ ﷺ билан учрашган ёки у кишининг ҳузуринда бир неча марта бўлган ёки қандайдир мақсадда учрашиб бошқа пайтларда кўрмаган кишиларни айтмаяпмиз. Балки саҳоба деганда доим Росулulloҳ ﷺ билан бирга бўлган, эъзозлаган, ёрдам берган ва у кишига юборилган нурга эргашган кишиларни тушунамиз». Саҳобаларнинг одиллиги, деган сўзнинг маъноси: «Улар одил (ёлғон гапирмайдилар), ҳамда ишончли. Шунинг учун уларнинг ҳеч бирига (ривоятда) жароҳат етган (яъни ёлғон гапирганмикин), деб ҳисобланилмайди ҳамда уларнинг одиллиги тўғрисида гумон қилинмайди». Одиллик дегани мутлақо хато қилмайди ва гуноҳ содир этмайди дегани эмас. Балки ҳадис уламолари айтганидек: «Улар имонда мустаҳкам, тақвода содиқ, олийжаноб, юксак хулқли ва сафсаталардан узоқ бўлганлари учун Росулulloҳ ﷺ борасида ёлғон гапирмайдилар... Одиллик дегани гуноҳ, эътиборсизлик ва хатолардан пок дегани эмас. Ибн Ҳажар Асқалоний ўзининг (Саҳобаларни тўғри ажрата билиш) номли китобида шундай дейди: «Саҳобанинг одиллиги дегани улар гуноҳдан пок дегани эмас, бирор уламо бу гапни айтмаган. Уларнинг баъзилари катта ёки кичик гуноҳларни қилиши мумкин. Лекин уларнинг одиллигидан мақсад уларнинг гаплари ва хабарлари ишончли деганидир. Улар гувоҳлик берганда ва хабар етказганда Росулulloҳ ﷺ га нисбатан ёлғон гапирмайди деганидир». Ибн Абдулбир роҳимахуллоҳ ўзининг (саҳобаларни тўла ажрата билиш) номли китобида шундай дейди: «Саҳобалар энг яхши асрдаги зотлар бўлиб, одамлар учун чиқарилган энг яхши Умматдирлар. Уларнинг барчаси одил экани Аллоҳ Таоло ва Росулulloҳ ﷺ нинг мақташи билан собит бўлган. Аллоҳ Таоло

Ўз Пайғамбарининг дўсти бўлишига ва унга нусрат беришига рози бўлган кишилардан ҳам адолатли киши йўқ. Бундан ҳам катта мақтов ёки адолат сифатини бериш мумкин эмас...».

Саҳобанинг одиллиги ҳақида Қуръони Каримда келган ва Росулulloҳ ﷺ ҳам бу ҳақда хабар берганлар.

﴿وَالَّذِينَ ءَامَنُوا وَهَاجَرُوا وَجْهَهُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَالَّذِينَ ءَاوَأُوا وَنَصَرُوا أُولَٰئِكَ هُمُ الْمُؤْمِنُونَ حَقًّا لَهُمْ مَغْفِرَةٌ وَرِزْقٌ كَرِيمٌ﴾

«Имон келтирган, ҳижрат қилган ва Аллоҳ йўлида курашган зотлар ва (муҳожирларга) уй-жой бериб, ёрдам қилган зотлар – ана ўшалар ҳақиқий мўминлар бўлиб, улар учун мағфират ва улуғ ризқ бордир» [Анфол 74]

﴿وَالسَّابِقُونَ السَّابِقُونَ مِنَ الْمُهَاجِرِينَ وَالْأَنْصَارِ وَالَّذِينَ اتَّبَعُوهُمْ بِإِحْسَانٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ وَرَضُوا عَنْهُ وَأَعَدَّ لَهُمْ جَنَّاتٍ تَجْرِي تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا أَبَدًا ذَلِكَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ﴾

«Муҳожир ва ансорларнинг биринчи пешқадамлари ва уларга чиройли амаллар билан эргашган зотлар – Аллоҳ улардан рози бўлди ва улар ҳам Ундан рози бўлдилар. Яна (Аллоҳ) улар учун остидан дарёлар оқиб турадиган, улар абадий қоладиган жаннатларни тайёрлаб қўйди. Мана шу буюк бахтдир» [Тавба 100]

Росулulloҳ ﷺ бундай дейдилар:

«خَيْرُ أُمَّتِي قَرْنِي ثُمَّ الَّذِينَ يَلُونَهُمْ ثُمَّ الَّذِينَ يَلُونَهُمْ»

«Умматимнинг энг яхшиси менинг асримдагилардир. Сўнгра улардан кейин келганлар. Сўнгра улардан кейин келганлар». Бухорий ривояти.

Саҳобанинг одиллиги (жарҳ ва таъдил илми орқали) текширилмайди. Балки, тобеин ва табаа тобеинларнинг одиллиги текширилиши мумкин. Агар ҳадис саҳобага уланса, саҳоба ишончли, одил, забт (яъни ёдлаб қолиш қобилияти яхши) бўлгани боис, бу ҳадисни Росулulloҳ ﷺ дан нақл қилганлиги аниқ-ишончли ҳисобланади. Агар ривоят занжирида саҳоба тушиб қолган бўлса, яъни мурсал бўлиб қолса, уни саҳиҳлик даражасига кўтарадиган бошқа сифатлар билан, бу ҳадис саҳиҳ бўлиб қолаверади. Ривоят занжирида саҳобанинг тушиб қолиши ҳадиснинг саҳиҳлигига путур етказмайди. Сабаби саҳобаларнинг барчаси ишончли ва одилдир. Аммо ҳадиснинг ривоят занжиридан тобеин ёки табаа тобеин тушиб қолса, яъни ҳадис тобеин ёки табаа тобеин томонидан мурсал бўлиб қолса,

у заиф ҳадис туркумига кириб қолади. Чунки тобеин ёки табаа тобеиннинг шахси аниқланмагунча одил-ишончли, деб ҳисобланмайди. Унинг тобеин бўлишининг ўзи унинг ишончли эканига далолат қилмайди.

Иккинчидан: ҳадис санадининг табаа тобеинлар асридаги ривоятчиларга етиб бориши. Чунки ҳадисни табаа тобеинлар девон қилишган. Демак ҳадис табаа тобеинлардан бошланиб, Росулulloҳ ﷺ да, бошқача айтганда ваҳийда тугайди. Санадсиз ҳадис қабул қилинмайди. Чунки санаднинг ноаниқлиги ровийлар ҳолатининг ноаниқлигидир. Бундай ҳолатда уларнинг одиллиги, забтдаги ҳолати, бошқа ровийлар билан улаганларига жароҳат етиб қолган бўлади.

Учинчидан: саҳобалардан бошқа ровийлардаги одиллик ва забт масаласи: Росулulloҳ ﷺ гача бўлган ровийлари адл ва забт сифатига эга бўлган ҳадис олинади. Шунинг учун уламолар жарҳ ва таъдил ҳақидаги илмни ҳамда ровий шахслар ҳақидаги илмни ишлаб чиқишган. Ҳадис ривоят қилган барча кишиларнинг таржимаи ҳоли нақл қилиниб, ўрганилган ҳамда нақл ва ривоят қилиш амалиёти учун зарур бўлган барча жиҳатлари текширилган. Бошқача айтганда, адл ва забт борасида ҳамда занжирдаги бошқа ровийлар билан учрашган ёки учрашмагани борасида ўрганилган... Шунинг учун ровий яшаган замон ўрганилади, унинг қанчалик ёдда сақлашга қодирлиги, тиниқ етказиши ва унга бошқа ишларни аралаштириб юбормаслиги жиҳатидан ўрганилади. Шунингдек, унинг садоқат ва одиллиги, яъни тақвosi жиҳатдан ўрганилади... Янглишадиган ёки унутадиган ёки тақвosi заиф кишидан ҳадис олинмайди.

Тўртинчидан: Нақл қилинган ҳадис ишончли ва одил кишилар томонидан нақл қилинган бошқа саҳиҳ ҳадисларга зид келмаслиги ҳамда Қуръони Карим оятларига зид келмаслиги лозим. Аслида динда зиддият бўлмаслиги ва битта ишда турли фикрлар бўлмаслиги керак. Агар шундай иш рўй берса ва Қуръони Карим ва ҳадисдан бўлган қатъий нусусга зид келса икки ривоятнинг бири диroyтан (маъноси) рад этилади.

Бешинчидан: Ҳадисда тил борасида бузуқ сўзлар ишлатилмаган бўлиши, бошқача айтганда ниҳоятда фасоҳат ва балоғатли бўлиши лозим. Шу масалада паст даражада бўлмаслиги лозим, чунки ҳадис фасоҳат ва балоғат борасида иккинчи ўринда туради. Бу ҳақда Росулulloҳ ﷺ бундай марҳамат қилганлар:

«فُضِّلْتُ عَلَى الْأَنْبِيَاءِ بِسِتِّ: أُعْطِيتُ جَوَامِعَ الْكَلِمِ، وَنُصِرْتُ بِالرُّعْبِ، وَأُحِلَّتْ لِي الْغَنَائِمُ، وَجُعِلَتْ لِي الْأَرْضُ طَهْرًا وَمَسْجِدًا، وَأُرْسِلْتُ إِلَى الْخَلْقِ كَافَّةً، وَخْتِمَ بِي النَّبِيُّونَ»

«Мен бошқа Пайғамбарлардан олти нарсада устун бўлдим: Менга жавомиул калим (маъноли каломлар, яъни Қуръон) берилди; Душманларим қалбига қўрқув солиб турадиган бўлдим; Ўлжалар ҳалол қилинди; Менга ер пок ва саждагоҳ қилиб берилди; мен барча одамларга элчи қилиб юборилдим; мен анбиёлар хотами бўлдим». (Имом Муслим ривояти). Имом Суютий ўзининг «Мазҳар» китобида бундай дейди: «Одамларнинг энг фасоҳатлиси бу оламлар Парвардигорининг ҳабиби, саййидимиз ва мавлоимиз Росулulloҳ ﷺ дир».

Исломнинг бизгача соф етиб келишига сабаб бўлган ушбу ишларни ўрганар эканмиз, айтамикки: Қуръон бўладими ёки суннатми ушбу дин нусусларини ўзгартириш ёки бузиш амри маҳолдир. Биз яна ишонч ва хотиржамлик билан айтамикки, бу дин Аллоҳ Таолонинг ҳимояси ҳамда ушбу улўф ва муҳим ишга солиҳ бандаларини бўйсундириб қўйиши орқали сақланган. Бу Қуръони Каримни жамлаш ва сақлашда бўладими ёки Пайғамбаримиз суннатини жумлатан ва батафсил сақлашда бўладими фарқи йўқ.

Аммо шу кунларда айрим шаккоклар ушбу дин нусуслари, хусусан саҳобаларнинг одиллиги ёки ҳадисларнинг саҳиҳ ва заифлиги масаласи ҳақида айтаётган гапларига келсак, улар уч қисмга бўлинади:

Биринчи қисм: Ғарб сақофати ва заҳри ҳамда Ислом ва муслмонларга нафратланувчи шаккоклик фикрлари билан суғорилган кишилар. Улар айниқса бугун бутун дунё, шу жумладан Америка ва Европада рўй бераётган исломий кенгайиш даврида янада авж олган. Бу турдаги одамлар онг ва идрок билан сўзлашади, белгиланган режалари мавжуд. Террорга қарши кураш, бошқача айтганда Ислом ва унинг аҳлига қарши курашда халқаро лойиҳа орқали бирлашишади. Ушбу уруш 2001 йил сентябр ҳодисаларидан кейин, Ғарб фикрларининг қулаши, тобелари кўз ўнгида унинг сохталлиги аён бўлиши ва Ғарбдаги аксарият одамлар тўғри фикр томон йўналиши ортидан янада кучайди.

Иккинчи қисм: Ғарб пистирмадан туриб қасддан ва режа асосида айтаётган сўзларни такрорлаётган тўтилар. Улар бу сўзларни такрорлар эканлар, буни қанчалик даражада хатарли

экани ва кофирларнинг Исломга қарши курашида уларга бекор хизмат қилишаётганини билмайдилар. Улар ҳадис илми масалалари, жарҳ ва таъдил нима эканини ҳатто саҳобанинг маъносини тушунмайдилар.

Учинчи қисм: Шиаларнинг бир гуруҳи. Уларнинг шаръий илм соҳасида ҳам, Росулulloҳ ﷺнинг саҳобаларидан ривоят қилиш мавзусида ҳам, шунингдек, ҳадис масалаларида ҳам ҳеч қандай эътибори йўқ. Чунки улар саҳобаларнинг аксариятини тан олишмайди, балки саҳобаларнинг кўпчилиги, хусусан Абу Бакр ва Умар رضي الله عنهماларни мусулмон эмас дейишади. Шунинг учун уларнинг гаплари ҳужжат эмас.

Хотима сифатида айтамикки, Ғарб ва унинг мусулмонлардан иборат тобелари Аллоҳнинг динига қарши эълон қилган урушида қадимда ҳам мағлубиятга учраган, ҳозир ҳам муваффақиятсизликка юз тутмоқда. Уларнинг барча ҳаракатлари келажакда ҳам муваффақиятсизликка учрайди. Бу ҳаракатлар янги эмас, улар Ислом нури чарақлагандан бери мавжуд. Чунки Макка кофирлари ҳам Ислом нурини ўчиришга ҳаракат қилишган. Улар бу ишларни Қуръон ҳақида шубҳа уйғотиш ҳамда Росулulloҳ ﷺни сеҳргар, коҳин ва бундан бошқа ёлғонларда айблаш орқали амалга оширишган. Шарқшунослар эса, икки юз йил давом этган жадал ҳаракатларни қилишган. Лекин уларнинг исломий юртлардаги етакчиси Цвемер эътироф этганидек муваффақиятсизликка учрашган. Ўз вақтида Цвемер бундай деган эди: «Айримлар қадимда ва ҳозирда Росулulloҳ ﷺнинг баъзи ҳадисларини оёқ ости қилишга ҳаракат қилишган. Лекин буларнинг барчаси худди қуёшни ўз нафаси билан ўчирмоқчи бўлиб пуфлаган ёки ҳавони одамлардан тўсмоқчи бўлган одамга ўхшайди». Чунки Аллоҳ Таоло ушбу динни сақлашни ўз зиммасига олган:

﴿إِنَّا نَحْنُ نَزَّلْنَا الذِّكْرَ وَإِنَّا لَهُ لَحَافِظُونَ﴾

«Албатта бу эслатмани (яъни Қуръонни) Биз Ўзимиз нозил қилдик ва шубҳасиз, Ўзимиз уни сақлагувчимиз» [Ҳижр 9] Оятдаги зикр кўпчилик муфассирларнинг айтишича, Қуръони Карим ва соф суннатдир. Бу иш қиёмат соати бўлгунича давом этади. Чунки Аллоҳ Таоло Ўзининг динига уруш очишга ҳаракат қилганларнинг барчасини жиловлаб қўйишга ваъда бериб бундай деган:

﴿إِنَّ الَّذِينَ يُحَادُّونَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ كُبِتُوا كَمَا كُبِتَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ ۗ وَقَدْ أَنْزَلْنَا آيَاتٍ بَيِّنَاتٍ
وَلِلْكَافِرِينَ عَذَابٌ مُهِينٌ﴾

«Албатта Аллоҳ ва Унинг пайғамбари чизган чизиқдан чиқадиган кимсалар худди ўзларидан аввалгилар ҳалок қилингани каби ҳалок қилинурлар. Дарвоқеъ Биз очиқ-равшан оятлар нозил қилдик (Мана шу оятларни инкор этгувчи) кофирлар учун хор қилгувчи азоб бордир» [Мужодала 5]

﴿يُرِيدُونَ أَنْ يُطْفِئُوا نُورَ اللَّهِ بِأَفْوَاهِهِمْ وَيَأْبَى اللَّهُ إِلَّأ أَنْ يُنِيرَهُ ۗ وَلَوْ كَرِهَ الْكَافِرُونَ﴾

«Улар Аллоҳнинг нурини (яъни, Исломни) оғизлари (яъни, беҳуда гаплари) билан ўчирмоқчи бўладилар. Аллоҳ эса, гарчи (кофирлар) хоҳламасалар-да, фақат Ўз нурини тўла (яъни, ҳар тарафга) ёйишни истайди» [Тавба 32]

Айни пайтда Аллоҳ Таоло кофирлар ёмон кўрсаларда, ушбу дин барча динлар устидан ғолиб бўлиши, у ер юзининг Шарқию Фарбига етиб бориши, унинг қаршисида шаккоклар нафсига берилганлар ва бошқалар тура олмаслиги ҳақида ваъда берган... Росулulloҳ ﷺ айтади:

﴿إِنَّ اللَّهَ زَوَى لِي الْأَرْضَ فَرَأَيْتُ مَشَارِقَهَا وَمَغَارِبَهَا وَإِنَّ أُمَّتِي سَيَلُغُ مَلْكُهَا مَا زَوَى لِي مِنْهَا﴾

«Аллоҳ ерни менга йиғиб кўрсатди, шунда унинг кун чиқишидан кун ботишигача барча жойларини кўрдим. Умматим мулки менга йиғиб кўрсатилган жойларгача етиб боради». Муслим ривояти.

Аллоҳ Таолодан ушбу динга ёрдам берадиган, ер юзида уни ғолиб қиладиган ва барча инсониятга уни хайру ҳидоят сифатида олиб чиқадиган кишини чиқариб беришини сўраб қоламиз. □

Сисий Бутунжаҳон яҳудийлар конгресси раисини қабул қилиб, тинчлик музокараларини қайта бошлаш муҳимлигини таъкидлади

Миср президенти Абдулфаттоҳ Сисий Бутунжаҳон яҳудий конгресси раиси Рональд Лаудерни қабул қилди. Қароргоҳи Нью-Йоркда жойлашган ушбу бирлашма яҳудийлар ташкилоти ҳисобланади. Миср президентлик девони баёнотида айтилишича, учрашувда Миср Разведка хизмати раиси Аббос Комил ҳам қатнашган. Миср Президентлиги вакили Бассом Розий бундай деди: «Учрашувда Миср-АҚШ муносабатлари доирасидаги баъзи масалалар, шунингдек, Яқин Шарқдаги тинчлик жараёни ва экстремистик мафкурага қарши кураш билан боғлиқ бир қатор масалалар кўриб чиқилди». Баёнотга кўра, Сисий «Миср ва АҚШ ўртасидаги стратегик муносабатларнинг чуқурлиги минтақадаги инқироз ва таҳдидларга, айниқса терроризм ва экстремистик мафкурага қарши курашда муҳим аҳамият касб этади. Бу – минтақавий хавфсизлик ва барқарорликка эришиш учун зарур», деб айтган. Баёнотда айтилишича, Бутунжаҳон яҳудийлар конгресси раиси Мисрнинг Яқин Шарқ ва Африкада хавфсизлик ва барқарорликни сақловчи устун сифатида ҳал қилувчи роли учун миннатдорчилик билдирди. Шунингдек, у терроризм таҳдидига қарши кураш ва минтақадаги турли инқирозларга ечим топиш бўйича олиб бораётган саъй-ҳаракатларига эътиборни қаратди.

Ал-Ваъй:

Миср давлат разведка бошлиғини бу йиғинда қатнашишга ундаган сабаб нима? Бунга уни Сисийнинг Фаластин масаласида ҳамда «терроризм ва экстремистик мафкурага қарши кураш» ниқоби остида Исломга қарши курашда яҳудийларга кўрсатаётган содиқ хизматларини намойиш этиш ундадими?! Яҳудий вужуди билан алоқаларни нормаллаштиришни ўз имиджини яхшилашнинг энг яхши усули деб биладиган бошқа араб режимлари сингари, Сисий ҳам ушбу яҳудий конгрессидан шу мақсадда фойдаланяптими? Зеро, Судан ҳукмдорларининг санкцияларни олиб ташлашга АҚШ маъмуриятини ишонтириш учун яҳудийлардан ёрдам сўраганини унутганимизча йўқ.

Бин Ладенни ўлдирган кучлар «терроризмга қарши кураш»дан халқаро йирик кучларга қарши курашувчи кучларга айланди

АҚШ ҳарбий-денгиз кучларига қарашли (SEAL) махсус кучлари Усома Бин Ладенни ўлдиргандан сўнг ўн йил ўтиб, ўз қўмондонлигини ривожлантириш ҳамда Хитой, Россия каби халқаро йирик давлатлар таҳдидларига қарши туриш учун сара кучларни кенг кўламли трансформация қилиш ишларини бошлаб юборди. Бу янги режа дивизияларнинг сув ости ва усти бўйлаб душманга кучли қаршилик кўрсатиш қобилиятини мустаҳкамлашга қаратилган. Бу кучларнинг оғир турдаги қотилликларни содир этиш, жинсий тажовуз ва гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш каби қилмишлари фош этилганидан сўнг, бугун яхшироқ квалификацияга эга қўмондонликни излаб топмоқчи. АҚШ ҳарбий-денгиз кучлари адмирали Бош қўмондон Хью Ховард «Ассошиэтед Пресс» агентлигига берган интервьюсида қуйидагиларни таъкидлади: «АҚШ ҳарбий-денгиз кучларига қарашли ушбу махсус кучлар асосан, терроризмга қарши кураш амалиётлари билан шуғулланиб келган эди. Аммо бу миссиялардан ҳам муҳимроқ ишлар орқали ривожланиш вақти келди. Сўнгги йигирма йил ичида кўплаб аскарларимиз Ироқ саҳроларида ва Афғонистон тоғларида жанг қилдилар, энди эса, уларнинг диққат-эътиборлари денгизга қайтишга қаратилган. Ушбу қарор ўз ҳарбий кучларини жадал ривожлантираётган ва таъсирини бутун дунё бўйлаб кенгайтиришга интилаётган Хитой ва Россияни ўзининг устувор вазифаси қилиб белгилаган Пентагоннинг кенг кўламли стратегиясини ўзида акс эттиради. АҚШ мудофаа раҳбарлари жангарилар ва экстремистларга қарши олиб борилган йигирма йиллик уруш ресурсларимизни қуритди ва бу нарса Москва билан Пекин олдида Вашингтон учун минус бўлди, деб ҳисоблайдилар».

Ховард яна қўшимча қилиб бундай деди: «Мана шу нарсаларнинг кўпчилиги бизни ўзгаришга ундади. Аммо биз энди кўпроқ саъй-ҳаракатимизни ҳамкасбларимиз таҳдидларига қарши туришга қаратмоғимиз даркор». Ховардга кўра, дронлар ва электрон уруш имкониятларини яхшилаш учун, шунингдек, разведка маълумотларини йиғиш ҳамда душманни айёрлик билан мағлуб этиш учун янги кадрлар ёлланади.

Ал-Ваъй:

Ушбу ўзгаришдан аён бўлмоқдаки, Америка Исломга қарши уруш билан машғул бўлиши оқибатида Россия ва Хитой олдида

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>кўрган ўз минусларини тўғрилаб олмоқчи. Бу эса, халқаро сиёсатнинг ўзгараётганини ҳамда АҚШ, Хитой ва Россия дохил ёвузлик ўчоқлари ўртасида совуқ урушларга ўтилаётганини кўрсатади.</p>		
<p align="center">Тель-Авив билан Лозиқия ўртасида авиақатновлар</p>		
<p>Оммавий ахборот воситаларига кўра, Россия Ҳаво кучларига қарашли махсус самолёт Тель-Авивдаги «Бен-Гурион» аэропортидан кўтарилиб, Лозиқия (Латакия)даги Ҳамимим базасига қўнган. Аввалда бу самолёт Москвадан Тель-Авивга келган эди. Бу ўзини халқ ҳомийси, дея иддао қилувчи Асад режимининг кўз ўнгида бўлиб ўтмоқда. Хабарларда «исроиллик» бир манба уч кундан сўнг яна бир самолёт худди шундай Тел-Авив-Лозиқия парвозини амалга оширишини айтди, аммо бу парвозлардан қандай мақсад кўзланганини очиқламади. «Шарқул Авсат» газетаси жорий йил бошида нашр қилган хабарга кўра, «исроиллик» расмийлар билан Асад режими расмийлари ўртасида Сурия низосини муҳокама қилиш учун Ҳамимим базасида учрашув бўлиб ўтган. Учрашувда Асад режими делегациясига Миллий хавфсизлик хизмати раиси генерал-лейтенант Али Мамлук, «исроиллик» делегацияга «Исроил» армиясининг собиқ бош штаби бошлиғи генерал-лейтенант Гади Айзенкот раислик қилган.</p>		
<p>Ал-Ваъй:</p>		
<p>Бу ва бунга ўхшаш барча хабарларда мана шу шармандалик хабар қилинди. Зеро, бундай режимларга ичлари кўр-кўрона таассуб, мазҳабпарастлик ва мусулмон қонига ташналикка тўлган кимсалардан бошқа ҳеч ким алданмайди. Аллоҳ Таолодан уларга жазони бу дунёда бизнинг қўлларимиз билан беришини, охиратда аламли азобга гирифтор қилишини сўраб қоламиз.</p>		
<p align="center">Қатарнинг Сурия низосига ҳамда Асаднинг қолишига нисбатан позициясида ўзгариш юз берди</p>		
<p>Қатарнинг Москвадаги янги элчиси Аҳмад ибн Жосим Оли соний Россиянинг «Коммерсант» газетасига ўз мамлакатининг Сурия масаласига нисбатан позициясида кутилмаган ўзгариш бўлгани тўғрисида баёнот берди. Жосим жумладан «Қатар билан Россия ўртасида Сурия инқирози бўйича тушунчалар бирлиги юзага келди, позициялар яқинлаштирилди», деди. У қўшимча қилиб «Қатар позицияси очиқ маълум, биз Сурия халқи</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
-----------------------------------	--	-----------------------------------

машаққатларига якун ясаш учун Россия билан ҳамкорлик қиляпмиз... Қатар Сурияда бирорта ҳам экстремистик жамоани қўллаб-қувватламайди... Суриядаги муаммоларни, ҳаммасидан ҳам муҳими, Суриядаги қардошларимиз бошдан кечираётган оғир гуманитар вазиятни зудлик билан ҳал этиш чораларини кўрмоқ зарур... Қатар ушбу минтақанинг бир қисмидир, инқироз бошланган биринчи кундан бошлаб Сурия халқи билан режим ўртасидаги муаммоларни ҳал этишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда». Кузатувчиларга кўра, Қатар элчисининг Сурия масаласида Россия билан бўлган яқинлашишга оид айти баёноти Давҳа позициясида юзага келган янгиликдир. Айниқса, Москва Башар Асаднинг ҳокимиятда қолишига ишонади. Маълумки, Россия, Туркия ва Қатар давлатлари Давҳада ташқи ишлар вазирлари даражасида учрашув ўтказиб, Сурия муаммосини муҳокама қилишган ва учала давлат айти муаммонинг ечими борасида бир хил фикрга келишган.

Ал-Ваъй:

Қатар ҳар доим, ўз мустамлакачи хўжайинларининг манфаатларини амалга ошириш учун кўзғолонларга аралашади, ўзининг ҳаром сиёсий пулларини сарфлаб уларни жиловлаб олишга уриниб келган. Бу мамлакатнинг давлатлар ишига аралашади бўйича қўллари узун бўлиб, узоқларга чўзилган. Масалан, илгари Босния ва Герцоговинага, сўнг Афғонистон ва Сомалига аралашган бўлса, мана энди унинг такаббур тиллари Сурияга аралашаётганини айтмоқда. Бу аралашувларининг ҳар бири мусулмонларнинг душманлари манфаатига хизмат қилди. Бу давлатнинг мазкур баёнотига боқинг, унинг ва Туркиядаги шарманда ҳукмдорларнинг Суриядаги мусулмон аҳлимига қилган қанча-қанча хиёнатлари кўриниб турибди... Булар бир-бирларига қарши курашади... кейин ярашади, кейин учрашувлар ўтказиб, муҳокама қилиб, келишиб олишади ва қарорлар чиқаришади... буларнинг зарарини эса фақат ва фақат мусулмонлар кўради.

Навальний Қуръон ўқишдан маҳрум қилинди... у Россия ҳукумати судга бермоқчи

«Ассошиэйтед Пресс» ахборот агентлигининг «Арабий 21» томонидан таржима қилинган хабарида бундай дейилади:

«Россия муҳолифи Алексей Навальний билан давлат расмийлари ўртасида навбатдаги инқироз бошланди ва бунга

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>унинг «Қуръон ўрганмоқчи бўлгани» сабаб бўлди. Россияда қамоқда сақланаётган Навальний Қуръон ўқишдан ман этилгани учун қамоқ расмийларини судга бермоқчи экани айтилади. «Қамалганимда, мен нафсимни яхшилаш мақсадида қамоқда бир неча ишларни қилишни режалаштириб олгандим, мана шу режалардан бири Қуръонни ўрганиш ва уни чуқур тушуниш эди», дейди Навальний. У қўшимча қилди: «Қамоқда китоб ўқиш рухсат берилган ягона нарса эди, бироқ, Қуръон ўқишдан маҳрум этилдим. Аммо мен қамоқ маъмуриятини судга бераман. Агар шу орқали ўз ҳуқуқимни қайтариб олишга қодир бўлсам, албатта». Расмийлар китобларнинг ҳар биридан «экстремистик ғояларнинг бор-йўқлигини текширишимиз шарт ва бу уч ой вақт олади, дейишди».</p>		
<p>Ал-Ваъй:</p>		
<p>Навальний Қуръони Каримни ўрганиш ва чуқур тушуниш ниятида. Бу эса, кутилаётган оламшумул ўзгаришни яшашга ҳамда ҳозирги халқаро сиёсатда ўз ўрнини эгаллашга фақат Исломнинг қодир эканини кўрсатмоқда. Бу ўринда Навальнийнинг Россиядаги мустабид раҳбар Путиннинг жиддий муҳолифи эканини айтиб ўтиш лозим. Путин ўзининг барча рақиблирига нисбатан – кўпинча заҳарлаш каби – суиқасд билан муомала қилади. У жинояткорликда дунёдаги бошқа ҳукмдорлардан фарқи қилмайди, балки ташқи ва ички сиёсатида, айниқса Сурияда улардан ҳам жинояткорроқдир. У Исломга қарши туриш ва Сурияда Халифалик лойиҳасига қарши курашишга ҳамда Асад режимига ёрдам беришга қарор қилган пайтда – мен ўз мамлакатим цивилизациясини ва миллатим динини ҳимоя қилмоқчиман, деганди. Рус режими собиқ СССР хавфсизлик хизмати «КГБ»дан қолган чиқиндилардан бўлса, Путин «КГБ»нинг таниқли битирувчиларидан бири ҳисобланади...</p>		
<p style="text-align: center;">﴿تَشَابَهَتْ قُلُوبُهُمْ﴾</p>		
<p>«Уларнинг диллари бир-бирига ўхшайди» [Бақара 118]</p>		
<p style="text-align: center;">АҚШ евангелистларнинг вакцина олишдан бош тортганларидан хавотирда</p>		
<p>«Индепендент» веб-сайти Қўшма Штатлардаги оқ танли евангелистлар коронавирус вакцинасини олиш хусусида қаттиқ шубҳага тушиб қолганини, бу нарса коронавирус пандемиясига</p>		

қарши курашга тўсиқ бўлиши мумкинлигини хабар қилди. Хабарга кўра, Жанубий Баптистлар Конвенцияси (SBC) президенти Америкадаги энг йирик евангелист руҳоний Ж.Д. Гериер ўзининг фейсбукдаги саҳифасида коронавирус вакцинасини олаётгани акс этган расмни нашр қилди. Бу сурати кўпчиликка ёққанига қарамай, кўплаб евангелистларнинг ҳужумига ҳам учради. Бир вақтнинг ўзида, бошқалар вакцинани иблис ва ишончсиз қилиб тасвирлашди. Баъзилар Гериерни ҳукуматнинг вакцинани тарғиб қилиш ишига шерикликда айблашди. «The Associated Press-NORC» номли жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг март ойида ўтказган сўрови натижаси оқ танли евангелистларнинг 40 фоизи эмлашни истамасликларини кўрсатди. Бу натижа евангелистларнинг орасида ҳам хавотир пайдо қилди. Янги ташаббус асосчиси «Христианлар ва вакцина» веб-сайтини очган собиқ руҳоний ва миссионер Кертис Чанг бундай деди: «Оқ танли евангелистлар АҚШ аҳолисининг тахминан 20 фоизини ташкил қилади. Аммо баъзи масиҳийлар ўз тақдирларини эмлашга эмас, балки Тангрининг қўлига топширишни афзал кўрмоқдалар». Евангелистлар черкови хизматчиларидан бири бундай дейди: «Биз бугун синовлар ва ҳар хил даҳшатлар даврини бошдан кечиряпмиз. Биз охир-оқибат қаерга боришимизни ҳам, ердан осмон афзал эканини ҳам унутганимиз йўқ. Шундай экан, нега бу ердан кетишга (яъни вирусга) қарши курашишимиз керак?!».

Ал-Ваъй:

Биз бу мавзуда, давлатлар ва шахслар сифатида бутун оламнинг ушбу коронавирусга қарши курашда Ислом таълимотларини ўрганиши лозимлигини таъкидлаймиз. □

ҚУРЪОНИ ҚАРИМ СУҲБАТИДА МУСУЛМОНЛАРНИНГ ИСЛОМ ҲУКМРОНЛИГИ ЙЎҚ ПАЙТДАГИ ШАРЪИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

Маълумки, Ислом Аллоҳ Таоло томонидан барча инсониятга юборилган охирги дин эканини, олдинги динлар эса, фақат маълум бир қавмга туширилганини билмаслик мусулмон учун узрга ўтмаслиги шариатда очиқ кўрсатилган. Модомики, ҳар бир умматга динни етказадиган пайғамбар жўнатилиб, Ислом бутун инсониятга юборилган экан, бу нарса мусулмонлардан динни ёйишни ва уни чинакамига одамлар устидан гувоҳга айлантиришни тақозо қилади. Биз таврот ва инжил нозил бўлганини ва уларнинг издошларидан шу китоблар асосида ҳукм юритиш буюрилганини, у билан ҳукм юритмаганлар «кофирлар», «золимлар» ва «фосиқлар», дея сифатланганини, бу сифатлар уларга Қуръони каримда Аллоҳ Таолонинг ушбу каломи ила омматан нозил бўлганини кўряпмиз:

﴿وَمَنْ لَّمْ يَخُضْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الْكَافِرُونَ﴾

«Кимда-ким Аллоҳ нозил қилган дин билан ҳукм юритмас экан, бас, улар кофирлардир» [Моида 44]

Яна бундай деди:

﴿وَمَنْ لَّمْ يَخُضْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ﴾

«Кимда-ким Аллоҳ нозил қилган дин билан ҳукм юритмас экан, бас, улар золимлардир» [Моида 45]

Яна бундай деди:

﴿وَمَنْ لَّمْ يَخُضْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الْفَاسِقُونَ﴾

«Кимда-ким Аллоҳ нозил қилган дин билан ҳукм юритмас экан, бас, улар фосиқлардир» [Моида 47]

Бу шариат билан ҳукм юритмаслик бўйича мусулмонларни ҳам ўз ичига олади.

Таажжубки, Ислом билан ҳукм юритилмаётгани бугунги кунда мусулмон уламоларининг мияларидан ғойиб бўлди. Улар бундан кўз юмишмоқда, гўё бунинг ортида Аллоҳ буюрган вазифа йўқдек. Биз шунга гувоҳ бўляпмизки, бу уламолар Исломининг қиёматга қадар кенг қамровли комил дин эканига имон келтиришган, хутбаларида бунга гувоҳлик келтиришяпти, Росулulloҳнинг ҳукмдор ва қўшин қўмондони сифатидаги

ҳаётлари ҳақида ҳадислар айтишяпти, ўша замонлардаги жиҳод, рошид халифалар ва Ислом давлати ҳақида сўзлаб беришяпти... Бироқ Ислом билан ҳукм юритишни йўқлигига жавобгармизми, деб ўзларидан сўрашмаяпти. Исломий шариат бошқарувдан четлатилган-ку, Аллоҳ нозил қилган нарсаларнинг динда аҳамияти чексиз-ку, ҳаётий ишларда дин билан ҳукм чиқармаслик нимани англатади, бунинг оқибати ғоят хатарли бўлгани учун муслмон юртлари шунча бузилиш, зулм ва заифликка тушди-ку, дея ўзларидан сўраб кўришмаяпти.

Ислом билан ҳукм юритиш мажбурияти шаръий вожиботлар орасида энг муҳими ҳисобланар экан, уларнинг бу нарсани эътиборсиз қолдириш учун ўйлаб топган энг хавfli баҳоналардан бири «иш эгалари нима билан ҳукм юритса, уларга итоат қилиш вожиб», деган баҳоналаридир. Улар иш эгаларига бўлган итоатни шариат билан чекламай, мутлақо вожиб деб айтишади. Яна баъзилари «Шариат одамларнинг манфаати учун нозил бўлган. Қайси ишда манфаат кўринса, ўша иш Аллоҳнинг шариати бўлади», дейишади. Улар шариатдаги 90 фоиз аҳкомларни мана шу манфаат асосида белгилашади. Шунга биноан, манфаат шариат учун ягона асос қилиб олинадиган бўлди. Баъзилар демократик сайловларда қатнашишга рухсат берувчи фатволар чиқарган. Бу билан улар ўзларининг маиший ва сиёсий ҳаётларини ғайриисломий тарафга топшириб қўйган бўлади... Биз сўфиларни кўряпмиз. Ғарб тадқиқот марказлари Ғарб ҳукуматларидан, бинобарин, исломий юртлардаги ҳукмрон режимлардан сўфиларни муслмонларнинг асосий етакчиларига айлантиришни талаб қилишаётганини гувоҳи бўляпмиз.

Шу сабабдан, юқорида айтилган уламоларни кўзларини очишга ва динимизни худди аввалги аждодларимиз тушунган тариқат бўйича тушунишга чақирмоқ лозим. Энг тўғри тариқат шу. Шунингдек, динимизни барпо этишни рошид Халифалик давлатини барпо этиш билан шаръан боғламоқ даркор.

Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿وَأَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ مُصَدِّقًا لِمَا بَيْنَ يَدَيْهِ مِنَ الْكِتَابِ وَمُهَيْمِنًا عَلَيْهِ فَاحْكُم بَيْنَهُمْ بِمَا أَنْزَلْنَا اللَّهُ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَهُمْ عَمَّا جَاءَكَ مِنَ الْحَقِّ لِكُلِّ جَعَلْنَا مِنْكُمْ شِرْعَةً وَمَنْهَاجًا وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ لَجَعَلَكُمْ أُمَّةً وَاحِدَةً وَلَكِنْ لِيَبْلُوَكُمْ فِي مَا آتَاكُمْ فَاسْتَبِقُوا الْخَيْرَاتِ إِلَى اللَّهِ مَرْجِعُكُمْ جَمِيعًا فَمِيبْتَكُم بِمَا كُنتُمْ فِيهِ تَخْتَلِفُونَ﴾

«Сизга эса (эй Муҳаммад), ўзидан олдинги китоб(ларни) тасдиқлагувчи ва у (китоблар) устида гувоҳ бўлган ушбу Китобни ҳақ-рост нозил қилдик. Бас, одамлар ўртасида Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм юритинг ва сизга келган ҳақдан юз ўгириб, уларнинг ҳавойи нафсларига эргашманг! Сизлардан ҳар бир миллат учун (алоҳида) шариат ва йўл қилиб қўйдик. Агар Аллоҳ хоҳласа эди, ҳаммангизни бир миллат қилиб қўйган бўлур эди. Лекин ўзи ато этган нарсаларда сизларни имтиҳон қилиш учун (ҳар бир миллатга алоҳида шариат йўл қилиб қўйди). Бас, яхши амалларга шошилингиз! Барчангиз Аллоҳга қайтишингиз бор. Сўнг у зот сизларга ихтилоф қилгувчи бўлган нарсаларингизнинг хабарини берур» [Моида 48]

Ушбу оят ҳақида Ибн Касир тафсирида бундай келган:

«Олдинги оятларда Аллоҳ Таоло Мусо عليه السلام га нозил қилинган Тавротни зикр қилиб, уни мақтади ва унга амал қилишни буюрди. Чунки у эргашишга лойиқ эди. Ундан кейин эса, Инжилни зикр қилиб, уни ҳам мақтади. Одамларни ўз ҳаётларида уни қоим қилишга ва ундаги аҳкомларга эргашишга буюрди. Худди шунингдек, Аллоҳ Таоло Ўзининг севикли пайғамбарига нозил қилган Қуръони Каримни ҳам зикр қилиб, бундай деди:

﴿وَأَنْتُمْ لَنَا مِنَ الْكِتَابِ بِالْحَقِّ﴾

(Сизга ушбу Китобни ҳақ-рост нозил қилдик). Яъни, шундай бир ҳақ-рост нозил қилдикки, Аллоҳнинг ҳузуридан эканига ҳеч қандай гумон йўқ, демакдир.

﴿مُصَدِّقًا لِمَا بَيْنَ يَدَيْهِ مِنَ الْكِتَابِ﴾

(Ўзидан олдинги китоб(ларни) тасдиқлаб), дегани Қуръон зикр этилиб, мадҳ қилинган ҳамда Аллоҳ томонидан Ўзининг бандаси ва Росули Муҳаммад عليه السلام га нозил қилиниши айтилган аввалги китобларни тасдиқлаб, деганидир. Қуръони Каримнинг нозил бўлиши аввалги китобларда ҳам хабар қилинган экан, бу нарса унинг маъносини англаб, ундаги Аллоҳнинг амрига итоат қилиб, шариатига эргашиб, пайғамбарларини тасдиқлаган инсонларда Қуръоннинг тасдиқини янада орттиради. Аллоҳ Таоло бундай дейди:

﴿إِنَّ الَّذِينَ أُوتُوا الْعِلْمَ مِنْ قَبْلِهِ إِذَا بُشِّرَ عَلَيْهِمْ يُبْرُونَ إِلَّا لَأَذَقَانِ سُجْدًا ﴿١٠٠﴾ وَيَقُولُونَ سُبْحَانَ رَبِّنَا إِنْ

كَانَ وَعْدُ رَبِّنَا لَمَفْعُولًا﴾

«(Қуръон нозил бўлишидан) **илгари илм (Таврот) берилган кишилар (Қуръон) тиловат қилинган вақтида сажда қилган ҳолларида юзлари билан йиқилурлар. Ва улар: «Эй Пок Парвардигор! Албатта Парвардигоримизнинг («Мен сўнги пайғамбаримни юборурман ва унга Қуръон нозил қилурман», деган) ваъдаси адо қилингувчи ваъдадир», дейдилар»** [Исро 107-108]

Яъни, Аллоҳ Таоло бизга Муҳаммад ﷺ ни юборишни илгарги пайғамбарлари тилидан ваъда қилиб, бу

﴿لَمَفْعُولًا﴾

дея шубҳасиз адо қилингувчи ваъдадир, деди. Кейин

﴿وَمُهَيِّمًا عَلَيْهِ﴾

(китоблар устида гувоҳ бўлган), деди. «المهيمن» исмининг бир нечта тафсирлари зикр қилинган ва буларнинг барчаси бир-бирига яқин маъно. Масалан, «المهيمن» шу маъноларнинг ҳаммасини ўз ичига олади, яъни, Қуръон ўзидан аввалги барча китобларнинг амини, гувоҳи ва ҳоқимидир, демакдир. Аллоҳ барча нозил қилинган китобларнинг охириги хотами бўлмиш ушбу буюк Китобни уларнинг ҳаммасини ўзи ичига олган, ҳаммасидан энг буюк ва энг ҳикматли Китоб қилди. Унда ўзидан олдинги китоблардаги барча гўзалликларни жамлади ва бошқаларида топилмас калималарни зиёдаси билан баён қилди. Қуръоннинг гувоҳ, амин ва ҳоқимлигининг мазмуни мана шу. Аллоҳ Таоло Қуръонни сақлаб, ҳимоя қилишни Ўз зиммасига олди ва бундай деди:

﴿إِنَّا نَحْنُ نَزَّلْنَا الذِّكْرَ وَإِنَّا لَهُ لَحَافِظُونَ﴾

«Албатта бу эслатмани (яъни Қуръонни) Биз Ўзимиз нозил қилдик ва шубҳасиз, Ўзимиз уни сақлагувчимиз» [Ҳижр 9]

﴿فَأَحْكُمَ بَيْنَهُمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ﴾

(Бас, одамлар ўртасида Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм юритинг). Яъни Эй Муҳаммад сиз арабу ажам, омий ва китобий инсонлар ўртасида Аллоҳ сизга ушбу буюк Китобда нозил қилган нарсалар билан ҳамда сиздан олдинги анбиёлар сизга рози бўлиб қолдирган ва насх қилинмаган нарсалар билан ҳукм юритинг, демакдир. Ибн Журайр шундай маъно берган.

Ибн Абу Ҳотим Ибн Аббосдан ривоят қилади: Набий ﷺ га ихтиёр берилган эди. Истаса улар ўртасида ҳукм қиларди,

истамаса улардан юз ўгириб, уларни ўзларининг аҳкомлари билан ҳукм юритишларига қўйиб берар эдилар. Ана шунда ушбу

﴿فَأَحْكُم بَيْنَهُم بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ﴾

(Бас, одамлар ўртасида Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм юритинг), ояти нозил бўлди ва Росулulloҳ ﷺ улар ўртасида Ўзимизнинг Китоб бўйича ҳукм қиламиз, дея буюрдилар.

﴿وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَهُمْ﴾

(Уларнинг ҳавойи нафсларига эргашманг) дегани, уларнинг Аллоҳ Таоло Ўз пайғамбарига нозил қилган аҳкомларни ташлашларига сабабчи бўлган тушунчаларига эргашиб кетманг, деганидир. Шу боис,

﴿وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَهُمْ عَمَّا جَاءَكَ مِنَ الْحَقِّ﴾

(Сизга келган ҳақдан юз ўгириб, уларнинг ҳавойи нафсларига эргашманг), деди. Яъни Аллоҳ сизга буюрган ҳақдан бурилиб, анави динсиз бадбахтларнинг нафс-ҳавосига эргашманг, деганидир. Аллоҳ Таолонинг

﴿لِكَلِّ جَعَلْنَا مِنْكُمْ شِرْعَةً وَمِنْهَا جَا﴾

(Сизлардан ҳар бир миллат учун (алоҳида) шариат ва йўл қилиб қўйдик), дегани эса, *شِرْعَةً* сўзини «шариат», деб тафсир қилинади, *وَمِنْهَا جَا* сўзини «очиқ енгил йўл», деб тафсир қилинади. Бу ерда турли диндаги умматлар ҳақида хабар қилинмоқда, шу эътибордаки, Аллоҳ тавҳидда битта иттифоқда бўлган ўзининг муҳтарам пайғамбарларига турли шариатларни юборди. Бунини Бухорий саҳиҳида Абу Ҳурайрадан ривоят қилинган Росулulloҳ ﷺнинг ушбу сўзлари исботлайди:

﴿نَحْنُ مُعَاشِرَ الْأَنْبِيَاءِ إِخْوَةٌ لِعَالَمَاتٍ، دِينُنَا وَاحِدٌ﴾

«Биз пайғамбарлар (шариати) турли хил, ammo дини бир бўлган биродарлармиз». Ҳадисдаги «**дини бир**», деган сўзнинг маъноси, Аллоҳ томонидан барча пайғамбарларга ваҳий қилинган ва китобларда нозил қилинган тавҳид бир хил эканини билдиради. Бу ҳақда Аллоҳ Таоло бундай деган:

﴿وَمَا أَرْسَلْنَا مِنْ قَبْلِكَ مِنْ رَسُولٍ إِلَّا نُوحِي إِلَيْهِ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنَا فَاعْبُدُونِي﴾

«(Эй Муҳаммад), Биз сиздан илгари юборган ҳар бир пайғамбарга ҳам: «Ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар Менгина борман, бас Менгагина ибодат қилинглар», деб ваҳий юборгандирмиз»

[Анбиё 25]

Яна бундай деган:

﴿وَلَقَدْ بَعَثْنَا فِي كُلِّ أُمَّةٍ رَسُولًا أَنْ أُعْبُدُوا اللَّهَ وَاجْتَنِبُوا الطَّاغُوتَ﴾

«Аниқки, Биз ҳар бир умматга: «Аллоҳга ибодат қилинглр ва шайтондан йироқ бўлинглр», (деган ваҳий билан) бир пайғамбар юборганмиз» [Наҳл 36]

Шариатларга келсак, буйруқ ва қайтариқларда ҳар хил бўлади. Бир шариатда бир нарса ҳаром бўлса, бошқа шариатда ҳалол бўлади. Аксинча, бирида қаттиқ бўлса, бошқасида енгил бўлади. Бунинг сабаби Аллоҳ Таолонинг етук ҳикмати ва кучли ҳужжатига бориб тақалади. Қатода Аллоҳ Таолонинг

﴿لِكُلِّ جَعَلْنَا مِنْكُمْ شِرْعَةً وَمِنْهَا جَا﴾

(Сизлардан ҳар бир миллат учун (алоҳида) шариат ва йўл қилиб қўйдик), деган каломи ҳақида бундай дегани ривоят қилинади: Тавротда ҳам, Инжилда ҳам, Қуръонда ҳам ўзига хос алоҳида шариат бор. Аллоҳ Таоло бу китобларда ўзига кимлар итоат қилишини ва кимлар итоатсизлик қилишини аниқлаш учун хоҳлаган нарсасини ҳалол, хоҳлаган нарсасини ҳаром қилди. Дарҳақиқат, Аллоҳ Таоло қабул қиладиган дин – пайғамбарлар олиб келган тавҳид ва холисликдир. Булар барча умматларга қаратилган хитоб ва Аллоҳнинг буюк қудрати ҳақида хабаридирки, агар истаса барчасини битта дин ва битта шариат қилган бўларди ҳамда улардан ҳеч бирини насх қилмас эди. Лекин Аллоҳ Таоло ҳар бир пайғамбарнинг алоҳида шариати бўлишини истади, сўнг яна бир рисола олиб келиш билан уларнинг барчасини ёки баъзиларини насх қилди. Ва ниҳоят, ўзинг бандаси ва Росули Муҳаммад ﷺни бутун ер юзи аҳолисига Пайғамбар қилиб юборди. Ул зотни барча анбиёларнинг хотами қилди. Шунинг учун Аллоҳ Таоло

﴿وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ لَجَعَلَكُمْ أُمَّةً وَاحِدَةً وَلَكِنْ لِيَبْلُوَكُمْ فِي مَا آتَاكُمْ﴾

(Агар Аллоҳ хоҳласа эди, ҳаммангизни бир миллат қилиб қўйган бўлур эди. Лекин ўзи ато этган нарсаларда сизларни имтиҳон қилиш учун (ҳар бир миллатга алоҳида шариат йўл қилиб қўйди)), демоқда. Яъни, Аллоҳ Таоло бандаларини синаб кўриш учун ҳар хил шариатларни нозил қилди. Шу орқали бандаларининг итоат қилганларига савоб, итоатсизлик қилганларга жазо беради.

Ибн Касир яна бундай тафсир қилади:

Аллоҳ Таолонинг

﴿فِي مَا آتَاكُمْ﴾

(Ўзи ато этган нарсаларда), деган каломи Китоб-Қуръондан, демакдир. Шундан сўнг Аллоҳ Таоло

﴿فَاسْتَبِقُوا الْحَيْرَاتِ﴾

(Бас, яхши амалларга шошилингиз!), дея одамларни хайрли ишларга шошилишга ва ташаббус кўрсатишга чақирмоқда. Ушбу хайрли ишлар Аллоҳга итоат қилиш ва шариатига амал қилиш, нозил қилган энг сўнгги китоби бўлмиш Қуръонни тасдиқлашдир. Кейин Аллоҳ Таоло

﴿إِلَى اللَّهِ مَرْجِعُكُمْ جَمِيعًا﴾

(Барчангиз Аллоҳга қайтишингиз бор), деди. Бу – эй инсонлар, барчангизнинг борар ерингиз, қиёматдаги тақдирингиз Аллоҳнинг ҳузуридир, демакдир. Аллоҳ Таолонинг

﴿فَيُنَبِّئُكُمْ بِمَا كُنْتُمْ فِيهِ تَخْتَلِفُونَ﴾

(Сўнг у зот сизларга ихтилоф қилгувчи бўлган нарсаларингизнинг хабарини берур), деган каломи – ана шунда сизларга ҳақ устида талашиб тортишганингизни хабар қилиб, ростгўйларни ростгўйлиги учун мукофотлайди, ҳеч қандай далил ва ҳужжатсиз ҳақдан юз ўгириб, ботилни олган кофирларни жазолайди, демакдир. Чунки улар қатъий ҳужжатга, кучли бурҳон ва далилларга нисбатан саркашлик қилишган. □

ХОЛИСЛИК ИБОДАТ РУКНЛАРИДАН БИРИ БЎЛИБ, АЛЛОҲ УСИЗ ҲЕЧ БИР АМАЛНИ ҚАБУЛ ҚИЛМАЙДИ

Холислик – ибодатда ниятни фақат Аллоҳ Азза ва Жалланинг ўзига қилишдир. Бошқача айтганда, банда ўзининг амалларини фақат Аллоҳ Азза ва Жалланинг розилиги учун қилишидир. Баъзи салафлар «Холислик – амалингизда Аллоҳдан ўзганинг шоҳид бўлишини, Ундан бошқадан мукофот олишни истамасликдир», деганлар. Холислик Қуръони Карим ва ҳадиси шарифларда «холислик», «сидқидиллик», «Аллоҳнинг розилигини умид қилиш», «амални имон билан, савоб умидида қилиш», «لا یُشْرِكُونَ بِي شَيْئًا» Улар менга ибодат қилурлар ва менга бирор нарсани шерик қилмаслар», «Фақат Аллоҳ Азза ва Жалла учун яхши кўриш» каби турли сўзлар ва иборалар билан ифода этилган. Бу ва бошқа кўплаб ҳадислар борки, уларда муслмон одам ўз амалларининг ўлчови қилиб олган холисликнинг қанчалар улуғ даражада экани, унга эътибор қаратиб, ҳар бир амални бошлашда холислик бўлишини текшириб турмоғи лозимлиги кўрсатилган. Чунки нафс барча нарсанинг орқасида инсоннинг ўзи турганини кўрсатиб, уни мағрурлик ва такаббурликка ундайди. Шунинг учун муслмон киши холисликни кузатиб бориши, уни ҳар бир амалда сақлаб қолишга ҳаракат қилиши, бу билан холисликни ўзининг хусусияти ва табиатига айлантиришга интилиши лозим.

– Росулуллоҳ ﷺ бундай марҳамат қилганлар:

«إِنَّكَ لَنْ تُنْفِقَ نَفَقَةً تَبْتَغِي بِهَا وَجْهَ اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ إِلَّا أُجِرْتَ بِهَا حَتَّىٰ مَا تَجْعَلَ فِي فَمِ
 أَمْرَاتِكَ»

«Сиз ҳар бир қилган сарф-харажатиңизда, ҳатто аёлингиз оғзига таом солганиңизда ҳам Аллоҳнинг розилигини умид қилсаниз, бунинг учун албатта ажр оласиз». (Имом Бухорий ривояти).

– Абу Кабша Амр ибн Саъд Анморий Росулulloҳ ﷺнинг бундай деганларни ривоят қилади:

«إِنَّمَا الدُّنْيَا لِأَرْبَعَةٍ نَفَرٍ عَبْدِ رَزَقَهُ اللهُ مَالًا وَعِلْمًا، فَهُوَ يَتَّقِي اللهَ وَيَصِلُ فِيهِ رَحْمَهُ وَيَعْلَمُ اللهُ فِيهِ حَقًّا، فَهَذَا بِأَفْضَلِ الْمَنَازِلِ، وَعَبْدِ رَزَقَهُ اللهُ عِلْمًا وَمَ يَرْزُقُهُ مَالًا، فَهُوَ صَادِقُ النَّيَّةِ يَقُولُ: لَوْ أَنَّ لِي مَالًا لَعَمِلْتُ بِعَمَلِ فَلَانٍ، فَهُوَ نَيْتُهُ فَأَجْرُهُمَا سَوَاءٌ، وَعَبْدِ رَزَقَهُ اللهُ مَالًا وَمَ يَرْزُقُهُ عِلْمًا، فَهُوَ يَحْبُطُ فِي مَالِهِ بِغَيْرِ عِلْمٍ، لَا يَتَّقِي فِيهِ رَبَّهُ وَلَا يَصِلُ فِيهِ رَحْمَهُ وَلَا يَعْلَمُ اللهُ فِيهِ حَقًّا، فَهَذَا بِأَخْبَثِ الْمَنَازِلِ، وَعَبْدِ لَمْ يَرْزُقَهُ اللهُ مَالًا وَلَا عِلْمًا، فَهُوَ يَقُولُ: لَوْ أَنَّ لِي مَالًا لَعَمِلْتُ فِيهِ بِعَمَلِ فَلَانٍ، فَهُوَ نَيْتُهُ فَوَزْرُهُمَا سَوَاءٌ»

«Дунёда тўрт турли банда бўлади: Биринчиси, Аллоҳ томонидан мол ва илм берилган киши. У Аллоҳга тақво қилиб, силаи раҳм йўлида молидан сарфлайди, молида Аллоҳнинг ҳаққи борлигини билади. Мана шу энг яхши даражадир. Иккинчиси, Аллоҳ илм билан ризлантирган, аммо мол билан ризқлантирмаган кишидир. У нияти тўғри киши бўлиб, менда ҳам мол бўлганда албатта фалончи каби иш қилган бўлардим, дейди. У шу нияти учун (ўша амални қилган киши билан) бир хилда ажр олади. Учинчиси, Аллоҳ мол билан ризқлантирган, аммо илм билан ризқлантирмаган киши. У молини илмсизлик билан совуриб, бу борада Роббисидан тақво қилмайди, силаи раҳм йўлида молидан сарфламайди, молида Аллоҳнинг ҳаққи борлигини билмайди. Бу – энг ёмон даражадир. Тўртинчиси, Аллоҳ мол билан ҳам, илм билан ҳам ризқлантирмаган бўлади ва у менда ҳам мол бўлганида албатта фалончи каби (яъни ҳаром ишни қилган одам каби) иш қилган бўлардим, дейди. Шу нияти учун (ўша гуноҳни қилган киши билан), бир хилда гуноҳ олади». (Термизий ривояти).

– Умар ибн Хоттоб ривоят қилади: Мен Росулulloҳ ﷺнинг бундай деганларини эшитгандим:

«إِنَّمَا الْأَعْمَالُ بِالنِّيَّاتِ وَإِنَّمَا لِكُلِّ امْرِئٍ مَا نَوَى فَمَنْ كَانَتْ هِجْرَتُهُ إِلَى اللَّهِ وَرَسُولِهِ فَهَجْرَتُهُ إِلَى اللَّهِ وَرَسُولِهِ وَمَنْ كَانَتْ هِجْرَتُهُ إِلَى دُنْيَا يُصِيبُهَا أَوْ امْرَأَةٍ يَنْكِحُهَا فَهِيَ هِجْرَتُهُ إِلَى مَا هَاجَرَ إِلَيْهِ»

«Албатта амаллар ниятга боғлиқдир. Ҳар бир кишига ният қилган нарсаси бўлади. Бас, кимнинг ҳижрати Аллоҳ ва Росули учун бўлса, унинг ҳижрати Аллоҳ ва Росулига бўлади (яъни ажр олади). Кимнинг ҳижрати дунё орттириш ёки бирор аёлни никоҳлаб олиш учун бўлса. Бас, унинг ҳижрати нима учун қилган бўлса, ўшанга бўлади». (Бухорий ва Муслим ривояти).

– Росулulloҳ ﷺ бундай марҳамат қилганлар:

«مَنْ تَعَلَّمَ عِلْمًا مِمَّا يُتَنَفَى بِهِ وَجْهُ اللَّهِ لَا يَتَعَلَّمُهُ إِلَّا لِيُصِيبَ بِهِ عَرَضًا مِنَ الدُّنْيَا لَمْ يَجِدْ عَرَفَ الْجَنَّةِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ»

«Ким Аллоҳни рози қилиш ниятида ўрганиладиган илмни дунё матосига эришиш ниятида ўрганса, қиёмат куни жаннатнинг бўйини ҳам ҳидламайди». (Абу Довуд ривояти).

– «Шом аҳлидан бўлган бир киши келиб, «ё Росулulloҳ, бир киши дунё матосига эришиш ниятида Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилса (нима бўлади?) – деб сўради. Росулulloҳ «Унинг учун ажр йўқ», дедилар. Буни эшитган одамлар хавотирга тушиб, у кишига Росулulloҳнинг олдиларига бориб, қайта сўранг, тушунмаган кўринасиз, дейишди. Росулulloҳ ﷺ иккинчи марта ҳам «Унинг учун ажр йўқ», деб, бундай таъкидладилар:

«قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: أَنَا أَعْنَى الشُّرَكَاءِ عَنِ الشِّرْكِ، مَنْ عَمِلَ عَمَلًا أَشْرَكَ فِيهِ مَعِيَ تَرَكْتُهُ وَشِرْكَهُ»

«Аллоҳ Таоло бундай деди: Мен ширк келтирувчилар ширкидан беҳожатман. Ким бир амални қилиб, шу амалига мендан ўзгани шерик

қилган бўлса, уни ҳам, бу ширкини ҳам тарк этаман». (Муслим ривояти).

– «Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос Росулulloҳ ﷺнинг бундай деганларини ривоят қилади:

«يُصَاحِبُ بِرَجُلٍ مِنْ أُمَّتِي يَوْمَ الْقِيَامَةِ عَلَى رُؤُوسِ الْخَلَائِقِ، فَيُنْشَرُ لَهُ تِسْعَةٌ وَسَعُونَ سَجْدًا، كُلُّ سَجْدٍ مَدَّ الْبَصَرِ، ثُمَّ يَقُولُ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ: هَلْ تُنْكِرُ مِنْ هَذَا شَيْئًا؟ فَيَقُولُ:

لَا، يَا رَبِّ، فَيَقُولُ: أَظَلَمْتُكَ كَتَبْتِي الْحَافِطُونَ؟ ثُمَّ يَقُولُ: أَلَيْكَ عَنْ ذَلِكَ حَسَنَةٌ؟ فَيَهَابُ الرَّجُلُ، فَيَقُولُ: لَا، فَيَقُولُ: بَلَى، إِنَّ لَكَ عِنْدَنَا حَسَنَاتٍ، وَإِنَّهُ لَا تَظْلَمُ عَلَيْكَ الْيَوْمَ،

فَتَخْرُجُ لَهُ بِطَاقَةٌ فِيهَا: أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، وَأَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ، قَالَ: فَيَقُولُ:

يَا رَبِّ مَا هَذِهِ الْبِطَاقَةُ، مَعَ هَذِهِ السَّجَدَاتِ؟ فَيَقُولُ: إِنَّكَ لَا تَظْلَمُ، فَتَوْضَعُ السَّجَدَاتُ فِي كِفَّةٍ، وَالْبِطَاقَةُ فِي كِفَّةٍ، فَطَاشَتِ السَّجَدَاتُ، وَثَقَلَتِ الْبِطَاقَةُ»

«Қиёмат куни барча одамлар орасидан Умматимдан бўлган бир киши чақирилиб, унга тўқсон тўққизта ёзув-дафтар кўрсатилади, ҳар бир ёзув кўз билан кўрса бўладиган даражада аниқ бўлади. Кейин Аллоҳ Таоло кишидан – бу ёзувдан бирортасини инкор этасанми? – деб сўрайди. У – йўқ, эй Парвардигорим, деб жавоб қилади. Аллоҳ Таоло Менинг ҳофиз-малоикаларим улардан бирортасида сенга адолатсизлик қилдиларми? – деб сўрайди. Сўнг сенда буларга каффорат бўладиган бирорта солиҳ амал борми? – деб ҳам сўрайди. У – йўқ, эй Парвардигорим, деб жавоб қилади. Шунда Аллоҳ – янглишасан, ҳузуримизда сенинг солиҳ амалларинг бор, зеро, бугун сенга адолатсизлик қилинмас, дейди. Сўнг унга ашҳаду ан ла илаҳа иллаллоҳ ва анна Муҳаммадан абдуҳу ва Росулуху, деб ёзилган бир ҳужжат кўрсатилади. Киши, эй Парвардигор, анави ёзувларни олдида бу ҳужжат нима ҳам бўлади? – дея сўрайди. Аллоҳ – сенга адолатсизлик қилинмайди, дейди. Сўнг тарозининг бир палласига ёзувларни, иккинчи палласига ҳужжатни қўяди. Ана шунда улкан ёзувлар тарозида энгил, ҳужжат эса

оғир келади». (Термизий, Насоий, ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилган, Албоний саҳиҳ деган).

– Умар ибн Хаттобнинг ўғли Абдуллоҳ ривоят қилиб, мен Росулulloҳ ﷺнинг бундай деганларини эшитганман, дейди:

«انطلقَ ثَلَاثَةَ نَفَرٍ مِّنْ كَانَ قَبْلَكُمْ حَتَّى آوَاهُمُ الْمَيْتُ إِلَى عَارٍ فَدَخَلُوهُ، فَاتَّخَذَتْ صَخْرَةً مِنَ الْجَبَلِ فَسَدَّتْ عَلَيْهِمُ الْعَارَ، فَقَالُوا: إِنَّهُ لَا يُنَجِّيكُمْ مِنْ هَذِهِ الصَّخْرَةِ إِلَّا أَنْ تَدْعُوا اللَّهَ تَعَالَى بِصَالِحِ أَعْمَالِكُمْ. قَالَ رَجُلٌ مِنْهُمْ: اللَّهُمَّ كَانَ لِي أَبُوَانِ شَيْخَانِ كَبِيرَانِ، وَكُنْتُ لَا أَغْبِقُ قَبْلَهُمَا أَهْلًا وَلَا مَالًا، فَنَأَى بِي طَلَبُ الشَّجَرِ يَوْمًا فَلَمْ أَرْحُ عَلَيْهِمَا حَتَّى نَامَا فَحَلَبْتُ لَهُمَا غُبُوقَهُمَا فَوَجَدْتُهُمَا نَائِمَيْنِ، فَكْرِهْتُ أَنْ أَوْقِظَهُمَا وَأَنْ أَغْبِقُ قَبْلَهُمَا أَهْلًا أَوْ مَالًا، فَلَبِثْتُ وَالْفَدْحُ عَلَى يَدِي أَنْتَظِرُ اسْتِيقَاطَهُمَا حَتَّى بَرَقَ الْفَجْرُ وَالصَّبِيَةُ يَتَضَاغُونَ عِنْدَ قَدَمِي فَاسْتَيْقَظَا فَشَرِبَا غُبُوقَهُمَا. اللَّهُمَّ إِنْ كُنْتُ فَعَلْتُ ذَلِكَ ابْتِغَاءَ وَجْهِكَ فَفَرِّجْ عَنَّا مَا نَحْنُ فِيهِ مِنْ هَذِهِ الصَّخْرَةِ، فَانْفَرَجَتْ شَيْئًا لَا يَسْتَطِيعُونَ الْخُرُوجَ مِنْهُ. قَالَ الْآخَرُ: اللَّهُمَّ إِنَّهُ كَانَتْ لِي ابْنَةٌ عَمِّ كَانَتْ أَحَبَّ النَّاسِ إِلَيَّ» وفي رواية: «كُنْتُ أَحِبُّهَا كَأَشَدِّ مَا يُحِبُّ الرِّجَالُ النِّسَاءَ، فَأَرَدْتُهَا عَلَى نَفْسِهَا فَامْتَنَعَتْ مِنِّي حَتَّى أَلَمْتُ بِهَا سَنَةً مِنَ السِّنِينَ فَجَاءَتْني فَأَعْطَيْتُهَا عِشْرِينَ وَمِائَةَ دِينَارٍ عَلَى أَنْ تُحَلِّيَ بِنِي وَبَيْنَ نَفْسِهَا ففَعَلَتْ، حَتَّى إِذَا قَدَرْتُ عَلَيْهَا» وفي رواية: «فَلَمَّا قَعَدْتُ بَيْنَ رَجُلَيْهَا، قَالَتْ: اتَّقِ اللَّهَ وَلَا تَفْضُ الْحَاتِمَ إِلَّا بِحَقِّهِ، فَانصَرَفْتُ عَنْهَا وَهِيَ أَحَبُّ النَّاسِ إِلَيَّ وَتَرَكْتُ الدَّهَبَ الَّذِي أَعْطَيْتُهَا، اللَّهُمَّ إِنْ كُنْتُ فَعَلْتُ ذَلِكَ ابْتِغَاءَ وَجْهِكَ فَافْرِجْ عَنَّا مَا نَحْنُ فِيهِ، فَانْفَرَجَتْ الصَّخْرَةُ غَيْرَ أَنَّهُمْ لَا يَسْتَطِيعُونَ الْخُرُوجَ مِنْهَا. وَقَالَ الثَّالِثُ: اللَّهُمَّ إِنِّي اسْتَأْجَرْتُ أَجْرَاءَ وَأَعْطَيْتُهُمْ أَجْرَهُمْ غَيْرَ رَجُلٍ وَاحِدٍ تَرَكَ الَّذِي لَهُ وَذَهَبَ فَتَمَرَّتْ أَجْرُهُ حَتَّى كَثُرَتْ مِنْهُ الْأَمْوَالُ، فَجَاءَني بَعْدَ حِينٍ فَقَالَ: يَا عَبْدَ اللَّهِ، أَدِّ إِلَيَّ أَجْرِي، فَقُلْتُ: كُلُّ مَا تَرَى مِنْ أَجْرِكَ: مِنَ الْإِبِلِ وَالْبَقَرِ وَالْغَنَمِ وَالرَّقِيقِ فَقَالَ: يَا عَبْدَ اللَّهِ لَا تَسْتَهْزِئْ بِي، فَقُلْتُ: لَا

أَسْتَهْزِي بِكَ، فَأَخَذَهُ كُلَّهُ فَاسْتَأْفَقَهُ فَلَمْ يَتْرُكْ مِنْهُ شَيْئًا. اللَّهُمَّ إِنْ كُنْتُ فَعَلْتُ ذَلِكَ
ابْتِغَاءً وَجْهَكَ فَافْرُجْ عَنَّا مَا نَحْنُ فِيهِ، فَأَنْفِرْجَتِ الصَّخْرَةُ فَخَرَجُوا يَمْشُونَ»

«Сизлардан олдингилардан уч нафар киши йўлга чиқиб, тунаш учун бир ғорга кирадилар. Ғорга киришлари баланоқ тоғдан катта бир харсанг қулаб, ғор оғзини ёпиб қўйди. Шунда улар – то солиҳ амалларингизни айтиш билан Аллоҳга дуо қилмагунингизча бу ердан нажот тополмайсизлар, дейишди. Улардан бири деди: Аллоҳим, менинг улуғ ёшдаги ота-онам бор эди. Мен кечқурунги сутни то ота-онамга ичирмагунимча болаларимга ичирмас ва сутни сотмас эдим. Бир куни ўтин қидириб узоқ вақт қолиб кетдим ва ота-онам ухлаб қолганда келдим. Сутни соғиб келиб, уларни ухлаб қолган ҳолларида топдим. Ота-онамни уйғотгим келмади ҳамда улардан олдин аҳл-фарзандларимга сут ичиришни ҳам, сутни сотишни ҳам истамадим. Қўлимда қадаҳ билан уларнинг тепасида уйғонгунларига қадар кутиб турдим, ниҳоят тонг отди ва оёқларим остида болаларим сут сўраб, йиғлаб келишди. Ота-онам уйғондилар ва сутларини ичдилар. Аллоҳим, агар шу амалим Сенинг розилигинг учун қилган бўлсам, бизни қутқариб бу харсанг орасидан ёруғликка чиқар. Шунда харсангдан бир қисми ёрилди, аммо у ердан чиқиша олмади. Иккинчи киши деди: Аллоҳим, амакимнинг қизи бор эди ва «у мен учун ҳамма инсонлардан севиқли эди». Яна бир ривоятда бундай дейилади: «Мен уни эркақлар аёлларни севганидан ҳам қаттиқ севар эдим. Унга уйланишни хоҳлаганимда, у рози бўлмади... Орадан йиллар ўтиб, (очарчилик йилида) қиз қийналганидан, (ёрдам сўраб) олдимга келди. Унга мен билан бирга бўлиш шарти билан бир юз йигирма динор бергандим, у рози бўлди. Мен унинг устига чиққанимда...». Яна бир ривоятда бундай келган: «Мен қизнинг оёқлари ўртасига ўтирган эдим, у – Аллоҳдан кўрқ, қизлигимни наҳақ (яъни зино билан) олма, деди. Бу

гапдан сўнг, қиз мен учун ҳамма инсонлардан ҳам севикли бўлишига қарамай, туриб кетдим ва қизга берган олтинларимни олмадим. Аллоҳим, агар шу амални Сенинг розилигинг учун қилган бўлсам, бизни қутқариб бу харсанг орасидан ёруғликка чиқар. Шунда харсангдан бир қисми ёрилди, аммо у ердан чиқиша олмади. Учинчи киши деди: Аллоҳим, мен ишчилар ёлладим ва уларга ҳақларини бердим. Бироқ улардан бири ҳаққини олгунча кетиб қолиб, ололмади. Мен унинг пулларини айлантириб, кўпайтирдим. Маълум вақт ўтиб, у ҳузуримга келди ва менга – эй Аллоҳнинг бандаси, ҳаққимни бер, деди. Мен унга – мана шу кўриб турганларинг сенинг ҳаққинг бўлади: туялар, сигирлар, қўйлар ва қўлларнинг барчаси, дедим. Киши – эй Аллоҳнинг бандаси, мени масхара қилма, деди. Масхара қилаёганим йўқ, дедим. Шунда ҳамма молини олиб хайдаб кетди, ҳеч нарса қолмади. Аллоҳим, агар шу амални Сенинг розилигинг учун қилган бўлсам, бизни қутқариб бу харсанг орасидан ёруғликка чиқар. Шунда харсанг тўла ёрилди ва ҳаммалари у ердан юриб чиқдилар». (Муттафақун алайҳи).

– Усмон ибн Аффондан Росулulloҳ ﷺнинг бундай деганлари ривоят қилинади:

«مَنْ بَنَى مَسْجِدًا يَبْتَغِي بِهِ وَجْهَ اللَّهِ، بَنَى اللَّهُ لَهُ مِثْلَهُ فِي الْجَنَّةِ»

«Ким Аллоҳнинг розилигини истаб масжид қурса, Аллоҳ унга жаннатда худди ўшандек маскан бино этади». (Муттафақун алайҳи).

– Абу Мусо Ашъарий رضي الله عنهдан ривоят қилинишича, бир киши Набий ﷺнинг олдларига келиб, «бир киши қабиласини ҳимоя қилиш учун, яна бири киши қаҳрамон бўлиш учун, яна бир киши риё (одамлар кўриши учун) жанг қилади, буларнинг қай бири Аллоҳ йўлида қилинган жангдир? – деб сўради. Шунда ул зот дедилар:

«مَنْ قَاتَلَ لِتَكُونَ كَلِمَةَ اللَّهِ هِيَ الْعُلْيَا، فَهُوَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ»

«Ким Аллоҳнинг калимаси олий бўлсин учун жанг қилса, мана шу Аллоҳнинг йўлида жангдир».

(Муттафақун алайҳи).

– Анас ибн Молик رضي الله عنه Росулulloҳ ﷺнинг бундай деганларини ривоят қилади:

«تَكْفَلُ اللَّهُ لِمَنْ جَاهَدَ فِي سَبِيلِهِ، لَا يُخْرِجُهُ إِلَّا الْجِهَادَ فِي سَبِيلِهِ، وَتَصَدِيقَ كَلِمَاتِهِ، بَأَنْ يُدْخِلَهُ الْجَنَّةَ، أَوْ يُرْجِعَهُ إِلَى مَسْكِنِهِ الَّذِي خَرَجَ مِنْهُ، مَعَ مَا نَالَ مِنْ أَجْرٍ أَوْ غَنِيمَةٍ»

«Кимда ким фақат Аллоҳнинг йўлидаги жиҳод учун чиқиб, У зотнинг калималарига ишонган ҳолда жиҳод қилса, Аллоҳнинг Ўзи унга кафилдир. Ё уни (шаҳид бўлиш билан) жаннатга киритади ёки ажр ёки ўлжа билан уйига қайтаради». (Муттафақун алайҳи).

– Анас ибн Молик رضي الله عنه Росулulloҳ ﷺнинг бундай деганларини ривоят қилади:

«مَنْ طَلَبَ الشَّهَادَةَ صَادِقًا أُعْطِيَهَا، وَلَوْ لَمْ تُصِبْهُ»

«Кимда ким сидқидилдан шаҳидликни сўраса, бироқ (жиҳодда шаҳидликка) етишмаса ҳам (ўз тўшагида ўлим топса ҳам) албатта шаҳидлик(нинг савоби) берилади». (Муслим ривояти).

– Абу Ҳурайра رضي الله عنهдан Росулulloҳ ﷺнинг бундай деганлари ривоят қилинган:

«قَالَ اللَّهُ تَبَارَكَ وَتَعَالَى: أَنَا أَعْنَى الشُّرَكَاءِ عَنِ الشِّرْكِ، مَنْ عَمِلَ عَمَلًا أَشْرَكَ فِيهِ مَعِيَ غَيْرِي، تَرَكْتَهُ وَشِرْكَهُ»

«Аллоҳ Таборака ва Таоло бундай деди: Мен ширк келтирувчиларнинг ширкидан беҳожатман. Ким менга бошқани шерик қилса, унинг ўзини ҳам, ширкини ҳам тарк этаман». (Муслим ривояти). □

БИРИНЧИ РОШИД ХАЛИФА АБУ БАКР СИДДИҚ ﷺ-НИНГ ФАЗИЛАТЛАРИДАН

– Аллоҳ Таоло Моида сурасида бундай дейди:

﴿ثَانِي آتَيْنِ إِذْ هُمَا فِي الْغَارِ إِذْ يَقُولُ لِصَاحِبِهِ لَا تَحْزَنْ إِنَّ اللَّهَ مَعَنَا﴾

«(Куфр келтирганлар) уни икки кишининг бири бўлган ҳолида (чиқарганларида Аллоҳ унга нусрат берди). Ўшанда икковлон ғорда бўлган пайтларида ҳамроҳига: «Ғамгин бўлма, шубҳасиз, Аллоҳ биз билан биргадир», деди»

[Тавба 40]

Сухайлий айтади: Аллоҳ Таоло бу ерда хафа бўлма демади, балки ғамгин бўлма деди. Чунки Абу Бакрнинг Росулulloҳ ﷺ га қайғуси уни ўз жонидан хавфсирашидан чалғитган эди... Росулulloҳ ﷺ ғорга киришни хоҳлаган пайт Абу Бакр ғорда у кишига бирор нарса зарар бермасин деб олдинроқ у ерга кирди... Мадинага кетаётганда эса, бир соат у кишининг олдида ва бир соат ортида юрди. Росулulloҳ ﷺ буни билгач: «**Эй Абу Бакр нима учун бир соат олдимда ва бир соат ортимда юряпсиз**», дедилар. Шунда Абу Бакр: Эй Аллоҳнинг Росули орқадан келишларини эслаганимда ортингизда ва пистирма қўйишларини эслаганимда олдингизда юряпман деди. Росулulloҳ ﷺ эса: «**Эй Абу Бакр, мендан кўра кўпроқ ўзингиз учун бўлишини хоҳлайдиган нарсангиз борми?**» дедилар. Шунда Абу Бакр: Ҳа сизни ҳақ билан юборган зотга қасамки, ҳар қандай бало офатни сиздан кўра ўзимга бўлишини хоҳлайман деди. Улар ғорга яқинлашгач, Абу Бакр: Эй Аллоҳнинг Росули сиз шу жойда тура турунг мен ғорни тозалаб чиқай деди ва ғорга кириб уни тозалади. Сўнг: Эй Аллоҳнинг Росули кириг деган эди, у киши кирдилар. Умар رضي الله عنه бу ҳақда шундай деган эди: Жоним қўлида бўлган зотга қасамки, ўша кеча – Умарнинг оиласи қилган барча яхшиликлардан ҳам яхшидир.

– Бухорий Абу Дардодан ривоят қилади: Росулulloҳ ﷺ ҳузурда ўтирган эдим, бир пайт Абу Бакр кўйлагини бир тарафини кўтариб кириб келди, ҳатто у кишининг тиззаси кўриниб турар эди. Шунда Росулulloҳ ﷺ: «**Биродарингиз ким биландир хусуматлашиб қолибдим**», дедилар. Абу Бакр эса: Хаттобнинг ўғли билан тортишиб қолдик, мен унга ғабландим, сўнг бу ишдан пушаймон бўлиб, мени кечиршини сўрадим. Лекин у кўнмади, кейин сизнинг олдингизга келдим, деди. Шунда Росулulloҳ ﷺ: Эй Абу Бакр, Аллоҳ сизни кечирсин,

деб уч марта айтди. Сўнг Умар ҳам қилган ишидан пушаймон бўлиб, Абу Бакрнинг уйига келди ва уйдагилардан Абу Бакр шу ердами деб сўраган эди, улар: йўқ, деб жавоб беришди. Сўнг Росулulloҳ ﷺ олдиларига келган эди, у кишининг юзида ғазаб аломатларини кўрди. Шунда Абу Бакр Умарга бир нарса етиб қолишидан кўрқиб, тиз чўкканча ўтирди ва Эй Аллоҳнинг Росули мен бу борада Умардан кўра золироқман, деб икки марта айтди. Шунда Росулulloҳ ﷺ: **«Аллоҳ мени сизларга юборганда, сизлар ёлғончига чиқардингиз. Лекин Абу Бакр мени тасдиқлаб, моли ва жони билан менга ёрдам берди. Шундай экан, мен билан дўстимни ўз ҳолимизга қўясизларми?»**, деб икки марта айтдилар. Абу Бакр шундан кейин бирор марта ҳам озор кўрмади.

– Росулulloҳ ﷺ айтдилар:

«اَفْتَدُوا بِاللَّذِينَ مِنْ بَعْدِي أَبِي بَكْرٍ وَعُمَرَ»

«Мендан кейин икки киши: Абу Бакр ва Умарга эргашинглар». Имом Аҳмад, Термизий ва Ибн Можжалар ривоят қилишган ва бу саҳиҳ ҳадисдир.

– Бухорий Ибн Умардан ривоят қилади: Пайғамбаримиз ﷺ замонида (у кишидан сўнг) одамлар орасида ким афзалроқ бўлиши тўғрисида баҳс қилар ва биринчи Абу Бакр, кейин Умар ибн Хаттоб, кейин Усмон ибн Аффон, деб айтар эдик.

– Икки саҳиҳ тўпламда Оиша онамиз шундай ривоят қилади: «Росулulloҳ ﷺ бетоб бўлиб қолгач, Билол намозга азон айтди. Шунда Росулulloҳ ﷺ: **«Абу Бакрга айтинглар намозни ўқиб берсин»**, дедилар. Шунда мен Абу Бакр ўта юмшоқ одам, агар ўрнингизга имом бўлса, йиғлаб, намоз ўқий олмайди дедим. Росулulloҳ ﷺ яна: **«Абу Бакрга айтинг намозни ўқиб берсин»**, дедилар. Мен яна ўша гапимни қайтардим. Росулulloҳ ﷺ учинчи ёки тўртинчи мартасида: **«Албатта сизлар Юсуфнинг биродарларига ўхшайсизлар. Абу Бакрга айтинглар намозни ўқиб берсин»**, дедилар. Шунда, Абу Бакр имом бўлиб намоз ўқиди». Шунинг учун Умар (رضي الله عنه): Росулulloҳ ﷺ динимиз учун рози бўлган кишига дунёмиз учун рози бўлмаймизми?! – деган эди.

– Бир аёл Росулulloҳ ﷺ олдиларига келиб у киши билан сўхбатлашди. Сўнг Росулulloҳ ﷺ уни бир ишга буюрди. Шунда у аёл: эй Аллоҳнинг Росули сизни топа олмасамчи? – деган эди, У киши: **«Агар мени топа олмасанг, Абу Бакрни олдига бор»**, дедилар. Бухорий ва Муслим ривояти.

– Али қилган ривоятда Пайғамбаримиз ﷺ айтадилар:

«أَبُو بَكْرٍ، وَعُمَرُ سَيِّدَا كَهْوَلِ أَهْلِ الْجَنَّةِ مِنَ الْأَوَّلِينَ، وَالْآخِرِينَ، إِلَّا النَّبِيِّينَ، وَالْمُرْسَلِينَ»

«Абу Бакр ва Умар набий ва росуллардан бошқа аввалги ва кейингилардан иборат жаннат аҳли куҳулларининг (30дан 50гача бўлган ёшдагиларнинг) саййидларидир». Имом Аҳмад, Термизий ва Ибн Можжа ривояти.

– Ривоят қилишларича, Умар رضي الله عنه бир хутбасида шундай деган эди: «Орангизда Абу Бакрдек кўпчилик байъат қилган киши топилмайди». Бухорий ва Муслим ривояти.

– Ривоят қилинишича, Али رضي الله عنه саҳобаларининг ҳузурида Абу Бакрни эслар экан, у чеккан озорлар ҳақида шундай деди: «Аллоҳ сизни саломат қилсин, Фиръавн оиласидаги мўмин (Мусо عليه السلامни ҳимоя қилиб, «Бир кишини Роббим Аллоҳ дегани учун ўлдирасизларми, деб айтган ва у ҳақда Қуръонда зикр қилинган киши) яхшироқми ёки Абу Бакрми? Шунда қавм жим турган эди, Али رضي الله عنه айтди: «Аллоҳга қасамки, Фиръавн оиласидаги ўша мўминдан кўра Абу Бакрнинг бир соати яхшироқ. Чунки Фиръавн оиласидаги мўмин имонини яширган бўлса, Абу Бакр имонини ошкор қилган эди».

– Баззор ўзининг муснадида Муҳаммад ибн Уқайлдан ривоят қилишича, Али رضي الله عنه бир куни ўз хутбасида шундай деди: «Эй одамлар, инсонлар ичида энг шижоатли киши ким?». Шунда одамлар эй мўминлар амири албатта сиз дейишган эди, Али رضي الله عنه: «Мен ким билан яккама якка олишсам, ғолиб бўлганман, лекин энг шижоатли киши Абу Бакрdir», деди.

– Умар ибн Хаттоб айтади: Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم бизни садақа беришга буюрдилар. Росулulloҳ صلى الله عليه وسلمнинг ушбу гаплари менда инфоқ қилиш учун мол етарли бўлган пайтга тўғри келди. Шунда мен бугун Абу Бакрдан бу борада ўзиб кетаман дедим. Бор бойлигимнинг ярмини олиб келган эдим, Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم: **«Оилангга нима қолдирдинг»**, деди. Мен: уларга худди шунчасини қолдирдим дедим. Шунда у зот Абу Бакр ҳаммасини олиб келибди, ундан эй Абу Бакр оилангга ҳам қолдирдингми десам, уларга Аллоҳ ва Росулини қолдирдим, деб айтди, дедилар. Шунда Умар айтди: Аллоҳга қасамки Абу Бакрдан ҳеч қачон бирор нарсада ўза олмадим. Термизий ривояти. Абу Бакр Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم билан бирга ҳижрат қилганда ҳам барча бойликларини Аллоҳ йўлида сарфлаган эди.

– Амр ибн Ос Росулulloҳ صلى الله عليه وسلمга: сиз учун одамларнинг энг суюқлиси ким? – деган эди. У киши: **«Оиша»**, деб жавоб бердилар. Киши эса, эркак кишилардан ким эди, деб сўрамоқчи эдим, деди. Шунда Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم: **«Унинг отаси»**, деб жавоб бердилар. Муслим ривояти.

– Бухорий ва Муслим Абу Саид Худрийдан ривоят қилишича, Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم одамларга хутба қилиб

«إِنَّ اللَّهَ خَيْرٌ عَبْدًا بَيْنَ الدُّنْيَا وَبَيْنَ مَا عِنْدَهُ، فَأَخْتَارَ مَا عِنْدَ اللَّهِ»

«Албатта Аллоҳ бир бандасига дунё ва Ўз ҳузуридаги нарсдан қайси бирини танлаши ҳақида ихтиёр берди, шунда у Аллоҳнинг ҳузуридаги нарсани танлади», деди. Шунда Абу Бакр йиғлаб юборди. Биз унинг йиғисидан ажабланиб, Росулulloҳ ﷺдан Аллоҳнинг ўша энг яхши бандаси ҳақида айтиб беришини сўрадик. Аллоҳ ихтиёр берган банда Росулulloҳ ﷺнинг ўзи бўлиб, Абу Бакр бу Росулulloҳ ﷺдан ажралишимиз эканини билиб йиғлаган экан. Росулulloҳ ﷺ айтдилар:

«إِنَّ مِنْ أَمَنَ النَّاسِ عَلَيَّ فِي صُحْبَتِهِ وَمَالِهِ أَبَا بَكْرٍ، وَلَوْ كُنْتُ مُتَّخِذًا خَلِيلًا مِنْ أُمَّتِي لَأَتَّخَذْتُ أَبَا بَكْرٍ، إِلَّا خُلَّةَ الْإِسْلَامِ، لَا يَبْتَقِينَ فِي الْمَسْجِدِ خَوْحَةً إِلَّا خَوْحَةُ أَبِي بَكْرٍ»

«Саҳобаларим ичида энг кўп жони ва молини тиккан киши Абу Бакр дир. Агар Умматим орасидан дўст танлаган бўлганимда, албатта Абу Бакрни танлаган бўлар эдим. Лекин Ислom биродарлиги (афзал дир). Масжиддан (менинг ҳузуримга) фақат Абу Бакр(нинг кириши) учун эшикни (очиқ) қолдиришлар».

– Росулulloҳ ﷺ айтадилар:

«مَنْ أَنْفَقَ زَوْجَيْنِ مِنْ شَيْءٍ مِنَ الْأَشْيَاءِ فِي سَبِيلِ اللَّهِ دُعِيَ مِنْ أَبْوَابِ الْجَنَّةِ: يَا عَبْدَ اللَّهِ هَذَا خَيْرٌ. فَمَنْ كَانَ مِنْ أَهْلِ الصَّلَاةِ، دُعِيَ مِنْ بَابِ الصَّلَاةِ، وَمَنْ كَانَ مِنْ أَهْلِ الْجِهَادِ، دُعِيَ مِنْ بَابِ الْجِهَادِ، وَمَنْ كَانَ مِنْ أَهْلِ الصَّدَقَةِ، دُعِيَ مِنْ بَابِ الصَّدَقَةِ، وَمَنْ كَانَ مِنْ أَهْلِ الصِّيَامِ، دُعِيَ مِنْ بَابِ الصِّيَامِ وَبَابِ الرِّيَّانِ»

«Кимки Аллоҳ йўлида бир нарсани бир неча марта инфоқ қилса, жаннат эшикларидан унга Эй Аллоҳнинг бандаси, бу (эшик яхши) деб, жаннатнинг турли эшикларидан чақирилади. Ким намоз аҳлидан бўлса, намоз эшигидан, жиҳод аҳлидан бўлса жиҳод эшигидан, садақа аҳлидан бўлса, садақа эшигидан, рўза аҳлидан бўлса, рўза эшигидан ва райён эшигидан чақирилади. Шунда Абу Бакр: Бир киши мана шу эшикларнинг барчасидан чақирилиши ҳам мумкинми деган эди, Росулulloҳ ﷺ: Ҳа, Эй Абу Бакр мен сизни ўшалардан бўлишингизни умид қиламан», дедилар. Бухорий ва Муслим ривояти.

– Муҳаммад ибн Ҳанафия айтади: Отам Али ибн Абу Толибга: Росулulloҳдан кейин одамларнинг энг яхшиси ким бўлади, деган эдим, У: Абу Бакр деди. Мен: ундан кейинчи деган эдим у: Умар деди. Шунда мен Усмон деб юборишидан қўрқиб, кейин сизми деган эдим. У мен оддий бир мусулмонман деди. Бухорий ривояти.

– Абу Ҳурайра ривоят қилишича, Росулulloҳ ﷺ : **«Бугун ичингизда ким рўза тутди»**, деган эдилар, Абу Бакр мен деди. Росулulloҳ ﷺ: **«Бугун ичингизда ким жанозага қатнашди?»**, деган эдилар, Абу Бакр мен деди. Росулulloҳ ﷺ **«Ичингизда ким бугун мискинларни таомлантирди?»**, деган эдилар, Абу Бакр мен деди. Росулulloҳ ﷺ: **«Ким касални зиёрат қилди»**, деган эдилар, Абу Бакр мен деди. Шунда Росулulloҳ ﷺ **«Ким шу ишларни жамласа, жаннатга киради»**, дедилар. Муслим ривояти.

– Ривоят қилинишича, Росулulloҳ ﷺ **«Кимни Исломга даъват қилсам, Абу Бакрдан бошқасида иккиланиш, ўйланиш ва чалкашлик бўларди»**, деб айтганлар. Абу Бакрнинг энг буюк ишларидан бири Исломга биринчилардан бўлиб кириши, Росулulloҳ ﷺ билан бирга ҳижрат қилиши ва Пайғамбаримиз вафот этган кун сабот билан туришидир. Абу Бакр ҳижратдан олдин Аллоҳ йўлида азобланаётган етти кишини озод қилди. Улар Билал ибн Рабоҳ, Омир ибн Фухайра, Занийра, Наҳдия ва унинг қизи, Бану Муаммалик жория ва Умму Убайслардир. Халифа бўлгандан кейин қилган энг буюк ишларидан бири муртадларга қарши уруш қилиши ва унинг даврида Қуръон жамланиши. Зеро, у Зайд ибн Собитни Қуръонни жамлашга буюрган эди. У одамларни яхши билар эди. Шунинг учун Холид ибн Валидни қўмондонликдан четлатишга кўнмаган эди. Абу Бакр бу ҳақда шундай дейди: Аллоҳга қасамки, Аллоҳ ўз душманларига қарши яланғочлаган қилични Аллоҳ ўзи қайтармагунча қайтармайман.

– Абу Бакр раҳмдил ва юшоқ одам бўлишига қарамай, муртадларга қарши урушда ўзининг салобати ва қаттиққўллиги билан танилган. Умардан ҳам кўра қаттиқ ва мустаҳкам позицияни ушлаган. Бухорий ва Муслимлар ривоят қилган ҳадисда Абу Ҳурайра айтади: Росулulloҳ ﷺ вафот этиб, Абу Бакр Халифа бўлгач, кўпчилик араблар кофир бўлишди. Шунда Умар: Эй Абу Бакр, қандай қилиб одамларга қарши жанг қиламиз. Ахир Росулulloҳ ﷺ:

«أَمِرتُ أَنْ أَقَاتِلَ النَّاسَ حَتَّى يَقُولُوا لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، فَمَنْ قَالَ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ عَصَمَ مِنِّي مَالَهُ وَنَفْسَهُ إِلَّا بِحَقِّهِ، وَحِسَابُهُ عَلَى اللَّهِ»

«Одамлар ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммадур Росулulloҳ деб айтмагунча уришишга буюрилдим. Ким ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммадур Росулulloҳ деса мандан моли ва жонини ҳимоя қилибди. Фақат Исломдаги ҳаққи ва ҳисоб китоби Аллоҳга ҳавола», деб айтган-ку деди. Абу Бакр эса: Аллоҳга қасамки, ким закот билан намозни орасини ажратса, унга қарши

жанг қиламан. Закот молнинг ҳаққидир. Аллоҳга қасамки, агар Росулulloҳ ﷺ га беришган туянинг арқонини беришдан бош тортсалар улар билан жанг қиламан, деди. Умар айтди: Аллоҳга қасамки, Аллоҳ Абу Бакрнинг қалбини урушга мойил қилганини кўриб, унинг ҳақ эканини билдим.

– Унинг Халифалиги даврида (Зул-Қасса) воқеаси бўлган. Абу Бакр ўша жойга ғазот қилмоқчи бўлганда, ўзи ҳам йўлга отланади. Шунда, Али ؑ унинг улови тизгинидан ушлаб, Абу Бакрга қарата «Эй Росулulloҳнинг халифаси, сиз қаёққа кетяпсиз? Сизга Росулulloҳ ﷺ Ухуд куни айтган гапни айтмоқчиман: «Қиличингни қинига сол. Уз жонинг билан (яъни ҳалок бўлиб), бизни қайғуга солма». Шунинг учун сиз Мадинага қайтинг. Аллоҳга қасамки, агар биз сиздан айрилиб қоладиган бўлсак, Ислом ўзининг низомини бутунлай йўқотади», деб айтди. Шунда Абу Бакр Мадинага қайтди, кўшин эса, йўлида давом этди.

– Абу Бакр ортидан на динор ва на дирҳам қолдирди. Ҳасан ибн Али ривоят қилишича, Абу Бакрнинг вафоти яқинлашгач, эй Оиша биз сутидан ичаётган туя, овқат солаётган товоқ ва биз кийган бахмал буларнинг барчасидан мусулмонларни бошқараётганда фойдаланганмиз. Мен ўлгач, уларни Умарга қайтариб бер деди. Абу Бакр вафот этгач, Оиша ؑ уларни Умарга юборди. Шунда Умар ؑ: Эй Абу Бакр Аллоҳ сиздан рози бўлсин, сиз ортингиздан келганларни қийнаб қўйдингиз, деди.

– Оиша ؑ айтади: Абу Бакрнинг бир қули бўлиб, ишлаб топганидан бир қисмини Абу Бакрга бериб турар ва Абу Бакр ундан ер эди. Бир куни қул бир нарса олиб келган эди, Абу Бакр ундан еди. Шунда қул: Бу нима эканини биласизми деган эди, Абу Бакр: у нима деб сўради. Шунда у мен жоҳилият замонида бир инсонга коҳинлик қилар эдим. Коҳинликда моҳир бўлмаганим учун уни алдар эдим. Ўша одам менга йўлиқиб, сиз ҳозир еган нарсани берган эди, деди. Шунда Абу Бакр қўлини оғзига тикиб, қорнидаги бор нарсани чиқариб юборди. Бухорий ривояти.

Росулulloҳ ﷺ дедилар: **«Ким ҳузуримизда бўлса, мукофотладик»**. Термизийнинг Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадисида шундай келган: **«Ким ҳузуримизда бўлса, мукофотладик, фақат Абу Бакр бундан мустасно. Чунки уни қиёмат кунида Аллоҳ мукофотлайди»**. Яна бир ривоятда шундай келади: **«Ҳузуримизда Абу Бакрдан кўра улўғроқ киши йўқ. Чунки у киши бизга жони ва моли билан ёрдам бериб қизини никоҳлаб берган»**. Табароний чиқарган. □

САРОЙ УЛАМОЛАРИНИНГ ФИКРЛАРИНИ ОЛАМЛАР ПАРВАРДИГОРИГА СОДИҚЛИК ЭМАС, БАЛКИ РЕЖИМЛАРГА СОДИҚЛИК БИРЛАШТИРДИ

Мадхалий салафий ва ашъарий сўфий уламолар ўртасида кучли қарама-қаршилиқ бўлишига ҳамда улар бир-бирини залолат, бидъат ва кўфрда айблашларига қарамай, улар Амирликларнинг яҳудийлар билан муносабатларни нормаллаштириши ҳақида бир хил фикр билдириб, уни олқишлашди. Бу эса, сиёсий режимларнинг жиноят ва хиёнатларга тўла режаларига хизмат қилишга жалб қилинган ушбу айрим саллалилар позициясини шакллантиришда ушбу режимларнинг роли нақадар муҳим эканини кўрсатади. Ўзининг ашъарийлиги ва сўфийлиги билан танилган Ҳабиб Али Жафрий ушбу келишувга «мен Амирликлар давлатига... аниқроғи, биродарим шайх Муҳаммад ибн Зойидга ишонаман», деб изоҳ бериб шундай деди: «Омма манфаатларини кўзлаб, сулҳ учун бўладими ёки ярашув учунми бундан қатъий назар, душман билан шартнома тузишга қарор қилиш иш эгасига боғлиқ бўлган сиёсий масалалардандир». Сўфий ва ашъарийларнинг энг таниқли арбобларидан бири саудиялик даъватчи Абдуллоҳ Фадъақ ҳам, Амирликлар давлати томонидан ушбу келишувнинг имзоланишини «жасорат» деб атаб шундай деди: «Шариат (Алифбосини) тушунган киши шуни яхши биладики, (шаръий сиёсат) фикҳи иш эгасини одамлар манфаатлари ва шариат мақсадлари устида қайғурувчи, манфаатларни илгари суриб, улар билан мафсадалар (зиёнлар) ўртасини солиштирувчига айлантириб қўяди». Қувайтлик салафий (мадхалий) Муҳаммад Анжарий ҳам бундай деди: «Душман билан сулҳ тузиш масаласи иш эгасига боғлиқ. Шайх Муҳаммад ибн Зойид иш эгасидир ва бу унинг ҳаққидир. Бу борада унга қарши чиқиш жоиз эмас, аксинча, Амирликлар халқи ушбу келишувда у билан бирга турмоғи лозим».

Ал-Ваъй: Бу масала босқинчи яҳудий вужуди билан муносабатларни нормаллаштириш мавзусигагина чекланиб қолмади. Балки бу масала ҳукмдорлар шўнғиган, уламолар уларга эргашиб, улар ҳақида фатво берган бошқа мавзуларга ҳам ўтиб кетди. Масалан, уламолар Арабистон ярим оролида ғайримусулмонлар учун черков ва ибодатхоналар қуришга рухсат берган Кўрфаз ҳукмдорларини оқлашди. Саудия бошчилигидаги Кўрфаз ҳукмдорлари Американинг Ироқни босиб олинишига олиб борган аралашувини қўллаб-қувватлашганидан кейин, уламолар кофирдан ёрдам сўраш ва у билан иттифоқ тузишга рухсат беришди. Ҳолбуки, уларнинг бу ҳақдаги олдинги фатволарида кофирдан ёрдам сўраш ва у билан иттифоқ тузиш ҳаром дейилган эди. Олдин аёл кишининг автомобил ҳайдашини ҳаром деб фатво беришган эди. Ибн Салмон бунга рухсат берганидан кейин эса, бу ҳукм ўзгарди... Ҳукмдорнинг позицияси ўзгаришига қараб фатволарнинг ўзгариши Кўрфаз уламоларигагина чекланиб қолмаган, балки бутун исломий юртларни қамраб олган. Чунки ҳар бир ҳукмдор айтганини такрорлайдиган тўтиқуш уламолар гуруҳини қафасда сақлайди. Агар ҳукмдор Асадга қарши бўлса, уламолар ҳам унга қарши бўлишади ва агар ҳукмдор унга тарафдор бўлса, уламолар ҳам тарафдор бўлишади. Уларнинг тайёр ҳужжати қуйидагича: «Омма манфаатини кўзлаб, сулҳ учун бўладими ёки ярашув учунми бундан қатъий назар, душман билан шартнома тузишга қарор қилиш иш эгасига боғлиқ бўлган сиёсий масалалардандир». Бундай уламолар ҳақида маълум нарса шуки, улар Аллоҳ нозил қилган аҳкомлардан бошқа қонунлар билан ҳукм юритувчи ҳукмдорларга уларнинг барча позицияларида тўлиқ ва доим содиқдирлар. Ҳукмдорларнинг экстремизмга қарши кураш баҳонасида Исломга қарши олиб борган урушларида ҳам бу уламолар уларнинг ёнида туришади. Баъзида бундай уламоларнинг ҳукмдорлар хиёнатига рози бўлиши, ҳар бир қадамда улар билан бирга юриши уларга қарши мухолафатчи бўлганларнинг ўлдрилишига фатво беришгача ва мухолафатчиларни ўлдириш тўғрисидаги қарорларга имзо чекишгача борди... Улар дин уламолари эмас, балки ҳукмдорлар ва сарой уламолари бўлиб, гуноҳ ва маъсиятда ҳукмдорга шерикдирлар... Шундай экан, уларни рад этинглар. □

МУҲАММАД ИБН САЛМОН ЎЗИНИНГ ДИННИ ЯНГИЛАШ ҲАҚИДАГИ КЎЗ-ҚАРАШИДА СУННАТГА РИОЯ ҚИЛИНИШИГА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛМОҚДА

Саудия телевидениеси 2021 йил 27 апрелда (Саудия Арабистони кўз-қараши 2030) лойиҳаси бошланганининг беш йиллиги муносабати билан валиаҳд шахзода Муҳаммад ибн Салмон билан ўтказилган суҳбатни эфирга узатди. Ибн Салмон бу суҳбатда муҳим масала деган эътиборда исломий шариат ва динни янгилаш масалалари ҳақидаги ўз кўз-қарашига ойдинлик киритди. Унга кўра, бу масалалар мамлакат келажагини шакллантириш учун ўзи таклиф қилган иқтисодий ва сиёсий кўз-қарашга чамбарчас боғланган. Ибн Салмон шунингдек, мақсадларга эришиш учун айна кўз-қарашни амалга ошириш зарурлигини ва бу кўз-қараш қиролликдаги расмий диний йўналиш учун ҳарбий тўнтариш каби бўлишни таъкидлади... У ўз суҳбатида шундай деди: (Қуръон ҳар бир замон ва макон учун яроқлидир... Шаръий жиҳатдан олиб қараганда, ҳукумат Қуръон ва мутавадир ҳадис нусусларини татбиқ қилишга мажбур. Оҳод ҳадис саҳиҳ, заиф ва мавзулигига қараб олинади... Биз муайян мактаб ёки олимга эргашмаймиз... Тайин қилинган мактаб ҳам, шахс ҳам йўқ... Шайх Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб агар қабридан чиқиб келиб, биз уни илоҳийлаштирганимизни ва унинг далилларини ижтиҳодсиз амал қилганимизни кўрса, буни рад этган бўларди...).

Ал-Ваъй: Саудия ташкил топганидаёқ (динни давлатдан ажратиш) асосидаги иттифоққа асосланган. Чунки бошқарув Сауд оиласига, фатво эса шайх Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб оиласига тегишли. Фатволар мусулмонларнинг шахсий ҳолатларидан нарига ўтмайди. Аммо сиёсий позицияларга келсак, улар иш эгаси томонидан белгиланган деган эътиборда тўлиқ диний муассаса томонидан қўллаб-қувватланади. Ушбу диний муассаса Сауд оиласи ҳукмдорлари томонидан тўлиқ эксплуатация қилинган. 2018 йил 27 мартда Муҳаммад ибн Салмон «Вашингтон Пост» газетасига берган интервьюсида ўз мамлакатида ваҳҳобийлик фикрининг тарқалиши совуқ уруш даврига бориб тақалишини ошкор қилди. Унга кўра, Америка Саудиядан ислом оламида Совет Иттифоқининг илдамлашига йўл бермаслик учун ўз пулларини ишга солишни талаб қилган.

Ибн Салмоннинг оҳод ҳадисларга амал қилишни бекор қилиш ҳақидаги эълони шаръий нуқтаи-назардан олиб қараганда жуда хавфлидир. Чунки бунда шариатни бекор қилиш ва суннатни умуман инкор қилиш бор. Ундан олдин Қаззофий ҳам мана шундай машъум даъвони қилган эди... У Фарбни рози қилиш ҳамда унинг Исломга қарши оламий урушида у билан бирга юриш учун мана шундай даъвони қилди. Унинг бу сўзи рад этилган бўлиб, унга қарши туриш лозим. Ҳеч қандай ҳолатда бунга сукут қилиш жоиз эмас, аксинча, бундай сўзни айтган киши айбланиши керак... Бундай баёнот ва позицияларнинг ижобий томони шундаки, улар Ибн Салмоннинг ҳақиқий башарасини ҳамда салафий уламолар орасидаги анави қалб заифларни фош қилади. Бўлаётган ишлардан бошқа олимларга қараганда Саудиядаги бугунги расмий ва норасмий уламолар кўпроқ масъул. Чунки улар фитнанинг олдида туришибди. Шунинг учун ҳеч бўлмаганда улардан биттаси чиқиб, ўзини ва бошқаларни бу фитнадан қутқармоғи лозим. Бугун мусулмонлар Росулulloҳ ﷺ нинг

«حَتَّىٰ يَصِيرَ النَّاسُ إِلَىٰ فُسْطَاطَيْنِ، فُسْطَاطِ إِيْمَانٍ لَا يَفَاقُ فِيهِ، وَفُسْطَاطِ نِفَاقٍ لَا إِيْمَانَ فِيهِ»

«... Ҳатто одамлар иккита лагерда, яъни мунофиқлик бўлмаган имон лагери ҳамда имон бўлмаган мунофиқлик лагерида бўладилар», деб айтган ҳадислари амалга ошганини ўз кўзлари билан кўрмоқдалар. Юз бераётган ушбу ишларда Росулulloҳ ﷺ нинг

«ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَىٰ مِنْهَاجِ النَّبِيِّ»

«... Сўнг пайғамбарлик минҳожии асосидаги Халифалик бўлади», дея қилган башоратларининг исботи сифатида рошид Халифалик тезда қайта барпо бўлишини кўрмоқдамиз. Тўғри йўлга ҳидоят қилиш ёлғиз Аллоҳ измидадир. □